

**Таъсисчи:**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

**Ушбу сон муҳаррирлари**

И. И. Ҳувайтов, Р. Р. Тумпаров

**Саҳифаловчи**

Д. Х. Хамидуллаев

**Муқова дизайнери**

С.В. Асямов

Ахборотнома Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2011 йил 29 апрелдаги 172/5-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган.

**Таҳририят манзили:**

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.

Тел.: 265-23-56, 265-23-52.

e-mail: akadmvd@uzsci.net.

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳрир ҳайъатининг фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин. Қўлёзмалар мазмун ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф жавобгар.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр. ҳисоб табағи 11,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. «VNESHINVESTPROM» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент ш., Лангар кўчаси, 78.

Босишга рухсат этилди 04.04.2013.

Буюртма № 16.

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

## ИИВ АКАДЕМИЯСИНИНГ

### АХБОРОТНОМАСИ

Чораклик илмий-амалий ҳуқуқий нашр

2013 йил, 1-сон

МУНДАРИЖА

2013 йил — Обод турмуш йили

2013 год — Год благополучия и процветания

*Юсубов Д. А.*

Обод турмуш: фаровонлик, эзгулик, баркамоллик.....3

#### Ҳуқуқий ислохотлар ва қонунчиликни такомиллаштириш

#### Правовые реформы и совершенствование законодательства

*Муҳамедов Ў.Х.*

Парламент назорати институтини такомиллаштириш – конституциявий ислохотларнинг муҳим босқичи.....6

*Юлдашев М. Ш.*

Жиноят-ижроия соҳаси билан боғлиқ қонунларни такомиллаштиришнинг айрим масалалари.....10

*Рузметов Б. Х.*

Либерализация и реформирование судебно-правовой системы как важнейшее направление формирования правового государства.....14

*Қулматов Ш.А.*

Дастлабки терговда процессуал мажбуриятларнинг бажарилиши конституциявий ҳуқуқлар таъминланишининг гаровидир.....19

*Закиров Б.Э.,**Каримов В.Г.*

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши.....22

*Мирзаев У. М.*

Коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормаларини такомиллаштириш ҳақида.....28

*Селиманова С.М.*

Лицензирование в административном праве Республики Узбекистан.....31

#### Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари

#### Актуальные проблемы профилактики правонарушений и обеспечения общественной безопасности

*Фазилов И. Ю.*

Одам савдосининг бошқа ўхшаш жиноятлардан фарқлиниши....36

**Учредитель:**  
Академия МВД Республики Узбекистан

**Редакционная коллегия**  
Ш. Т. Икрамов (главный редактор),  
Н. Т. Исмоилов (ответственный редактор),  
А. А. Хамдамов, У. Х. Мухамедов,  
Д. М. Миразов, О. Окилов,  
М. З. Зиёдуллаев, Б. А. Яров

**Редакторы номера**  
И. И. Хувайтов, Р. Р. Тумпаров

**Верстка**  
Д. Х. Хамидуллаев

**Дизайн обложки**  
С. В. Асямов

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568

Решением Президиума ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан от 29 апреля 2011 года №172/5 включен в список научных журналов

**Адрес редакции:**  
100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.  
Тел.: 265-23-56, 265-23-52.  
e-mail: akadmvd@uzsci.net.

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Узбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Мнение редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикаций. Ответственность за содержание публикаций и достоверность фактов несут авторы материалов.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 11,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в типографии ООО «VNESHINVESTPROM». г. Ташкент, ул. Лангар, д. 78.

Подписано в печать 04.04.2013.  
Заказ № 16.

© Академия МВД  
Республики Узбекистан, 2013.

*Холходжаев М.К.-у.*  
Вопросы повышения эффективности использования дактилоскопических учетов (международный опыт).....40

*Мадрахимов Б.*  
Талончиликни тергов қилишда кейинги тергов ҳаракатларининг хусусиятлари.....43

*Жабборов З. Қ.*  
Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш ва унинг оқибатлари.....48

*Исраилова Н. А.*  
Социально-педагогическая реабилитация воспитанников специализированных учебно-воспитательных учреждений: проблемы и пути решения.....52

**Маънавият ва ҳуқуқий тарғибот**

**Духовность и правовая пропаганда**

*Мамадалиев Ш. О.*  
Маънавият – ижтимоий тараққиёт кафолати.....58

*Бердияров Ш. Н.*  
Ички ишлар идораларида ҳуқуқий тарғиботнинг ўрни.....62

*Нарбеков А. В.*  
«Оммавий маданият» тушунчаси билан боғлиқ баъзи мулоҳазалар.....65

**Илмий концепциялар, мулоҳазалар**

**Научные концепции, суждения**

*Исхакова Л. Ф.*  
Некоторые вопросы совершенствования международно-правового регулирования правил процедур Сектора МСЭ-Т Международного союза электросвязи.....69

**Ёш олимлар минбари**

**Трибуна молодых ученых**

*Адилова Н.*  
Интеллектуал мулк объектларини яратиш ва улардан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашнинг баъзи масалалари.....74

*Ядгаров Ж.*  
Фуқаролик процессида келишув битимини қўллаш бўйича хориж тажрибаси.....80

*Узакова С.*  
Преступность несовершеннолетних и её профилактика: криминологический и социально-психологический аспекты.....85

**Иқтидорли тингловчилар саҳифаси**

**Страница одарённых слушателей**

*Қосимов Ш. У.*  
Жиноий жавобгарликни либераллаштиришнинг асосий принцип ва йўналишлари.....89

*Қаюмов Д.*  
Фирибгарлик жиноятларининг олдини олиш муаммолари..93

**Танқид ва библиография**

**Критика и библиография**

*Одилқориев Ҳ.Т.*  
Конституция ва баркамол жамият орзуси: Монография.....96

Д. А. Юсубов\*

## ОБОД ТУРМУШ: ФАРОВОНЛИК, ЭЗГУЛИК, БАРКАМОЛЛИК

Инсон дунёга келиб, ўсиб-улғаяр экан, фаровон яшашни, турмуши обод бўлишини истайди, она юрти билан ғурурланиб, бахтли ҳаёт кечиришни орзу қилади, доимо шунга интилади. «Мустақиллик йилларида «Ободлик кўнгилдан бошланади» деган чуқур мазмунли ибора эл-юртимиз ўртасида кенг тарқалиб, одамларимизни бунёдкорлик туйғуси билан яшашга даъват этиб келаётгани бу фикрни тасдиқлайди.

Бундай фикр ва мулоҳазаларни умумлаштириб, ўзбекона айтадиган бўлсак, барчамизни шижоат ва интилишларимиз негизида авваламбор юртимиз, Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, инсон эркин нафас оладиган тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш ғояси мужассам эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Айни шундай орзу-ниятлар билан кундалик ҳаётимизни тўлдириш, уларни ҳаётимизнинг мақсадига айлантириш, шундай ғоя ва интилишни амалга ошириш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини сафарбар этиш, ҳеч шубҳасиз, бугунги кунда энг муҳим ва долзарб аҳамият касб этади»<sup>1</sup>.

Турмушни обод қилиш – мураккаб жараён. У инсондан жуда катта маънавий, ақлий, моддий, жисмоний, молиявий куч-қувватни талаб қилади. Турмушни обод қилиш келажакни ҳам ҳисобга олишни, уни режалаштиришни тақозо этади.

Обод турмушни шакллантиришнинг кўпгина омиллари мавжуд, Бу аввало тинчликни

сақлаш, иқтисодий ривожлантириш, модернизация ва ислоҳ қилиш, қонунийликни таъминлаш, ёшларга эътибор орқали **аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдан** иборат.

Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан жорий йилни «Обод турмуш йили» деб эълон қилинишида чуқур теран маъно, мантиқ ва ҳикмат бор. Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йиллари маданий, маънавий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда мислсиз ўзгаришлар юз берди. Бугунги кунда ана шу эришилган ютуқларни, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш устувор вазифа сифатида белгилаб олинди. Обод турмуш йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида ҳам бу масалалар ўз ифодасини топган. «Мамлакатимизда барқарорлик ва осойишталик, хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият фаровонлиги ва равнақини изчил юксалтириш мазкур Давлат дастурининг муҳим устувор йўналишлари этиб белгиланган. Ушбу ижобий жараёнларни таъминлаш мамлакатимизда барча жабҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни чуқурлаштириш учун мустаҳкам пойдевор, жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишни изчил давом эттириш кафолати, кучли бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси фалсафа ва политология кафедрасининг бошлиғи, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

<sup>1</sup> Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи.– 2012.– 8 дек.

---

демократик давлат барпо этиш йўлида эришаётган ютуқларимизнинг муҳим омилидир»<sup>1</sup>.

Ҳозирги мураккаб шароитда жаҳонда кўпгина давлат раҳбарлари халқаро, миллатлараро, мамлакатлараро тинчликни сақлаш муаммосига катта эътибор билан қарамоқдалар. Айрим мамлакатларда миллатлараро тинчлик, тотувлик йўқ. Диний эътиқоди турлича бўлган халқлар, элатлар ўртасида ҳам низолар келиб чиқмоқда (масалан, Африка қитъасидаги Мали ва бошқ.). Улар мамлакатлараро келишмовчиликка ҳам айланиб кетиши мумкин. Бу эса ички иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорликни издан чиқаради, мамлакатнинг таназулга учрашига сабаб бўлади, унинг қашшоқлашувига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни ривожлантириш масаласига мустақилликнинг илк кунлариданоқ Президент Ислом Каримов устувор масала сифатида қараб, асосий фаолиятини мамлакатимизни жаҳондаги тараққий этган давлатлар қаторига чиқариш, жамиятнинг барча соҳаларини модернизация қилишга қаратгани бежиз эмас. Обод турмушга эришиш, уни шакллантириш марказида мамлакатимиз аҳолиси, миллионлаб инсонларнинг манфаати мужассамлашганлиги айна ҳақиқат. Юртбошимизнинг йил якунларини чуқур таҳлил этиш ва йил бошланишида истиқболдаги асосий вазифаларни кўриб чиқиш асносида, янги йилда нима устувор, деб қаралишини ҳисобга олган ҳолда йил номини эълон қилганида ҳам бу ҳолни – инсон манфаатларини кўриш мумкин. Мамлакат раҳбари 1997 йилни «Инсон манфаатлари йили», 1998 йилни «Оила йили», 1999 йилни «Аёллар йили», 2000 йилни «Соғлом авлод йили», 2001 йилни «Оналар ва болалар йили», 2002 йилни «Қарияларни қадрлаш йили», 2003 йилни «Обод маҳалла йили», 2004 йилни «Меҳр ва мурувват йили», 2005 йилни «Сиҳат-саломатлик йили», 2007 йилни «Ижтимоий ҳимоя йили», 2008 йилни «Ёшлар йили», 2009 йилни «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», 2010 йилни «Баркамол авлод йили», 2011 йилни «Кичик бизнес ва тадбиркорлик йили», 2012 йилни «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилган. Буларнинг барчаси юқоридаги номлар билан боғлиқ йилларда амалга

оширилган ғоят улкан ва мислсиз бунёдкорлик ишларининг мантиқий давоми – Обод турмуш йилига хизмат қилиши шубҳасиз ва бу белгилаб олинган **эзгу режаларнинг ғоявий йўналиши** деса бўлади.

Таъкидлаганимиздек, иқтисодиёт соҳасини модернизация ва ислоҳ қилиш, уни ривожлантириш юртимиз ва турмушимизни обод қилишнинг бош омилларидан ҳисобланади.

Бугунги кунда Президент Ислом Каримов мамлакатимизга ташқи инвестицияларнинг киритилишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Республикаimizдаги иқтисодий муҳит чет эллик инвесторларни ўзига жалб этмоқда. Бу ҳақда 2013 йил 18 январда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги «Бош мақсадимиз кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» деб номланган маърузасида ташқи инвестицияларнинг салмоғи йил сайин ошиб бораётганлигини таъкидлайди, 2012 йил мамлакат иқтисодига 11,7 миллиард АҚШ долларига тенг миқдорда инвестиция киритилганлигини қайд этади.

Маълумки, ўтган йиллар давомида Андижон, Бухоро, Наманган, Нукус, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Қарши шаҳарларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хоразмни ҳавас қилса арзиғулик янада гўзал ва обод юртга айлантириш мақсадида катта тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.

Иқтисодиётнинг ривожланиши, ўз навбатида, халқ фаровонлигининг ошишига, турмуш даражасининг юксалишига олиб келади, аҳоли реал даромадларининг узлуксиз ошиб боришига имкон беради. Шунинг учун Президент фармони билан аҳолининг иш ҳақи, талабаларнинг стипендиялари, кексалар ва ногиронларнинг пенсия ва нафақалари йил сайин оширилмоқда. Пул маблағларининг харид қувватини ошириш, инфляция даражасини камайтириш юзасидан изчил чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Аҳоли турмуш фаровонлигининг оширилиши ёшларнинг билим савияси, тарбияси

---

<sup>1</sup> Обод турмуш йили: эзгу мақсадлар ва муҳим вазифалар // Халқ сўзи. – 2013. – 23 фев.

юксалишига, умуман, фуқароларнинг бахтли ҳаёт кечиришига хизмат қилади, ўзаро муносабатларнинг самимийлашувига олиб келади. Аслида инсонийликнинг моҳияти ҳам шу – ҳақиқий бахт-саодатга эришишдир. Ҳаёт фалсафаси, авлодлар тажрибаси шуни исботлайдики, фақат иқтисодиётнинг ўсиши ҳали инсоннинг бахт-саодатга эришгани ёки обод турмуш курганини билдирмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, обод турмуш дегани биринчидан, тинчлик, иккинчидан, моддий фаровонлик ва учинчидан, моддийликни мутлақлаштирмаган ҳолда турмуш гўзаллигидир. Турмуш гўзаллиги – инсонлараро муносабатларнинг ахлоқ, нафосат қонунлари асосида шаклланиши, уларнинг инсонларнинг манфаат ва интилишларига мувофиқлигидир. Бу – ота-она ва фарзандлар, қариндош-уруғлар, кўни-кўшни, ёру-биродарлар ўртасидаги муносабатларнинг самимийлашувидир.

Обод турмушга инсон ҳаётини бошқариш, яхшилашга қаратилган қонунларни янада такомиллаштириш орқали эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да инсон ҳуқуқ ва манфаатлари билан боғлиқ қонунларни тезроқ амалга киритиш, умуман ҳуқуқий соҳани ислох этишни жадаллаштириш вазифасини кўйди. Обод турмуш йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, оила институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш назарда тутилган. Такомиллашган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилишнинг обод турмушни яратишда ўзига хос ўрни бор.

Мамлакатимизда ободликни вужудга келтириш оилада ободликдан бошланади, чунки оила ва жамият, оила ва давлат бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Оилада фарзанд-

ларни **баркамол этиб тарбиялаш**, уларда эзгулик, адолат, ғурур ва ифтихор ҳиссини синдириш ўзбек халқ педагогикасининг азалий давом этиб келаётган асосий қондаси, устун жиҳатидир.

Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳар йили мамлакатимизда 600 мингдан зиёд бутунлай янгича шарт-шароит ва муҳитда камол топган ёш авлод вакиллари катта ҳаётга йўл олмоқда<sup>1</sup>.

Бизнинг келажагимиз, ишончимиз, суянчиғимиз бўлган фарзандларимиз тўғри тарбия олиб, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топа билса, ҳозирги глобаллашув жараёнида ёшларимизни соғлом фикрлашга ўргатиб, мафкуравий тарбияни яхши йўлга қўйиб, миллий мафкурамизга зид бўлган вайронкор, бузғунчи мафкуралардан, оммавий маданиятга хос бўлган салбий иллатлардан ҳимоя қила олсак, кўнгил тинч, турмушимиз обод бўлади. Шу йўлда ёшларимиз учун кўп ишлар қилинмоқда. Дарслар таълим дастурлари асосида инновацион технологиялар ёрдамида янги замонавий, шинам ва кўркем коллеж-лицейларда ўтилмоқда. Олий таълим муассасаларида янгидан-янги мутахассислик йўналишлари очилмоқда, фан ва маданият, маориф соҳасида, санъатнинг барча йўналишларида ёшларимиз ўзлигини намоён қилмоқда. Улар жаҳон спортининг барча йўналишлари билан шуғулланиши учун юртимизда барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган, кўплаб муҳташам спорт иншоотлари вужудга келтирилмоқда. Республика-мизда чет тилини ўрганишга, айниқса, катта эътибор берилмоқда. Бунинг исботи сифатида Президентимизнинг «Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 2012 йил 10 декабрь қарори бунинг яна бир исботидир. Бу ёшларимизнинг халқаро майдонга чиқишига, ўз иқтисодидан, истеъдодини намоён қилишига яна бир имкониятдир.

Ўзбек халқи доимо фарзандларини, уларнинг келажагини ўйлайдиган халқ. Шу нуқтаи назардан том маънода халқимизни бахтли деса бўлади. Буни ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

<sup>1</sup> Қаранг: Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи.– 2012.– 8 дек.

Ў.Х. Муҳамедов\*

## ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Мамлакат ҳаётида ва давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг роли ва таъсирини кучайтиришга оид вазифа ҳозирги кунда ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида қайд этилмоқда. Парламент томонидан жамият ҳаётига ижобий таъсир этишнинг энг мақбул усулларидан бири – унинг назорат соҳасидаги фаолияти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримов Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 27 январдаги қўшма мажлисида таъкидлаганидек, «парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари – Кенгашлар олдида турган ...муҳим вазифа – бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир»<sup>1</sup>.

Парламент назорати – парламент назорати субъектлари томонидан давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари қонунларни ижро этишини таъминлашга қаратилган фаолият.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларидаги парламент назоратига оид мавжуд ҳуқуқий нормалар тизимга солинса, уларни юридик кучи ва иерархияси бўйича бир нечта гуруҳларга ажратиш мумкин.

*Биринчи гуруҳга* бевосита парламент назоратига тегишли Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги ҳуқуқий нормалар тизими киради. Жумладан, Конституция 85-моддаси тўртинчи қисмининг 4-бандида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери «Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Қонунчилик палатаси қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этиши» кўрсатилган.

Конституция 86-моддаси тўртинчи қисмининг 4-бандида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси «Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Сенат қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этиши» белгиланган.

Конституция 87-моддасининг биринчи қисмига биноан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишларини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан кўмиталарни сайлайди».

Шунингдек, ушбу модданин иккинчи қисмига кўра, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Сенат томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига сенаторлар орасидан кўмиталарни сайлайди».

*Иккинчи гуруҳни* эса, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунларда мустаҳкамланган парламент назорати тўғрисидаги нормалар ташкил этади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонунда мустаҳкамланган парламент назоратига тегишли нормалар

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Олий академик курслари бошлиғи, юридик фанлар доктори.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18. – Т., 2010. – Б. 144–145.

тизими шулар жумласидандир. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонун 8-моддаси биринчи қисмининг 11-бандига асосан, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари жумласига «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ҳамда унинг ижросини назорат қилиш» вазифаси ҳам киритилган.

Ушбу конституциявий қонун 14-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига Сенатнинг «Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Қонунчилик палатаси қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этиши» кўрсатилган.

Конституциявий қонун 17-моддасининг биринчи қисмига кўра, Қонунчилик палатаси «Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзоларидан иборат таркибда кўмиталар сайлайди». Қонуннинг 18-моддаси 1-қисми 10-бандига кўра, «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда кўмиталарнинг қарорлари улар томонидан қандай бажарилаётгани ҳақидаги ахборотларини эшитади».

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг 14-моддасида Сенат Раисининг ваколатлари қаторида «Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Сенат қарорларининг ижроси устидан назоратни ташкил этиш» ваколати мустаҳкамланган. Қонун 18-моддаси биринчи қисмининг 8-бандига эса Сенат кўмиталарининг ваколатлари қаторида «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Сенат ҳужжатлари ҳамда кўмиталарнинг қарорлари улар томонидан қандай бажарилаётгани ҳақидаги ахборотларини эшитиш» белгиланган.

Учинчи гуруҳни ҳар икки палатанинг регламенти тўғрисидаги қонунлар ва қабул қилинган ички регламентларда белгиланган парламент назоратига оид нормалар тизими ташкил этади. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонун 7-моддаси-

нинг биринчи қисмига асосан, «Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзоларидан иборат таркибда кўмиталар сайлайди».

Қонун 33-моддасининг 7-қисмига биноан, «Қонунчилик палатаси кўмиталарининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга қандай риоя этилаётгани, палата кўмиталарининг қарорлари қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборотларни эшитиш кўмиталарнинг иш режаларига мувофиқ ўтказилади».

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги қонуннинг 32-моддаси «Сенат томонидан назорат қилиш соҳасидаги бошқа ваколатларнинг амалга оширилиши» деб номланиб, унда «Сенат кўмиталарининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга қандай риоя этилаётгани, палата кўмиталарининг қарорлари қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборотларини эшитиши кўмиталарнинг иш режаларига мувофиқ ўтказилиши» белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентининг 38-моддасига кўра, «қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан Раис, унинг ўринбосари ва аъзоларидан иборат таркибда кўмиталар сайланади».

Регламент 44-моддасининг 10-бандига асосан, Қонунчилик палатасининг кўмиталари «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, бошқа қонун ҳужжатлари, кўмиталарнинг қарорлари улар томонидан қандай бажарилаётгани ҳақида ахборотларни эшитади».

Ушбу модданин 11-бандига мувофиқ, уларнинг «Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Қонунчилик палатаси қарорларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириши» кўрсатилган. Регламент 164-моддасининг

---

тўртинчи қисмига асосан, «Қонунчилик палатаси ўзининг назорат қилиш ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ айрим масалалар бўйича қарорлар қабул қилади». Регламентнинг 21-бобида Қонунчилик палатаси томонидан назорат қилиш соҳасидаги бошқа ваколатларнинг амалга оширилиши белгиланган.

Бироқ, парламент назорат-таҳлил фаолиятининг ҳуқуқий асосларини тартибга солишга қаратилган яхлит ва алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинмаганлигини тан олишимиз зарур. Шу боис бу соҳадаги фаолият давомида ташкилий, ҳуқуқий томондан кўплаб муаммоларга дуч келинмоқда.

Парламент назоратига оид амалдаги қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий нормаларини оқилона тизимлаштириш, кодификациялаш ҳамда бу борада Конституциямизда белгиланган асосий қоидаларнинг изчил механизмини яратиш, қолаверса, икки палатали парламентнинг назорат-таҳлил фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш самарадорлигини ошириш мақсадида, «Парламент назорати тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши конституциявий ислохотлар сирасида муҳим масала сифатида кўйилмоқда. Бошқача айтганда, бу қонунни тайёрлаш ва қабул қилиш ишлари конституциявий ислохотларнинг муҳим босқичини бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ф-3558-сонли Фармойишига кўшимча сифатида киритилган 2-бандда ишчи гуруҳи олдида «Парламент назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаш вазифаси кўйилди.

«Парламент назорати тўғрисида»ги қонун қабул қилинишининг давлат ва жамият ҳаёти учун муҳимлиги, зарурати ҳамда аҳамияти кўйидаги омилларда намоён бўлади:

*биринчидан*, парламент ва унинг аъзоларининг назорат-таҳлил борасидаги фаолиятининг ҳамда ҳар бир амалга оширилаётган назорат якунидаги қарорларнинг ижро этилиши кафолатининг мустақамланишига хизмат қилади;

*иккинчидан*, парламент назорати борасидаги ваколатларнинг кенгайишига, аниқроғи, унинг жаҳон тажрибасида оммалашган янги

---

шакллари амалиётимизда илк маротаба жорий этилишига асос бўлади;

*учинчидан*, парламент назоратини бевосита амалга оширувчи субъектлар ҳамда бу фаолият йўналтириладиган объектлар доираси ўзининг аниқ ҳуқуқий ифодасига эга бўлади;

*тўртинчидан*, юқорида қайд этилган амалдаги парламент назоратига оид бир қатор қонун ҳужжатларидаги ҳуқуқий нормаларни яхлит қонун ҳужжати негизда тизимини яратишга ҳамда бу орқали мазкур соҳанинг самарали кодификациялашувига эришилади. Хусусан, Конституциямизда белгиланган парламент назоратига оид ҳуқуқий қоидалар яратилажак бу қонунга мустақам асос бўлади;

*бешинчидан*, парламент назорати айрим турлари (парламент сўрови ҳамда депутат сўрови, олий давлат бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитиш ҳамда ҳуқумат соати)нинг мазмуни ва амалга оширилишидаги ўхшашликлар ҳамда умумий жиҳатларнинг аниқ фарқланишига замин яратади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда парламент назоратининг кўйидаги турлари амалга оширилмоқда:

– парламент сўрови;

– Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палаталари қарорлари ижроси устидан назорат;

– давлат бюджетини тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилиш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг муҳим сиёсий масалалар бўйича фармонларини тасдиқлаш орқали назоратни амалга ошириш;

– давлат органларини шакллантириш ва мансабдор шахсларни сайлаш, тайинлаш ёки тасдиқлаш йўли билан назоратни амалга ошириш;

– Бош вазирга ишончсизлик вотуми билдириш масаласини кўриб чиқиш;

– олий давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш. Бу парламент назоратининг кўпгина ривожланган давлатларда мавжуд парламент эшитуви шаклига мос келади.

Юртбошимизнинг юқорида қайд этилган маърузасида «парламент назоратининг парламент сўрови, парламентда ҳисоботни эшитиш ва парламент фаолиятининг қонунда



кўзда тутилган бошқа шаклларида кенг фойдаланиш вазифаси қўйилган<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, назаримизда парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидаги нуфузини янада ошириш, халқнинг иродасини тўла-тўқис ифодалай олишини таъминлаш мақсадида жаҳон тажрибасида шаклланган назорат-таҳлилнинг қуйидаги турларини рўёбга чиқариш ўринлидир.

Биринчиси – парламент суриштируви. Тушунчанинг этимологик жиҳатида эътибор қаратадиган бўлсак, рус тилидаги «Парламентское расследование» категорияси миллий адабиётларимизда «Парламент текшируви»<sup>2</sup> ёки «Парламент тергови»<sup>3</sup> деб қўлланилган. Фикримизча, бу иборани «Парламент суриштируви» деб ишлатган маъқул.

Бу парламент назоратининг мустақил шакли сифатида, бир палата ёки палатларнинг қўшма қарори билан махсус тузилган парламент суриштируви комиссиясининг жамият ва давлат ҳаётига зид таъсир қилаётган факт ёки воқеаларнинг сабабларини аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган фаолиятидир. Парламент суриштирувига оид хориж тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, уни ифода этган нормалар Австрия конституциясининг 53-моддасида, Бельгия конституциясининг 56-моддасида, ГФР конституциясининг 44,45а2-моддаларида, Греция конституциясининг 68-моддасида, Дания конституциясининг 51-моддасида, Испания конституциясининг 76-моддасида, Италия конституциясининг 82-моддасида, Люксембург конституциясининг 64-моддасида, Португалия конституциясининг 181-моддасида, Швеция конституциясининг 4-бобида, Япония конституциясининг 62-моддасида мавжуд. Россия Федерациясида эса «Парламент суриштируви тўғрисида» алоҳида қонун қабул қилинган.

Иккинчиси – ҳукумат соати (ҳукуматга саволлар билан мурожаат этиш соати). Бу ҳукумат аъзолари ва бошқа мансабдор шахсларнинг парламент палаталари депутатлари (аъзолари)нинг саволларига олий вакиллик органи мажлисларида жавоб бериши учун ажратиладиган вақтдир.

«Парламент назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тузилиши ва мазмуни жиҳатидан қуйидаги кўринишда ифодаланиши мақсадга мувофиқдир.

Қонун лойиҳасининг *биринчи боби* «Умумий қоидалар» деб номланиб, унда «мазкур ҳужжатнинг тартибга солиш предмети», «парламент назорати соҳасига оид асосий тушунчалар», «парламент назоратининг асосий вазифалари», «парламент назоратини амалга оширишнинг асосий принциплари», «парламент назоратининг объектлари», «парламент назорати субъектлари», «парламент назорати турлари», «парламент назоратини ташкил этиш» каби нормалар мужассам бўлмоғи лозим.

Лойиҳанинг *иккинчи боби* парламент назоратининг шакллари ифодалашга қаратилиб, мазкур бобда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан парламент назоратини амалга ошириш шакллари», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўмиталари ва комиссиялари томонидан парламент назоратини амалга ошириш шакллари», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан парламент назоратини амалга ошириш шакллари», «парламент назорати натижасида чиқариладиган қарорлар» деган моддаларнинг мустаҳкамланиши ўринлидир.

Қонун лойиҳасининг *учинчи боби* жавобгарликка бағишланиб, унинг мазмунида «жавобгарлик асослари», «жавобгарлик турлари»га оид нормалар мустаҳкамланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Мулоҳазаларимиз якунида шуни айтиш жоизки, яратилажак мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг давлат ва жамият ҳаётидаги роли ва таъсирини кучайтиришга, назорат фаолиятини мустаҳкамлашга, унинг ҳуқуқий асосларини яхлит тизимга солишда, депутатлар, сенаторларнинг шу соҳадаги фаолиятида қулайликлар яратишга ва ишларини ўзаро мувофиқлаштиришга, қолаверса, қонун ва адолат устуворлигига эришишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т., 18. – Т., 2010. – Б.146.

<sup>2</sup> Қаранг: Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси. – Т., 2002. – Б.32.

<sup>3</sup> Одилқориев Х.Т. Парламент назоратининг моҳияти ва асосий шакллари // Парламент назорати: назария ва амалиёт масалалари. – Т., 2005. – Б.31.

## ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ СОҲАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚОНУНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барқарор тараққиётга замин яратувчи, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла-тўқис рўёбга чиқарувчи ҳамда уларга хизмат қилувчи ҳуқуқий тизимга таянади. Зеро, Конституция ва қонун устуворлигига эришмай туриб адолатли жамият барпо этиб бўлмайди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади».

Қонунчилик фаолиятини амалга ошириш жараёнида қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ва мазмуни муҳим аҳамиятга эга. Мазкур жараённинг кенг қамровлилиги шундаки, фаол ҳуқуқ ижодкорлиги натижасида юзага келган айрим муаммолар бу борада ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Қабул қилинган қонунда маълум бир ижтимоий муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ барча масалалар тўлиқ ўз ифодасини топиши ва муайян бўшлиқларнинг олдини олиш ушбу жараённинг ўта мураккаблигини билдиради.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримов ўз маърузасида «Бундан ўн йил олдин қабул қилинган амалдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилишни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Яъни ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараёни кенгайгани ва мураккаблашгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганига ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошгани бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали

механизмларини яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар эҳтиёжларига мос бўлишини тақозо этмоқда»<sup>1</sup>, деб таъкидлаган эди. 2012 йилнинг 24 декабрида Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрирда қабул қилинишини ҳам мазкур Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифаларнинг амалдаги ифодаси сифатида баҳолаш мумкин.

Маълумки, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда қонун ижодкорлиги фаолияти борасида улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан, мустақилликнинг дастлабки йилларида миллий қонунчилигимиз шакллантириб борилган бўлса, кейинчалик ҳуқуқий тизим, яъни унинг барча таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни, узвий алоқани таъминлаган ҳолда амалдаги қонун ҳужжатлари ҳам либераллаштирилди ва бу жараён давом этмоқда. Эндиликда қонунларимизни янада такомиллаштиришга ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиб, мамлакатимиз учун аҳамиятли бўлган халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали ҳуқуқий тизимни янада модернизациялашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Шу билан бирга, қонун ижодкорлигида қабул қилинаётган қонунлар лўнда, аниқ, оддий ва раvon тилда баён қилиниши, ўқиганда ва амалда қўллаганда, унинг матни турли талқинлар ва тушунмовчиликларга олиб келмаслиги талаб этилади. Бинобарин, қонунда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган мазмунига мувофиқ, турлича шарҳлаш имкониятини истисно этадиган тарзда бир хилда қўлланилиши лозим.

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бўлим бошлигининг ўринбосари.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б.24.

Эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, кинояли ибораларнинг қўлла-нишига йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, қабул қилинаётган қонунларимизни амалиётга самарали татбиқ этиш механизмини такомиллаштириш, аниқланган камчиликлар ёки бўшлиқларни зудлик билан бартараф этиш масалалари долзарблигича қолаётганини унутмаслик керак.

Фикримизча, қонун ижодкорлиги жараёнида қуйидаги ҳолатларга жиддий эътибор қаратиш лозим.

*Биринчидан*, мавжуд қонун ёки янги қабул қилинаётган қонун нормалари ўртасида зиддиятли ёки қарама-қарши нормаларнинг юзага келишининг олдини олиш, аниқланганларини зудлик билан бартараф этиш даркор. Чунки ҳуқуқ нормаларини бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, илмий асослантирилган ҳолда яратиш, шакллантириш қонуншунослар, олимлар, қонун ижросини амалга оширувчи ва ҳуқуқни қўлловчи органлар учун долзарб масаладир. Зотан, ҳуқуқни ҳаётга татбиқ этишнинг дастлабки босқичи ҳуқуқ мазмунини англаш билан боғлиқдир<sup>1</sup>.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 537-моддасининг тўртинчи қисмида «Ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумни тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига ўтказиш масаласини ҳал этишда судья унинг тузалиш даражасини ҳисобга олиши лозим. Маҳкум тарбия колониясида жазони ўташ муддатини давом эттириш учун узоғи билан *йигирма* ёшга тўлгунга қадар қолдирилиши мумкин», деб кўрсатилган.

Маҳкумларни тарбия колониясида қолдириш масаласи Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига бошқача тартибда ҳал этилган. Яъни мазкур Кодекс 128-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, «Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумлар, одатда, *йигирма бир* ёшга тўлгунга қадар, тарбия колонияларида қолдирилади».

Агар масаланинг мазмун ва моҳиятига эътибор бериладиган бўлса, иккита кодекс нормаларида «ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумни *тарбия колониясидан жазони ижро этиш*

*колониясига ўтказиш* масаласи» турлича талқин қилинмоқда ва белгиланаётган ёш ўртасида фарқ мавжуд.

Жиноят-ижроия кодекси 128-моддасининг иккинчи қисмидаги «Маҳкумларни тарбия колонияларида қолдириш *муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори* билан амалга оширилади» дейилса, Жиноят-процессуал кодекси 537-модда учинчи қисмида «Қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ маҳкумни тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига ўтказиш *тарбия колонияси маъмуриятининг вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссия билан келишилган тақдимномасига биноан судья томонидан* амалга оширилади», деб кўрсатилган.

Бундан ташқари, Жиноят-ижроия кодекси 15-моддаси учинчи қисмининг иккинчи хатбошида жабрланувчидан узр сўраш, етказилган зарарни тўлаш ёки бартараф этиш мажбуриятини юклаш мажбурлов чорасини *суд томонидан ижро этилишининг* кўрсатилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасидаги «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади», деган қонунда зид. Шунинг учун ушбу нормани Конституциянинг 16-моддасидаги «Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас», деган қонунда талабидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш зарур.

*Иккинчидан*, қонун нормалари ўртасидаги бўшлиқларни аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиб бориш лозим. Бунга мисол қилиб, Жиноят-ижроия кодексининг 5-моддасини келтириб ўтиш мумкин. Ушбу моддада жазони ижро этиш асоси бўлиб, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими ёки *қарори*, шунингдек амнистия ёки *авф* акти ҳисобланиши кўрсатилган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 4-моддасида «Ҳеч ким суднинг *ҳукми* бўлмай туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмас» деб кўрсатилган.

Қолаверса, суд органлари фаолиятида амалга ошириладиган ислохотлар натижасида

<sup>1</sup> Қаранг: *Ҳайитов Х.* Юрист-лингвистик таҳлил – қонун ижодкорлигининг муҳим омили // *Huquq va burch.* – 2010. – № 7.

ҳозирги кунда жиноят ишлари бўйича судларда «ишлар» биринчи инстанция тариқасида мазмунан кўрилганда ҳукм, иккинчи инстанция тариқасида кўрилганда ажрим чиқарилмоқда. Шунга асосланиб, жиноят ишларини қандай инстанцияда кўрилишидан қатъи назар, жиний жазони тайинлаш (ўз навбатида жиний жазодан озод қилиш) билан боғлиқ суд ҳужжатларини «ҳукм» ёки «ажрим» деб қатъий номлаш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, Жиноят-ижроия кодекси 1-моддасининг биринчи қисмида «Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари: жиний жазони ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш принциплари, тартиби ва шартларини белгилайди», деб кўрсатилган. Бинобарин, мазкур моддада нафақат жазони, балки *бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш асоси* ҳам кўрсатиб ўтилиши мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, 2011 йил 29 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги<sup>1</sup> Қонуни кучга кирганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига, жумладан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 210-моддасининг номи ва диспозициясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, ушбу моддада муқаддам қўлланилган «*жазони ўташ жойларида*» деган сўзлар «*жазони ижро этиш муассасаларида*» деган сўзлар билан алмаштирилиб, ўзгартириш киритилди. Чунки жазони ўташ жойлари тушунчаси кенг бўлиб, таҳлил этилаётган моддадаги талаблар фақат жамиятдан ажратиш билан боғлиқ жазони ижро этувчи муассасаларгагина тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги қонунининг 8-моддасида ушлаб турилганларни сақлаш жойлари сифатида қуйидагилар кўрсатиб ўтилди:

– Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналари (вақтинча сақлаш ҳибсхоналари);

– Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати органларининг тергов ҳибсхоналари;

– Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг гарнизон ҳамда қўшин гауптвахталари;

– айрим жойларда истисно тарзида ушлаб туриш мақсадлари учун махсус мослаштирилган бинолар, денгиз ва дарё кемаларида эса махсус ажратилган каюталар;

– қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда жазони ижро этиш муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасалари.

Мазкур моддага биноан қамоққа олинганлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати органларининг тергов ҳибсхоналарида, қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида ҳамда жазони ижро этиш муассасаларида, қамоққа олинган ҳарбий хизматчилар эса гарнизон ҳамда қўшин гауптвахталарида сақланиши мумкин.

Шу боис, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 210-моддасининг номи ва диспозициясига «*қамоқда сақлаш жойларида*» деган сўзлар билан қўшимча киритиш зарурати пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Қонуни кучга кирганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар айрим масалаларга аниқлик киритиши билан бирга, фикримизча, баъзи бўшлиқларни ҳам юзага келтириши мумкин.

Масалан, амалдаги Жиноят-ижроия кодексининг 33-моддасида махсус қамоқ уйлари жазони ижро этиш муассасаси сифатида кўрсатилган, шунингдек 45-модданин иккинчи қисмида эса жазони ижро этиш муассасаларига қуйидагилар кириши белгиланган: жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, турмалар. Мазкур модданин учинчи қисмига биноан, тергов ҳибсхоналари озодлиқдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва хўжалик хизматида оид ишларни бажариш учун қолдирилган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасалари вазифасини бажариши мумкинлиги кўрсатилган.

Ҳолбуки, Жиноят-ижроия кодексининг 149-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг интизомий қисмига жўнатиш тариқасидаги жазони ижро этишга мўлжалланган ҳарбий қисмлари (интизомий

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2011. – № 40. – 409-м.

қисм) жазони ўташ жойларига киради, бироқ бирор жойда жазони ижро этиш муассасаси сифатида қайд этилмаган.

Демак, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 210-моддасининг номи ва диспозициясининг ҳозирги кундаги таҳририда интизомий қисмлар ўз ифодасини топмай қолган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасида интизомий қисмлар ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни сақлаш жойи сифатида ҳам ифода этилмаган.

*Учинчидан*, қонун нормаларида бир маънони англатувчи турлича сўз ёки ибораларнинг қўлланилишига чек қўйиш лозим. Масалан, қонун нормаларида «*чет эл фуқароси*» сўзлари бир пайтнинг ўзида «*ажнабий фуқаро*» шаклида ҳам ишлатилмоқда. Назаримизда, «*ажнабий*» сўзи эскирган сўз ҳисобланиб, оғзаки сўзлашувда ҳам деярли қўлланилмайди. Шунга қарамай, ушбу сўз Жиноят-ижроия кодексининг 4 та (8,9, 53 ва 58-моддаларида), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг (17, 23-моддаларида) ва Жиноят-процессуал кодекснинг (4, 165-моддаларида) 2 та моддасида учрайди. Айни вақтда, мазкур кодекслар нормаларида «*чет эл фуқароси*» сўзи ҳам ишлатилган. Бундай камчилик бошқа қонун ҳужжатларида ҳам мавжуд.

*Тўртинчидан*, амалиётнинг кўрсатишича, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга масъул вазирлик ва идоралар томонидан аксарият ҳолларда хориж тажрибасини ўрганиш баҳонасида қонун лойиҳасининг дастлабки варианты рус тилида тайёрланиб, кўплаб муҳокамалардан ўтказилганидан кейин ўзбек тилига таржима қилинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, маълум бир вақт ўтганидан сўнг қонуннинг ўзбек тилидаги матнларида муайян камчиликларнинг кўзга ташланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 228<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисми санкциясининг ўзбек тилидаги матнида «энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд *олти ойгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади*», деб хато берилган бўлса, рус тилидаги матнда озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига «*олти ойгача қамоқ жазоси билан жазоланади*» деб, тўғри кўрсатилган. Чунки, Жиноят кодекси 50-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, озодликдан

маҳрум қилиш жазоси олти ойдан йигирма йилгача муддатга белгиланади.

*Бешинчидан*, қонун нормаларида битта сўзни ёки белгини турлича шаклларда ишлатилишининг олдини олиш зарур. Зеро, битта нуқта ёки вергулнинг ноўрин ишлатилиши кўпдан-кўп муаммоларни, баъзан фожиали оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳанузгача, мен билган кўплаб юристлар орасида «*афв*» сўзининг қандай ёзилиши тўғрисида баҳс-мунозаралар яқун топгани йўқ. Чунки, баҳслашувчиларнинг барчасида «қонуний асос» мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексида ушбу сўз «*авф*» (масалан, 5-моддада) шаклида ёзилса, Жиноят кодексида (масалан, 76-моддада), Жиноят-процессуал кодексида (масалан, 473-моддада) «*афв*» шаклида ёзилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасида ушбу сўз «*афв*» шаклида ёзилганлигини эътиборга олиб, шунингдек ўзбек орфографиясининг асосий қоидаларига биноан, назаримизда, ушбу сўз амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ягона шаклда, яъни «*афв*» тарзида қўлланилиши керак.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодекси ва Жиноят-ижроия кодексида чизиқчанинг (-) қўйилганлиги ҳамда Фуқаролик процессуал кодекси ва Хўжалик процессуал кодексида чизиқчанинг (-) қўйилмаганлиги ўзбек орфографияси қоидаларига мос ёки мос эмаслиги нуқтаи назаридан муаммоларни келтириб чиқаради. Албатта, қонун чиқарувчи орган томонидан бундай ҳолатларга аниқлик киритилиши лозим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қонунлар жамиятда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи асосий кучдир. Уларга амал қилганлар, доимо қонун ҳимоясида бўлади. Буни ҳар бир юртдошимиз тушуниб етиши лозим. Қолаверса, суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислохотлар замирида инсон манфаатлари, ҳуқуқ ҳамда эркинликлари кафолати ётишини етарлича тарғиб қилишимиз зарур. Фуқаролар қонунлар моҳиятидан қанчалик яхши хабардор бўлсалар, унга итоат руҳида яшаш ва ишлашни одат тусига айлантисалар, қонунбузарликлар шунча кам содир этилади.

Мухтасар қилиб айтганда, қонун ижодкорлиги – давр талаби. Зеро, пухта ва мукамал қонунларнинг қабул қилиниши барқарор тараққиёт ва фаровонлигимизнинг гарови бўлиб хизмат қилади.

## ЛИБЕРАЛИЗАЦИЯ И РЕФОРМИРОВАНИЕ СУДЕБНО-ПРАВОВОЙ СИСТЕМЫ КАК ВАЖНЕЙШЕЕ НАПРАВЛЕНИЕ ФОРМИРОВАНИЯ ПРАВОВОГО ГОСУДАРСТВА

С провозглашением независимости Узбекистаном был взят курс на построение демократического правового государства. Поскольку в наследство от прежней системы Узбекистану досталась идеологизированная судебно-правовая система, под руководством Президента Республики Узбекистан были определены задачи по ее реформированию, и в первую очередь это касалось обеспечения подлинной самостоятельности и независимости судей<sup>1</sup>.

Основа для проведения судебной реформы была заложена в Конституции Республики Узбекистан, провозгласившей принцип разделения власти, в соответствии с которым судебная власть является самостоятельной и независимой ветвью государственной власти наряду с законодательной и исполнительной. Необходимо было направить деятельность суда на обеспечение верховенства закона, социальной справедливости, гражданского мира и согласия.

Основы построения судебной власти в соответствии с Конституцией нашей страны были закреплены в Законе «О судах»<sup>2</sup> от 2 сентября 1993 г., в котором нашли свое отражение важнейшие принципы судостроительства, отвечающие современным мировым стандартам и нормам международного права, в том числе такие, как равенство граждан перед законом и судом, презумпция невиновности, состязательность процесса, право на защиту и др.

Впервые было предусмотрено введение института конституционного судопроиз-

водства в соответствии со ст.108 Конституции Республики Узбекистан. Конституционный суд Республики Узбекистан с этого времени рассматривает дела о конституционности актов законодательной и исполнительной власти. Так, в целях осуществления системы сдержек и противовесов в ст.1 Закона «О Конституционном суде Республики Узбекистан» было включено право Конституционного суда определять соответствие законов Республики Узбекистан и иных актов, принятых Олий Мажлисом Республики Узбекистан, Указов Президента Республики Узбекистан, Постановлений правительства и местных органов государственной власти, межгосударственных договорных и иных обязательств Республики Узбекистан Конституции<sup>3</sup>.

Важным шагом в судебно-правовой реформе стало принятие в 1994 г. Уголовного, Уголовно-процессуального кодексов и Кодекса об административной ответственности. В этих кодексах получили отражение нормы, отвечающие демократическим принципам правового государства, отличающие их от прежних актов в данной сфере. Например, в Уголовном кодексе была пересмотрена система наказаний с учетом установления законом уголовной ответственности, адекватной совершенному преступлению, были исключены такие виды наказаний, как ссылка и высылка. Впервые была установлена уголовная ответственность за преступления против мира и безопасности, а также за экологические преступления. Существенное место в новом Уголовном кодексе заняли нормы,

\* Кандидат юридических наук.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Узбекистан: свой путь обновления и прогресса. – Т., 1992. – С.34–45; Каримов И.А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране // Народное слово. – 2010. – 13 нояб.

<sup>2</sup> Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан. – 1993. – №10. – С. 367.

<sup>3</sup> Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – 1995. – №9. – С.178.

направленные на защиту собственности и устанавливающие ответственность за преступления в сфере экономики, на усиление ответственности за преступления, связанные с возбуждением национальной вражды и нетерпимости и за незаконный сбыт наркотических средств и психотропных веществ.

В соответствии со ст.17 Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан судья, прокурор, следователь и дознаватель обязаны уважать честь и достоинство участвующих в деле лиц. Никто не может быть подвергнут пыткам, насилию, другому жестокому или унижающему честь и достоинство человека обращению. Запрещается выполнение действий или вынесение решений, которые унижают честь и достоинство человека, приводят к распространению сведений об обстоятельствах его личной жизни, ставят под угрозу его здоровье, необоснованно причиняют ему физические и нравственные страдания.

Кроме того, в соответствии с данным Кодексом право на защиту может быть реализовано путем привлечения адвоката к участию в деле с момента задержания лица по подозрению в совершении преступления. Важное место занимают нормы, предусматривающие равенство сторон в уголовном процессе. Свидетельством тому служит исключение надзорной функции прокурора и участие его в уголовном процессе в качестве государственного обвинителя.

В настоящее время в стране реализуется концепция реформирования и либерализации судебно-правовой системы как важнейшей составляющей формирования правового государства. Суды освобождены от таких не свойственных им функций, как исполнение судебных решений<sup>1</sup>.

При осуществлении судебно-правовой реформы большое внимание уделяется вопросам специализации судов. Указом Президента Республики Узбекистан от 14 августа 2000 г. «О совершенствовании судеб-

ной системы Республики Узбекистан» закреплена специализация судов по уголовным, гражданским и хозяйственным делам, что обеспечило повышение качества рассмотрения дел, усилило гарантии защиты прав и свобод граждан.

Важным этапом реформирования судебной системы стало принятие в декабре 2000 г. новой редакции закона «О судах»<sup>2</sup>. В нем был использован международный опыт судебных реформ и опыт реформирования судебно-правовой системы, накопленный за годы независимости, а также созданы условия для дальнейшей демократизации и совершенствования деятельности судов. В целях обеспечения независимости суда, совершенствования судебной системы, повышения качества и оперативности осуществления правосудия данным Законом закреплена специализация судов на базе существующих судов общей юрисдикции и образованы территориальные суды. Кроме того, данным Законом впервые предусмотрено введение апелляционного порядка рассмотрения дел, который направлен на защиту прав и законных интересов граждан, повышение эффективности и оперативности судопроизводства<sup>3</sup>.

Была также реформирована кассационная инстанция: граждане получили возможность лично и непосредственно защищать свои права в этой инстанции при несогласии со вступившим в законную силу судебным решением<sup>4</sup>.

Особое место в судебно-правовой реформе занимает либерализация уголовного и уголовно-процессуального законодательства. Следует отметить, что после принятия Уголовного кодекса в него были внесены пятьдесят поправок. Особо надо остановиться на Законе «О внесении изменений и дополнений в Уголовный, Уголовно-процессуальный кодексы и Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности в связи с либерализацией уголовных

<sup>1</sup> См.: *Нигматов К.И.* Судга хурмат суд тизими мустақиллигининг муҳим белгисидир // ҳуқуқ ва бурч. – 2009. – №5. – Б. 13–14.

<sup>2</sup> Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2000. – №11. – С.155.

<sup>3</sup> См.: *Тухташева У.А.* Институты апелляционного, кассационного производств и примирения в уголовном процессе // Судебно-правовая реформа: современное состояние и перспективы совершенствования: Материалы научно-практической конференции. – Т., 2007. – С. 74–80.

<sup>4</sup> См.: *Абдумажидов Г.А., Полвонзода А.* ва бошқ. Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислохотлар даври. – Т., 2002. – Б.23.

наказаний» от 29 августа 2001 г.<sup>1</sup> Этим Законом изменена классификация преступлений, уменьшен перечень преступлений, относимых к особо тяжким и тяжким, введены альтернативные виды наказания за совершенные преступления, не связанные с лишением свободы, введен институт примирения сторон, ограничено применение лишения свободы при возмещении имущественного вреда, причиненного экономическими преступлениями. Также из системы наказаний была исключена конфискация, применяемая в качестве дополнительного наказания.

В результате проводимой судебно-правовой реформы значительно усилены гарантии судебной защиты граждан, реализованы меры по обеспечению ее доступности. Расширению сферы судебной защиты способствовало и принятие Трудового, Гражданского процессуального, Хозяйственного процессуального кодексов, Законов «Об обжаловании в суд действий и решений, нарушающих права и свободы граждан»<sup>2</sup>, «Об обращениях граждан»<sup>3</sup>, «О третейских судах»<sup>4</sup>, «Об Уполномоченном Олий Мажлиса Республики Узбекистан по правам человека (Омбудсмане)»<sup>5</sup>, а также ряда других нормативно-правовых актов.

Важное место в расширении функций суда занял Указ Президента Республики Узбекистан от 14 июня 2005 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы правовой защиты субъектов предпринимательства»<sup>6</sup>. Согласно данному Указу с 1 июля 2005 года введен судебный порядок применения к субъектам предпринимательства таких мер правового воздействия, как прекращение деятельности, обращение в доход государства предметов правонарушений, применение финансовых санкций.

Следующим важным шагом в либерализации уголовного законодательства стало издание Указа Президента Республики Узбекистан «Об отмене смертной казни в Республике

Узбекистан»<sup>7</sup>, в котором закреплены нормы об исключении из системы уголовных наказаний смертной казни и замены ее пожизненным или длительными сроками лишения свободы. Пожизненное лишение свободы является надежным правовым инструментом, обеспечивающим строгое, но справедливое наказание за особо тяжкие преступления, неотвратимость ответственности за их совершение. К пожизненному лишению свободы не применяется механизм автоматического освобождения от уголовной ответственности или от исполнения наказания ввиду истечения сроков давности, а также условно-досрочное освобождение.

Законом также предусмотрено, что пожизненное лишение свободы устанавливается лишь за умышленное убийство при отягчающих обстоятельствах или терроризм, повлекший смерть человека или иные тяжкие последствия. Это свидетельствует о том, что уголовное законодательство Узбекистана в части применения пожизненного лишения свободы является одним из наиболее либеральных в мировой практике. Для сравнения: в таких странах, как Германия и Польша пожизненное лишение свободы может быть назначено за 5 преступлений, в Бельгии и Российской Федерации – за 6, в Дании – 9, в Грузии – 11, Швеции – 13, Беларуси – 14, Японии и Азербайджане – 16, Казахстане и Корее – 17, Франции – 18, Голландии – 19, Молдове – 24 и т.д.<sup>8</sup>

Значительно расширены полномочия суда по осуществлению эффективной защиты прав граждан в связи с передачей от органов прокуратуры судам права выдачи санкции на заключение под стражу (введение института «Хабеас корпус») с 1 января 2008 г. Введение института «Хабеас корпус» соответствует статьям 19, 25 и 44 Конституции Республики Узбекистан, определяющим права граждан на судебную защиту. В этой связи 11 июля

<sup>1</sup> Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2001. – №19. – С.135.

<sup>2</sup> Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. –1995. – №9. – С.183.

<sup>3</sup> Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2003. - №1–2. – С.2.

<sup>4</sup> Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – 2006. – №10. – С. 541.

<sup>5</sup> Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2004. – №38–39. – С.420.

<sup>6</sup> Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2005. – №23–24. – С.167.

<sup>7</sup> Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2005. – №32–33. – С.242.

<sup>8</sup> *Норбоев А.* Ўлим жазосини бекор қилишнинг муқоққий асослари // Суд муқоққ ислоотлари: мазирги молати ва такомиллаштириш истиқболлари мавзусида илмий-амалий конференция материаллари. 2007 йил 17 май. – Т., 2007. – Б.92-94.



---

2007 г. принят Закон, предусматривающий внесение изменений и дополнений в Уголовно-процессуальный кодекс, а также законы «О судах»<sup>1</sup> и «О прокуратуре»<sup>2</sup>.

В 2008 г. принят Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан по вопросам совершенствования порядка исполнения уголовного наказания в виде штрафа»<sup>3</sup>. В целях обеспечения неотвратимой ответственности за совершенное преступление, а также создания процессуального правового механизма принудительного исполнения уголовного наказания в виде штрафа.

Как показывает опыт развитых государств, а также критический анализ истекшего периода работы по реформированию судебно-правовой системы, без обеспечения дальнейшего повышения роли и места судебных органов в государственном управлении, усиления их полномочий, независимости и самостоятельности нельзя добиться успеха в политическом и экономическом обновлении и модернизации страны. В связи с этим в настоящее время разрабатываются меры, направленные на дальнейшее совершенствование юридического образования и развитие правовой науки, коренное улучшение качества подготовки кадров, отвечающих современным требованиям, повышение эффективности законодательной деятельности и правоприменительной практики. Кроме того, в настоящее время предпринимаются меры по внедрению в деятельность судов современных информационно-коммуникационных технологий, в структуре судов планируется образовать отдельные подразделения по вопросам информатизации.

К тому же сейчас внедрена практика прохождения обязательной подготовки и стажировки, соответственно в Центре повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции, а также Верховном суде и Высшем хозяйственном суде Узбекистана лиц,

---

впервые назначенных (избранных) на должности судей. Все эти меры направлены на повышение уровня квалификации судейских работников республики.

В Узбекистане проводятся системные меры по либерализации судебно-правовой системы посредством обеспечения равенства процессуальных прав сторон обвинения и защиты, состязательности защиты и обвинения. Как известно, институт адвокатуры после принятия Закона Республики Узбекистан «Об адвокатуре» от 27 декабря 1996 г. играет важную роль в решении одной из основных задач, стоящих перед нашим обществом, – построении демократического правового государства и создании сильного гражданского общества<sup>4</sup>. Именно поэтому невозможно представить политику государства в осуществлении данной задачи без участия института адвокатуры. Но предстоит сделать еще больше в плане реализации конституционной нормы, закрепляющей право граждан на профессиональную юридическую помощь на любой стадии судопроизводства, обеспечения организационной самостоятельности адвокатуры, укомплектования ее высококвалифицированными кадрами, усиления гарантий независимости адвокатов, повышения авторитета и престижа адвокатской профессии.

Для повышения роли адвокатов и дальнейшей либерализации судебно-правовой системы 1 мая 2008 г. издан Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему реформированию института адвокатуры в Республике Узбекистан», в котором определены основные направления дальнейшего реформирования института адвокатуры<sup>5</sup>.

Кроме того, проведена работа по созданию Палаты адвокатов Республики Узбекистан на базе Ассоциации адвокатов Узбекистана, основанной на обязательном членстве всех адвокатов Республики Узбекистан. Необходимо отметить, что Палата адвокатов Республики Узбекистан является некоммерческой

---

<sup>1</sup> Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – 2001. – №1–2. – С.10.

<sup>2</sup> Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан. – 1993. – №1. – С.29.

<sup>3</sup> Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – 2008. – №4. – С.187.

<sup>4</sup> Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – 1997. – №2. – С.48.

<sup>5</sup> Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2008. – №18. – С.144.

---

организацией и образует единую систему самоуправления адвокатуры, действует на основе принципа невмешательства в деятельность адвокатов, осуществляемую в соответствии с законодательством. Основным достижением данного Закона стало обеспечение равенства процессуальных прав сторон обвинения и защиты в уголовном процессе, расширение прав подозреваемых, обвиняемых.

Следует отметить, что мировое сообщество принимает самое активное участие в мониторинге реформ, проводимых в Республике Узбекистан. К примеру, Верховным судом Республики Узбекистан и программой развития ООН в июле 2012 года запущен совместный проект «Реформа гражданского судопроизводства: эффективное судебное администрирование», в реализации которого принимают участие Исследовательский центр при Верховном суде, Департамент по исполнению судебных решений, материально-техническому и финансовому обеспечению деятельности судов и другие организации. Данный проект направлен на внедрение передовой мировой практики в судебное администрирование, исполнение судебных решений. В связи с этим особое внимание уделяется внедрению автоматизированного процесса прохождения судебного дела (электронное судопроизводство): от подачи иска до получения окончательного решения.

По мнению экспертов, в Узбекистане проблемы в правосудии возникают зачастую в результате существенного бумажного делопроизводства, трудоемких бюрократических отчетностей судей<sup>1</sup>. Все большее количество людей обращаются по вопросам защиты своих прав в гражданское и уголовное судопроизводство. Более того, экономический рост страны способствует увеличению спроса на такого рода государственные услуги. На сегодняшний день в Узбекистане на одного судью приходится в среднем около 300 дел ежемесячно. Другими словами, ежедневная нагрузка составляет по 34 дела на каждого судью. Более того, судьи тратят на бумажную отчетность более 3 дней ежемесячно, или 36

дней ежегодно<sup>2</sup>. При этом, ограниченный потенциал судов по администрированию и рассмотрению такого количества дел приводит к несвоевременному рассмотрению дел и влияет на качество их рассмотрения. Как показывает предварительный анализ, для решения своего спора истцы и ответчики посещают суд первой инстанции в среднем 6-7 раз. Именно из-за длительности рассмотрения спора и конечного исполнения решения, а также иных объективных причин отдельные граждане стараются решать свои проблемы вне суда. Исходя из этого, через систематическую судебную реформу Узбекистан может обеспечить законные права и интересы своих граждан и эффективно поддерживать верховенство права.

Реформирование судебной системы является процессом системным, поэтапным и непрерывным. Об этом свидетельствует подписанный 2 августа 2012 г. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному улучшению социальной защиты работников судебной системы», которым утвержден ряд мер по дальнейшей реформе судебной системы республики с целью усиления правовых и социальных гарантий для независимого судопроизводства и защиты социального статуса работников судебных органов<sup>3</sup>.

В рамках данной программы осуществляются меры по укреплению независимости и социальной защите судей путем утверждения разрядов по оплате труда судей по единой тарифной сетке, а также размеров ежемесячной надбавки к должностным окладам судей, имеющих классный чин, за особые условия труда.

Данный Указ направлен на обеспечение дальнейшего повышения роли судебных органов в государственном управлении, усиление их полномочий, независимости и самостоятельности.

Таким образом, реформирование судебной системы Республики Узбекистан следует рассматривать в рамках логически выстроенной, поэтапной стратегии углубления демократических реформ в стране в целом.

---

<sup>1</sup> См.: Иногомжонова З.Ф. Судебный контроль в уголовном процессе. – Т., 2009. – С.16.

<sup>2</sup> См.: Базаров А. Промедление в правосудии есть отказ в правосудии. <http://www.undp.uz/en/download>

<sup>3</sup> Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2012. – №31. – С.355.

## ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАР ТАЪМИНЛАНИШИНING ГАРОВИДИР

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Асосий қонун сифатида мамлакатнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тизимида устуворлик қилади. Унинг нормалари олий юридик кучга эга. Бошқа барча қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция негизида, унга мувофиқ ва уни бажариш учун чиқарилади. Бу эса ривожланган жамиятнинг дахлсиз қонидаси ҳисобланади. Демак, жамиятимизда мавжуд барча ижтимоий муносабатлар Конституциямизга мос равишда қабул қилинган қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади. Ушбу муносабатларни амалга ошириш давлат ва фуқаро ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек: «Авваламбор бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда «фуқаро – жамият – давлат» ўртасидаги муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик»<sup>1</sup>.

Маълумки, давлат ўз ҳудудида жамиятни бир текис ривожлантириш учун турли норматив актлар чиқариб, улар асосида ўзаро ҳуқуқий муносабатларга киришадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари рўйбга чиқарилишини таъминлайди ҳамда мажбуриятларни бузган шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини белгилайди.

Мажбуриятлар турлича, яъни фуқаролик муносабатларидаги мажбуриятлар, меҳнатга оид муносабатларидаги мажбуриятлар, шу-

нингдек жиноят-процессуал мажбуриятлар бўлиши мумкин.

Жиноят-процессуал мажбуриятлар жиноят-процессуал муносабатлар бошланиши билан вужудга келиб, шахснинг содир этган жинояти учун ҳар томонлама, холисона ва адолатли суд ҳукми чиққунига қадар давом этади ва ушбу иш бўйича жалб этилган шахсларда процессуал мажбуриятлар сақланиб қолади. Жиноят-процессуал муносабатларга жиноят процессининг турли иштирокчилари томонидан турли процессуал ҳаракатлар, ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш киради. Бу, албатта, жиноят-процессуал муносабатларга киришган у ёки бу субъектнинг содир этилган жиноятга алоқаси, ишдаги иштирокининг ҳуқуқий табиати ва фаолияти орқали аниқланади. Баъзи иштирокчилар иш юритишни амалга оширсалар, бошқалари процесснинг алоҳида босқичларида ёки бутун процесс давомида иштирок этадилар. Шундан келиб чиқиб, Жиноят-процессуал кодекснинг 3, 4, 5, 6-бобларида процесс иштирокчилари қуйидаги тўрт гуруҳга ажратилган:

1) жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар (суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, халқ маслаҳатчилари, суд мажлиси котиби);

2) жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари (жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси);

3) жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар, ҳимоячилар ва вакиллар (айбланувчи, гумон қилинувчи, судланувчи, жабрланувчи, ҳимоячи, фуқаровий

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят процесси кафедрасининг ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди.

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. – Т., 1992. – Б.37.

даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари ва қонуний вакиллар);

4) жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар (гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон, холис).

Ушбу тасниф жиноят процессида иштирок этадиган барча шахсларни тўлиқ қамраб олади, деб хулоса қила олмаймиз. Чунки амалдаги ЖПКда процесс иштирокчилари қаторига киритилмаган, дастлабки терговда иштирок этса-да, процессуал ҳуқуқларга эга бўлмаган шахслар ҳам мавжуд. Ушбу шахсларга:

– уйда олиб қўйиш ва тинтув ўтказилаётган шахслар;

– мол-мулки хатланган шахслар;

– алоқа муассасасининг ходимлари;

– мансабдор шахслар ва фуқаролар;

– корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари

– шахсий кафилга олувчилар, жамоат бирлашмаси ёки жамоа кафиллигига олувчилар, вояга етмаганларни кузатув остига олувчилар, ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатувида олувчилар киради (ЖПК 251, 252, 253, 254, 271-моддалар).

ЖПК билан улар зиммасига юклатилган процессуал мажбуриятларга эса қуйидагилар киради:

– суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг талаби билан изланаётган ашёларни беришдан бош тортмаслик (ЖПК 271-м.);

– почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги қарорни етарли даражада бажариш (ЖПК 271-м.);

– ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга, экспериментни ўтказишга, мурдани эксгумация қилишга, олиб қўйиш ва тинтув ўтказишга тўсқинлик қилмаслик (ЖПК 271-м.);

– суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, мутахассис, эксперт, таржимон, шунингдек фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, халқ маслаҳатчиларининг келишига тўсқинлик қилмаслик (ЖПК 271-м.);

– жиноятнинг сабабларига ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларга

барҳам бериш тўғрисидаги суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномаси ёки суднинг хусусий ажрими талабларини бажариш (ЖПК 271-м.);

– эҳтиёт чораси талабларини бажариш (ЖПК, 252, 253, 254-м.).

Ушбу шахслар процессуал мажбуриятларни бажармаганликлари учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортилиши кўрсатилган, лекин нима сабабдан улар қонунда процесс иштирокчилари гуруҳига киритилмаганлиги ва ҳуқуқи белгиланмасдан мажбурият юклатилганлиги мавҳум бўлиб қолган.

Фикримизча, ушбу шахсларни жиноят процесси иштирокчилари гуруҳига киритиш ва уларнинг конституциявий ҳуқуқларидан келиб чиқиб, процессуал ҳуқуқларини белгилаш, сўнг процессуал мажбуриятларни юклаш мақсадга мувофиқдир. Чунки процесс иштирокчилари зиммасига мажбуриятларни юклаш шarti ҳам аввало уларнинг ҳуқуқлари белгиланган бўлишини талаб этади. Акс ҳолда жиноят ишида қатнашувчи шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилган ҳисобланади.

Назаримизда юқоридаги таклифни инобатга олган ҳолда процесс иштирокчиларининг янги бешинчи гуруҳини ташкил этиш лозим ва бу гуруҳ иштирокчиларини «жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар» деб номлаш, ушбу гуруҳга уйда олиб қўйиш ва тинтув ўтказилаётган шахслар, мол-мулки хатланган шахслар, алоқа муассасасининг ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари, шахсий кафилликка олувчилар, жамоат бирлашмаси ёки жамоа кафиллигига олувчилар, вояга етмаганларни кузатув остига олувчилар, ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатувида олувчиларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, фикримизча, жиноят процесси иштирокчиларининг тўртинчи гуруҳи, яъни жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар (гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон, холис) бевосита жиноят ишининг самарали кечишига кўмаклашади. Шунинг учун жиноят процесси иштирокчиларининг ушбу гуруҳини «жиноят процессида одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар» деб номлаш тавсия этилади.

---

Юқоридагиларга асосланиб, амалдаги ЖПКда жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ белгилаган ҳолда, уларни қуйидаги беш гуруҳга бўлиб таснифлаш таклиф этилади:

1) жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар (суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, халқ маслаҳатчилари, суд мажлиси котиби);

2) жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари (жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси);

3) жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар, ҳимоячилар ва вакиллар (айбланувчи, гумон қилинувчи, судланувчи, жабрланувчи, ҳимоячи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари ва қонуний вакиллар);

4) жиноят процессида одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар (гувоҳ, гувоҳнинг адвокати, эксперт, мутахассис, таржимон, холис);

5) жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар (уйида олиб қўйиш ва тинтув ўтказилаётган шахслар, мол-мулки хатланган шахслар, алоқа муассасасининг ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари, шахсий кафилликка олувчилар, жамоат бирлашмаси ёки жамоа кафиллигига олувчилар, вояга етмаганларни кузатув остига олувчилар, ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатувиغا олувчилар).

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, амалдаги ЖПКда ҳар бир процесс иштирокчиларининг тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлари уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда тўлиқ белгиланиши керак. Чунки дастлабки терговда процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун қўлланиладиган тегишли таъсир чоралари ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган иштирокчи субъектлар доираси билан чегараланади.

#### ◆ Нашрга тайёрланди ◆

**Физикавий, кимёвий ва фотографик тадқиқотлар методларининг асослари:** Маърузалар курси / Хасанов Ш.Х., Маматқулов Т.Б., Нурумбетова С.А. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2013. – 73 б.

Маърузалар курсида ўлчаш техникаси, микроскопик тадқиқотлар, тадқиқот фотографиясининг метод ва воситалари, дактилоскопик, трасологик ва баллистик турдаги тадқиқотларда қўлланиладиган физикавий ва кимёвий методлар ёритилган. Ашёвий далилларни тадқиқ этишда тадқиқотларнинг фотографик методларини қўллаш методикалари кўриб чиқилган.

Маърузалар курси ИИБ Академиясининг кундузги таълим тингловчилари ҳамда ички ишлар идораларининг амалиётчи ходимларига мўлжалланган.

Б.Э. Закиров\*,  
В.Г. Каримов\*\*

## «ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ қилишнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга ошириш Концепциясида «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш белгиланган бўлиб, уни тайёрлашда бир қатор манфаатдор давлат органларининг назария ва амалиёт соҳасидаги мутахассислари иштирок этдилар ва қонунни мукамал ишлаб чиқишга ўз хиссаларини қўшдилар.

Президент Ислом Каримов 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш зарурлиги ҳақида: « ... Ушбу Қонуннинг мақсади тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишга йўналтирилган бўлиб, демократик давлатларнинг умумэътироф этилган амалиётига мос келади ҳамда жиноятлар содир этилишининг дастлабки босқичларидаёқ уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида тўхтатиш бўйича чораларнинг

самарадорлигини, шунингдек, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга хизмат қилади»<sup>1</sup>, деб таъкидлаган эдилар.

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши шубҳасиз, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти сари қўйилган муҳим қадам бўлиб, у ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари соҳасида қонунийликни таъминлайди, тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиради. Қонун ушбу органлар ва уларнинг ходимлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик тизимидаги мавжуд ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириши билан ҳам аҳамиятлидир.

Қонуннинг қабул қилиниши, бу соҳадаги муносабатларга ҳуқуқий мақом бериши билан ҳам муҳимдир. Уни таҳлил қилиш мазкур соҳадаги ижтимоий муносабатлар турли хил ҳуқуқ тармоқларининг тегишли нормалари билан тартибга солинганлигини аниқлаб олиш имконини беради. Масалан:

— жиноят ҳуқуқи бўйича қонуннинг 22,23-моддаларидаги тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари ва уларга кўмаклашаётган, уюшган жиноий гуруҳ, жиноий уюшма орасига уларни фош қилиш мақсадида киритилган шахс қонунда белгиланган тартибда қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, қонунга хилоф қилмишлари учун жиноий жавобгарликдан озод этилишига оид нормалар;

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тезкор-қидирув ҳуқуқи кафедрасининг бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

\*\* Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бўлим бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси, юридик фанлар номзоди.

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010.— Б.26.

— жиноят-процессуал соҳа билан боғлиқ қонуннинг 19-моддасидаги тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг далиллар сифатида эътироф этилиши мумкинлиги ҳақидаги нормалар;

— маъмурий соҳада, қонун 15-моддасининг 2-қисмидаги давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланиш ёхуд ўта муҳим ва тоифаланган объектларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ ишларга рухсат бериш; тезкор-қидирув фаолиятида иштирок этишга ёки ушбу фаолиятни амалга ошириш натижасида олинган материаллардан фойдаланишга рухсат бериш тўғрисидаги нормалар;

— фуқаролик ҳуқуқи бўйича, қонун 12-моддасининг 3-қисмидаги юридик ёки жисмоний шахсларнинг розилиги билан уларга тегишли хизмат жойлари ва тураржойлардан, транспорт воситалари ва бошқа мол-мулкдан фойдаланишни назарда тутувчи нормалар;

— молиявий соҳада қонуннинг 24-моддасида белгиланган тезкор-қидирув фаолиятини молиялаштириш билан боғлиқ нормалар ва ҳоказо.

Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат (2-м.) бўлиб, уларни аҳамиятига кўра қуйидаги тўрт соҳага ажратиб, кўриб чиқиш мумкин:

1. *Халқаро соҳада* Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг субъекти эканлиги, жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорлик қилиш аҳамиятини янада оширади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси томонидан бир қатор давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро шартномалар, конвенциялар ва бошқа келишувлар (масалан, Ўзбекистоннинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича конвенция (Палермо, 2000 йил 15 ноябрь), «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши (Нью-Йорк, 2008 йил 7 июль) конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги 158-сонли қонун қабул қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон конвенцияга баъзи

билдиришлар, баёнотлар ва шартлар билан қўшилди. Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар имзолаган бир қатор ҳужжатлар (масалан, Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқий муносабатлар бўйича Конвенция (Минск, 1993 йил 22 январь) жиноятчиликка қарши курашиш масалалари бўйича уларнинг ҳамкорлигини тартибга солади.

2. *Конституциявий соҳада* ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга (24-31-моддалар); суд ҳокимиятига (105-116-моддалар) ва прокуратурага (118-120-моддалар) бағишланган нормалар, 121-моддада баён қилинган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатишини тақиқловчи, шунингдек қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари ҳақидаги нормаларга асосланади.

3. *Қонунчилик соҳасидаги муносабатлар*, авваламбор, мазкур Қонун билан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги (1993 й.), «Прокуратура тўғрисида»ги (1992 й.), «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (2000 й.), «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги (1994 й.), «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги (1995 й.) ва бошқа қонунлар, шунингдек, Жиноят кодексининг қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар (36-41-моддалар), Жиноят-процессуал кодекси (339-м. 2-қ.) ва Жиноят-ижроия кодекси (68-м.) ҳамда Божхона кодексининг (127, 128-моддалар) тегишли моддалари нормалари билан тартибга солинади.

4. Қонун ости ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, идоравий, идоралараро норматив ҳужжатлар ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг соҳага оид идоравий буйруқлари ва йўриқномалари қиради.

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифалари берилган бўлиб, унда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масаласи биринчи ўринга қўйилганлиги билан эътиборга моликдир. Шунингдек, 13-моддада тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг мажбуриятлари жумласига, авваламбор, уларнинг «ўз ваколатлари доирасида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкани ҳимоя қилиш, шунингдек шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан барча зарур чораларни кўриши» талаби ўз аксини топган.

5–9-моддаларда баён қилинган тезкор-қидирув фаолиятининг тўртта асосий принципларидан қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги принципларининг умумҳуқуқий, конституциявий принципларга мансублиги, ушбу ҳужжатнинг юксак демократик талабларга жавоб беришини англатади.

Қонунийлик принципининг моҳияти, ушбу фаолиятнинг қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинганлиги, тезкор-қидирув тадбирлари фақат жиноятчиликка қарши кураш вазифаларини ҳал этишга қаратилганлиги (14-м.) ва улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳамда ушбу Қонунда назарда тутилмаган тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш тақиқланганлиги (17-м.), ушбу тадбирлар Қонунда белгиланган асосларга (15-м.) ва шартларга (16-м.) биноан ўтказилиши, унинг натижалари тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши, тезкор-қидирув юритувидаги ишларнинг рўйхати ва юритиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланиши (18-м.)

ҳамда тегишли мансабдор шахслар томонидан зарур назорат таъминланишида (25–27-моддалар) ўз аксини топади.

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги принципи бошқа асосий принциплар қатори алоҳида моддада (7-м.) берилган бўлиб, у тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифаларидан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш шартларига қадар бўлган жараённи қамраб олади. Шу билан бирга, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида, айрим ҳолларда, фуқароларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги ҳуқуқларини чеклаш зарурияти юзага келади. Бу чекловлар мажбурий ва вақтинчалик тавсифга эга бўлиб, истисно тариқасида ва прокурор санкцияси асосида, фақат оғир ва ўта оғир жиноят аломатлари бўйича, қачонки бошқа йўллар билан зарур маълумотларни олиш имконияти бўлмаган ҳоллардагина қўлланилади (16-м.).

Мазкур принцип яна фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф-муҳит хавфсизлигига дахл қилувчи тезкор-қидирув тадбирлари ўтказишни тақиқловчи нормаларни назарда тутади (13-м. 7,8-қ.).

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги ҳуқуқларини чекловчи тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳуқуқий давлат асосларига путур етказмайди, чунки инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи нормалар бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам мавжуд бўлиб, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» (1948 йил 10 декабрь), «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялашга оид» Европа конвенцияси (1950 йил 4 ноябрь) ва бошқаларда «... бундай чекловларга фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади», деган талаб мустаҳкамланган.

Шунингдек, бу моддада «Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ҳамда уларнинг ходимлари инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузган тақдирда, мазкур органлар ва уларнинг раҳбарлари ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни тиклаш, етказилган



зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда айбдорларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чораларини кўриши шарт» деган талаб кўйилган (7-м. 2-қ.). Бунда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимояси, *биринчидан*, уларнинг тегишли инстанцияларга шикоят қилиш имконияти орқали (28-м.), *иккинчидан*, фуқаро мурожаат қилмаганда ҳам, тезкор-қидирув фаолияти устидан идоравий (26-м.) ва прокурор назорати (27-м.) жараёнида таъминланиши мумкин. 28-моддада бу каби инстанциялар сифатида юқори турувчи орган, прокурор ёки суд кўрсатиб ўтилган. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш имконияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида ўз аксини топган.

Унинг 4-қисмида «Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас», дейилган. Бу қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддаси ҳамда Жиноят-процессуал кодексининг 17-моддасида янада мустаҳкамланганлиги билан аҳамиятга моликдир.

Қонуннинг 3-боби тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш масалаларига бағишланган бўлиб, уни қонуннинг ўзаги, асосий қисми дейиш мумкин. Ушбу боб саккизта моддани ўз ичига олиб, уларда ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларининг тўлиқ рўйхати (14-м.), уларни ўтказиш учун асослар (15-м.), ўтказиш шартлари (16-м.), тезкор-қидирув фаолиятидаги чекловлар (17-м.), фаолиятни ахборот билан таъминлаш ва тезкор-қидирув ишини юритиш (18-м.), тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш (19-м.), маълумотларни муҳофаза қилиш (20-м.) ҳамда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги қарорларнинг прокурор томонидан кўриб чиқилиши тартиби (21-м.)га бағишланган.

Тезкор-қидирув тадбирлари жами 16 та бўлиб, улардан шахс ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва манфаатларига дахл қилиши мумкин бўлган тадбирларгина фақат прокурор санкцияси асосида ўтказила-

ди. Фуқароларнинг турар жойларини кўздан кечириш; почта жўнатмаларини, телеграф хабарларини ва бошқа хабарларни назорат қилиш; телефон орқали сўзлашувларни ва бошқа сўзлашувларни эшитиш; техник алоқа каналларидан ахборот олиш каби тадбирлар (16-м. 1-қ.) шулар жумласидандир. Бу каби тадбирлар истисно тариқасидаги чоралар сифатида амалга оширилиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 142, 143-моддаларига мувофиқ фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини ҳамда хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар зиммасига юклатилган вазифаларни самарали ҳал этиш юзасидан *мазкур фаолиятнинг натижаларидан исботлаш жараёнида фойдаланиш* масаласи ҳозирги пайтгача энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келган эди. Сабаби, унинг қонун билан аниқ тартибга солинмаганлиги бўлиб, аксарият ҳолларда бу каби материаллар судлар томонидан далил сифатида кўриб чиқилмаслиги натижасида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар бир қатор қийинчиликларга дуч келар эдилар.

Қонун қабул қилиниши билан бу муаммо бартараф этилди. Қонун 19-моддасининг 2-қисмида «Тезкор-қидирув фаолияти материаллари жиноят иши кўзғатиш учун асос бўлиши, жиноят иши ўз юритивида бўлган суриштирув, тергов органларига, прокурорга тергов ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун тақдим этилиши, шунингдек бу материаллардан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси нормаларига мувофиқ жиноят ишлари бўйича исбот қилишда фойдаланилиши мумкин» деган талаб мустаҳкамланди. Мазкур модданинг 3-қисмида «Ушбу Қонуннинг 16-моддасида назарда тутилган шартларга риоя этган ҳолда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг далиллар сифатида эътироф этилиши

---

мумкин”лиги белгиланган. Яъни, тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан жиноят процессида фойдаланиш учун, улар учта босқич (далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш босқичлари) дан ўтишлари лозим. Ушбу масалалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 87, 94 ва 95-моддаларида ўз ифодасини топган.

Шунингдек, ушбу модданинг 4-қисмида суриштирув, тергов органларига ва прокуратурага тезкор-қидирув фаолияти натижаларини тақдим этиш тартиби белгиланган бўлиб, бу каби материалларнинг ҳажмини тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари белгилаши ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

Шу модданинг 5-қисмига эса «тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ходим ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида аниқланган жиноятни қасддан яширган тақдирда белгиланган тартибда жавобгар бўлади» деган норма киритилган. Ушбу ҳолатлар, аксарият ҳолларда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қонунларни ижро этилиши устидан прокуратура назорати жараёнида аниқланиши мумкин. Бунда шунини эътиборга олиш зарурки, айрим ҳолларда тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган маълумотларни жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларга тенглаштириш ҳолатлари ҳам юзага келиши мумкин. Бу моҳиятан тўғри эмас, чунки юқорида таъкидлаганимиздек, бу каби маълумотлар қонунда белгиланган тартибда текширилиб, баҳоланганидан сўнггина, улардан далил сифатида фойдаланилиши мумкин.

Амалиётда тезкор бўлинмалар фаолиятида ҳозирги пайтгача долзарб бўлиб келган муаммолардан яна бири – бу тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга кўмаклашаётган шахсларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш бўлиб, ушбу масала қонуннинг 23-моддасида ўз аксини топган. Унинг 1,2-қисмларида ушбу шахслар давлат ҳимоясида эканлиги ҳамда қонунда белгиланган тартибда тақдирланиш ҳуқуқига эгаллиги, 3-5-қисмларига эса тезкор-қидирув

фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ўз ходимларининг ҳамда улар оила аъзоларининг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкани таҳдидлардан ҳимоялаш чораларини кўриши шарт эканлиги, шахс тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда иштирок этиши билан боғлиқ ҳолда майиб ёки ҳалок бўлган тақдирда, уларга ёки уларнинг оила аъзоларига қонун ҳужжатларига мувофиқ бир йўла бериладиган нафақа тўланиши ҳамда пенсия тайинланиши тўғрисидаги нормалар киритилган.

Шунингдек, ушбу модданинг 6-қисмида уюшган жиноий гуруҳни, жиноий уюшмани фош қилиш мақсадида улар орасига киритилган шахс қонунда белгиланган тартибда қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи ҳолатлар (ЖК 36-41-моддалари) бўлганида қонунга хилоф қилмишлари учун жиноий жавобгарликдан озод этилиши белгилаб қўйилган.

Айрим хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигида бу каби шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш амалиёти мавжуд. Жумладан, Беларусь Республикаси Жиноят кодексининг 38-моддасида таъкидланишича, «... агар жиноятларнинг олдини олиш ва фош этиш юзасидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ махсус вазифаларни бажараётган шахс, ушбу жараёнда жиноий гуруҳнинг бошқа аъзолари билан биргаликда қатнашиб, иложсиз равишда жиноят содир этишда қатнашса, жиноий жавобгарликка тортилмайди (шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига тажовуз қилиш билан боғлиқ оғир ва ўта оғир жиноят содир этиш бундан мустасно». Худди шу каби нормалар Украина (43-м.), Эстония (13.2-м.) ва бошқа давлатларнинг Жиноят кодексларида ҳам мавжуд. Америка Қўшма Штатларида Бош Атторнейнинг Федерал қидирув бюроси (FBI) махсус операциялари бўйича Йўриқномаси асосида, уларга қуйидаги ҳолларда жиноят таркибини ташкил қилувчи жиноий ҳаракатларда иштирок этишга рухсат этилиши мумкин:

— гумон қилинувчиларни жиноий жавобгарликка тортишда дастлабки зарур ахборот ёки далилларни олиш учун;

---

— инсоннинг ҳаёти ёки соғлигига дахл қилувчи хавфнинг олдини олиш ёхуд ушбу хавфни четлаб ўтиш мақсадида<sup>1</sup>.

Қонун қабул қилиниши билан муқаддам чекланган хусусият касб этувчи бўлган мазкур фаолият устидан жамоатчилик ва прокурор назоратини ўрнатиш масалалари сезиларли равишда кенгайди. Бунда авваламбор жамоатчилик назорати учун зарур бўлган мазкур фаолиятнинг амалга оширилиши ҳақида аҳоли хабардорлиги таъминланган бўлса, иккинчи томондан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг қарорлари, улар ходимларининг ҳаракатлари устидан тегишли инстанцияларга шикоят қилиш имконияти мустақамлаб қўйилганлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

«Тезкор-қидирув фаолияти» тўғрисидаги Қонуннинг 27-моддасида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши белгиланган. Бу соҳадаги прокурор назорати тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ўтган асрнинг 60-70 йилларида собиқ иттифоқ Бош прокурорининг бир қатор буйруқларида бўйсунувчи прокурорларга тезкор-қидирув фаолиятига ара-лашиш қатъий тақиқлаб қўйилган эди. Ушбу муҳим масала мустақилликка эришилганидан сўнггина, яъни 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги қонун-нинг 28-моддасида прокурорнинг ваколатлари қаторидан жой олди<sup>2</sup>.

---

Мазкур модданинг 2-қисмида прокурорлар ўзларига тақдим этилган ҳужжатлар ва материаллардаги маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлашлари тўғрисидаги талаб мустақамланган. Фикримизча, бу талаб ижроси юзасидан Ўзбекистон Респуб-ликаси Жиноят-процессуал кодексига ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларда прокурорлардан ташқари суриштирувчи, терговчи ва судьяларнинг ҳам жавобгарлигини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, Ўзбекистон Респуб-ликаси Жиноят кодексининг 162-моддасида давлат сирларини ошкор қилганлик учун жа-вобгарлик белгиланган.

«Тезкор-қидирув фаолияти» тўғрисидаги Қонун қабул қилиниши билан боғлиқ масала-лар кўлами улканлиги эътиборга олиниб, у расмий эълон қилинган кундан эътиборан ўн икки ой ўтгач кучга кириши белгиланган. Шу муносабат билан Қонуннинг мазмун-моҳия-тини кенг оммага тарғиб қилиш ва фу-қароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш бўйича тадбирларни келгуси-даги вазифаларимиз қаторига киритиш лозим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонуни халқаро нормалар ва Ўзбекистон Респуб-ликасининг Конституцияси асосида ишлаб чиқилган бўлиб, инсон ҳуқуқлари ва ман-фаатларини таъминлаш бўйича умумэти-роф этилган жаҳон андозаларига тўлиқ мос келади.

---

<sup>1</sup> Батафсилроқ қаранг: *Каримов В. Г.* Тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни таъминлашнинг ҳуқуқий, тарбиявий ва ташкилий жиҳатлари. — Т., 2011. — Б. 93-97.

<sup>2</sup> Қаранг: *Пўлатов Б.Х.* Прокурор назорати. — Т., 2009. — Б. 219.

## КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН ЖИНОЯТ ҚОНУНИ НОРМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАҚИДА

Ҳар қандай жамиятда давлат ва бошқарув, ўша давлат Конституциясида кўзда тутилганидек, унинг туб мақсадларига мос бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар» дейилади. Асосий қонуннинг бундай талаблари давлат ҳокимияти, давлат хизмати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият механизмларида ёки уларнинг соҳаларида мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширади, давлат аппаратининг фуқаролар олдидаги мажбуриятларини белгилаб беради.

Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Биз ўз мустақиллигимизни қўлга киритиб, янги тараққиёт йўлига қадам қўйганимиздан сўнг халқимизнинг хоҳиш-иродаси, асрий орзу-интилишларига таянган ҳолда, шўро давридан оғир мерос бўлиб қолган маъмурий-буйруқбозлик тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг ўрнида моҳият эътибори билан бутунлай янги – эркин бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этишга азму қарор қилдик»<sup>1</sup>.

Бироқ «ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтишда, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса юз беради. Шу билан бирга жиноят-

чиликнинг ўсиши нафақат ислохотлар йўлига жиддий тўсиқ, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам бевосита таҳдид туғдиради»<sup>2</sup>.

Демократик кадриятлар қарор топиб бораётган шароитда давлат хизматчилари томонидан мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, порахўрлик, мулкни талон-торож қилиш ҳоллари давлат ҳокимиятининг обрўсизланишига олиб келади; бошқарув тизимининг бузилиши ёки зарарланишига сабаб бўлади; давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимига путур етказди. Юқори даражадаги коррупция давлатни инқирозга олиб келади, давлат ҳокимияти шахсий манфаатларга бўйсундирилгани боис, халқнинг норозилигига сабаб бўлади.

Коррупцияга қарши кураш, халқаро миқёсдаги каби, республикамизда ҳам долзарб муаммолардан ҳисобланади. Чунки коррупция жиноятчилик, айниқса, уюшган жиноятчилик билан бевосита боғлиқдир. «Бугунги кунда фақат иқтисодиётга эмас, балки, энг аввало, республиканинг сиёсий ва халқаро нуфузига, жамиятимизнинг маънавий-ахлоқий нуфузига катта зарар етказётган энг хавфли иллат – коррупциядир. У айрим ҳолларда ўта хавфли тусга кирмоқда»<sup>3</sup>. Коррупция ва порахўрлик жиноятнинг ёпиқ ва энг қабиҳ тури бўлиб, у бошқарув аппаратини издан чиқарибгина қолмай, бозор асосларини ҳам барбод қилиши мумкин.

\* Тошкент давлат юридик институти жиноят ҳуқуқи ва криминология кафедраси доценти вазифасини бажарувчи, юридик фанлар номзоди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. – Б.102.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., 1997. – Б. 76.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т., 2000. – Б.53.

---

Мансабни суиистеъмол қилиш орқали мулкни талон-торож қилиш ёки порахўрлик жиноятлари коррупцияга оид жиноятчиликнинг энг хавфли кўринишлари бўлиб ҳисобланади. Мансабдор шахсларнинг ғайриахлоқий ва ғайриқонуний одатларини қонунийлаштириш, қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, давлат бюджети ҳисобидан ўз эҳтиёжларини қондириш ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар коррупциянинг яширин шакли ҳисобланади.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз мустақилликка эришган илк даврдан коррупцияга қарши курашиш масаласига умумдавлат миқёсидаги вазифа сифатида қаралиб, унинг олдини олиш ва давлат аппаратини коррупционерлардан тозалаш бўйича изчил ва мунтазам ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасида кўпгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари таркибида коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашувчи алоҳида тузилма ва бўлимлар шакллантирилди.

Маълумки, коррупцияга қарши кураш борасидаги фаолиятнинг қонунчилик асосларини такомиллаштиришда халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка жорий қилиш катта аҳамият касб этади.

Коррупцияга қарши кураш борасидаги энг асосий халқаро ҳужжат - шубҳасиз, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ҳужжатни ратификация қилган: Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Қонуни 2008 йил 24 июнда қабул қилинди ва 2008 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланди ҳамда 2008 йил 28 августдан эътиборан кучга кирди<sup>1</sup>.

Конвенция, маъно жиҳатидан кенг қамровли ҳужжат ҳисобланиб, миллий қонунларимизни умумэтироф этилган стандартлар ва нормаларга мувофиқ ривожлантириш

имконини беради. Мазкур халқаро-ҳуқуқий ҳужжатга қўшилиш Ўзбекистон учун ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш йўлида қатъий қадам бўлди. Бу коррупцияга қарши курашда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси БМТнинг коррупцияга қарши Конвенциясига қўшилган экан, унинг нормаларини республикаimizда қўллашга тўсқинлик қилувчи барча ғовлар бартараф қилиниши, Конвенциянинг талабалари сўзсиз бажарилиши таъминланиши лозим. Шуларни инобатга олган ҳолда таъкидлаш жоизки, Конвенция нормалари ва миллий қонунларимизни қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этмай туриб, Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш ва БМТнинг юқорида зикр этилган Конвенцияси талабаларини бажариш самарадорлигига эришиб бўлмайди.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси талабларига амалдаги жиноят қонунимизни мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қуйидаги мазмундаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, конвенциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда ЖК Махсус қисмига мансабдор шахснинг мол-мулки унинг қонуний даромадларидан оқилона асосланиб берилмайдиган даражада ошиб кетиши учун жавобгарликни назарда тутувчи янги модда киритиш.

Иккинчидан, конвенциянинг 24-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда юридик шахсларнинг коррупцияга оид жиноятларда иштироки учун жавобгарлигини жорий этиш керак.

Учинчидан, ЖК Махсус қисмининг VIII бўлимида баён қилинган «Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси»даги мансабдор ва масъул мансабдор шахс тушунчалари қуйидагича янги таҳрирда баён қилиниши таклиф этилади:

*Мансабдор шахс* – давлат органида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2008. – № 7. – Б. 8.

---

муассаса, ташкилотда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, чегара ва қоровул қўшинларида ва бошқа ҳарбий тузилмаларда тайинладиган, сайладиган ёки махсус топшириқ асосида доимий ёки вақтинча ҳокимият вакили функциясини бажарувчи ёхуд ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик ваколатини амалга оширувчи шахс.

*Масъул мансабдор шахс* – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан белгиланадиган ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинладиган ёхуд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан сайладиган, тасдиқланадиган мансабдор шахс.

Тўртинчидан, конвенция талабларидан келиб чиққан ҳолда ЖК Махсус қисми VIII бўлими «Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси»га хорижий мансабдор шахс ва оммавий халқаро ташкилотнинг мансабдор шахси тушунчаларини киритиш керак.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси ЖК Махсус қисмининг бешинчи бўлими сарлавҳасига «жамоат бирлашмалари органлари» — сўздан сўнг «мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса ёки ташкилотларнинг», — деган сўзлар қўшилиши лозим. Чунки, мансаб ваколатларидан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар нафақат ҳокимият, бошқарув ёки жамоат бирлашмалари органларида, балки хусусий фирмалар, қўшма корхоналар, акционерлик жамиятлари ва бошқа корхона, муассаса, ташкилотларда ҳам содир

этилиб, уларнинг нормал фаолият олиб боришига тўсқинлик қилади.

Олтинчидан, ЖК 210-моддаси (Пора олиш) санкцияларига муқобил жазо турларини киритиш лозим.

Еттинчидан, ЖК 210-моддаси (Пора олиш)га тўртинчи қисм сифатида қуйидаги рағбатлантирувчи моддани киритиш мақсадга мувофиқдир:

*«Олинган пора суммаси юз карра миқдорда давлатга тўланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди».*

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, коррупцияга қарши курашда самарали чора-тадбирлар кўрмаслик иқтисодий ва ижтимоий муаммодан сиёсий муаммога айланиши ва мамлакатнинг конституциявий асосларига путур етказувчи миллий офат тусини олиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, давлат ва жамият олдида мазкур иллатга қарши қатъият ва изчиллик билан курашиш вазифасини қўяди. Айни шу сабабли, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Биз давлат тузилмалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидаги ноҳуш ҳолатлар - аҳоли кўз ўнгида ҳокимиятни обрўсизлантираётган порахўрлик, тамагирлик ва коррупция кўринишлари билан бундан буён асло муроса қила олмаймиз. Биз бундай иснод келтирувчи ҳодисаларга қарши бутун жамият билан биргаликда кескин курашмоғимиз даркор»<sup>1</sup>. «Қонунга зид бўлган бундай хунук ҳолатлар билан муроса қилишга чек қўйишнинг вақти келди»<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз: Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза. – Т., 2000. – Б. 53.

<sup>2</sup> Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилidir. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи.– 2010. – 8 дек.

## ЛИЦЕНЗИРОВАНИЕ В АДМИНИСТРАТИВНОМ ПРАВЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

В Республике Узбекистан последовательно проводятся меры, направленные на создание благоприятного делового климата, обеспечение большей свободы деятельности субъектов бизнеса за счет сокращения не отвечающих современным требованиям лицензионных и разрешительных процедур, форм статистической, финансовой и налоговой отчетности, совершенствования механизма их представления. В этой связи Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов подчеркивает: «Нам необходимо четко определить строго ограниченный перечень и виды разрешительных процедур, необходимых для ведения предпринимательской деятельности, решительно сократив излишнее и установив законодательный запрет на введение новых видов разрешений и разрешительных процедур, не предусмотренных законом»<sup>1</sup>.

В своей основе лицензирование представляет собой систему, комплекс мероприятий, связанных с процессом подачи и рассмотрения заявления о выдаче лицензии, переоформления, приостановления, прекращения и аннулирования действия лицензии.

Любая система предполагает наличие двух составляющих – структуры, под которой обычно понимают иерархию относительно самостоятельных элементов какого-то целого и взаимодействия этих элементов. В основу деления лицензирования на отдельные виды (согласно Закону Республики Узбекистан от 25 мая 2000 г. «О лицензировании отдельных

видов деятельности» лицензии могут быть типовыми (простыми) и индивидуальными) положен характер правового регулирования общественных отношений, в рамках которого осуществляется правовое регулирование.

Будучи структурным элементом системы права, правовой институт обладает набором признаков, а именно: относительной самостоятельностью, специфическим способом правовой регламентации, наличием либо потенциальной возможностью формирования общих понятий в рамках видовых явлений.

Поскольку лицензионные отношения представлены в широком объеме и являются самостоятельным видом общественно-правовых отношений, которые регулируются целым комплексом правовых предписаний-норм, разбросанных по большому количеству источников различных уровней, начиная от Закона Республики Узбекистан, постановлений Кабинета Министров и заканчивая ведомственными положениями и инструкциями, можно сделать вывод о наличии самостоятельного института права – института лицензирования.

Законодательство определяет лицензию как разрешение (право) на осуществление лицензируемого вида деятельности при обязательном соблюдении лицензионных требований и условий, выданное лицензирующим органом юридическому или физическому лицу.

Данное определение рассматривает лицензию как специальное разрешение на

\* Доцент кафедры административного права Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат юридических наук.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране // Народное слово. – 2010. – 13 нояб.

осуществление конкретного вида деятельности при обязательном соблюдении лицензионных требований и условий, выданное лицензирующим органом юридическому лицу или индивидуальному предпринимателю. Подобная трактовка представляется довольно узкой, поскольку в различные периоды развития лицензионного законодательства лицензия рассматривалась и как документ, и как право, и как юридический факт в форме решения.

В научной литературе лицензирование рассматривается с разных точек зрения. Так, например, О.Олейник определяет его как «...особый правовой режим начала и осуществления отдельных видов деятельности, предполагающий государственное подтверждение на ее ведение, государственный контроль над ней, возможность ее прекращения по особым основаниям»<sup>1</sup>. В этом определении речь идет о праве, которое возникает у лица при лицензировании, однако не раскрывается содержание этого права. При этом юридическое значение лицензирования заключается не в конкретизации пределов имеющейся у лица правоспособности, а в ее легитимации<sup>2</sup>.

Ю.Н.Мильшин определяет лицензирование как форму правового управления, под которой понимается внешне выраженное действие исполнительных органов, осуществляемое в рамках его компетенции и вызывающее юридические последствия<sup>3</sup>.

Кроме вышесказанного, по мнению А.И. Цихоцкой, содержанием лицензирования является «организационно-корректирующее воздействие государства на управляемый объект, тем самым лицензирование – одна из

функций государственного управления, т. е. один из наиболее типичных способов воздействия государства на деятельность хозяйствующего субъекта»<sup>4</sup>.

Подтверждением этому служит принятие Закона Республики Узбекистан от 11 сентября 2012 г. «О внесении дополнений в Уголовный кодекс Республики Узбекистан и Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности за незаконное вмешательство в деятельность хозяйствующих субъектов», которым Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности дополнен новыми административно-правовыми нормами – ст.206<sup>1</sup> «Незаконное вмешательство в деятельность хозяйствующих субъектов», ст.241<sup>2</sup> «Незаконное вмешательство в деятельность хозяйствующих субъектов».

Иную точку зрения высказывает Ю.П. Емельянов, рассматривая лицензирование как форму экономического действия, направленного на упорядочение и совершенствование социального действия, т. е. как многофункциональное экономико-социальное явление, в рамках которого он выделяет три составляющих: экономическую, управленческую и правовую<sup>5</sup>.

По мнению В.И.Новоселова, она является формой «контроля за законностью предполагаемых действий гражданина или организации, разрешение совершать только безусловно законные действия и отказом в совершении противоправных, что обуславливает вид и меру допустимой активности, а также реализацию надзора за фактически осуществляемыми действиями»<sup>6</sup>. Данная точка зрения наиболее близка специалистам в области

<sup>1</sup> Олейник О. Правовые основы лицензирования хозяйственной деятельности // Закон. – 2004. – № 6. – С.16.

<sup>2</sup> См.: Кудашкин В.В. Правовые аспекты института лицензирования хозяйственной деятельности // Журнал российского права. – 2009. – № 1. – С. 129.

<sup>3</sup> См.: Мильшин В.В. Лицензирование как административно-правовой институт: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 2005. – С. 18.

<sup>4</sup> Государственное управление: проблемы теории, истории, практики, преподавания. – Ростов-на-Дону, 2007. – С. 162–163.

<sup>5</sup> См.: Емельянов Ю.П. Лицензирование как механизм управления в новых условиях хозяйствования. – М., 2000. – С. 45.

<sup>6</sup> Новоселов В.И. Граждане как субъекты административного права. – Саратов, 2012. – С. 32.



---

предпринимательского права, рассматривающим лицензирование отдельных видов деятельности как «вид государственного контроля за предпринимательской деятельностью»<sup>1</sup>.

Отсутствие единого унифицированного подхода к определению лицензирования вызывает необходимость рассмотрения вопроса о сущности (юридической природе) института лицензирования и прав, предоставляемых лицензией ее обладателю.

Высказываются различные точки зрения на правовую природу института лицензирования. Как полагает О.М. Олейник, «в масштабах гражданского права конструирование института лицензирования теоретически и практически невозможно, поскольку предмет регулирования и метод явно выходят за рамки указанных принципов (свобода воли, равенство сторон, диспозитивность). Вполне обоснованным представляется лицензирование хозяйственной деятельности рассматривать как самостоятельный институт хозяйственного права»<sup>2</sup>.

Мы не можем согласиться с высказанной точкой зрения, поскольку вопросы лицензирования пока относятся к отрасли административного права.

Ю.Н. Мильшин определяет лицензирование как правовой институт, регулирующий отношения, возникающие по поводу создания и организации деятельности лицензирующих органов и между органами исполнительной власти и лицом, желающим получить, получившим или утратившим лицензию. При этом автор рассматривает институт лицензирования как комплексный, поскольку он «включает в себя нормы административного и гражданского права, где наличие лицензии является основанием для возникновения правоспособности и имущественных отноше-

ний при осуществлении отдельных видов деятельности»<sup>3</sup>. Это мнение также видится несколько необоснованным, так как представляется наиболее объективным признание за указанным институтом лишь административно-правовой природы, что и постараемся отразить в данной статье.

По предметно-отраслевому признаку правовые институты могут классифицироваться на отраслевые и смешанные. При этом «отраслевая чистота» правовых институтов заключается в том, что эти институты состоят из норм одной отрасли права, объединенных конкретным видом опосредуемых общественных отношений. Определяя отраслевую принадлежность того или иного института (в данном случае это лицензирование), в первую очередь мы должны обратиться к предмету регулирования рассматриваемой отрасли и конкретного института, в частности.

Под предметом административного права обычно понимают широкий комплекс общественных отношений, складывающихся в связи с реализацией функций государственного управления, с осуществлением исполнительной и распорядительной деятельности органов управления и должностных лиц.

Предмет института лицензирования можно определить как «правоотношения, опосредующие управляющее воздействие управомоченных органов управления на хозяйствующие субъекты, исходя из публичных интересов государства и личности»<sup>4</sup>, иными словами, предмет правового регулирования составляет особая группа общественных отношений, складывающихся в процессе взаимодействия специализированных государственных органов, наделенных особой компетенцией и выступающих от имени государства, с одной стороны, и граждан, юридических лиц – с другой, для обеспечения

---

<sup>1</sup> См.: Предпринимательское право: Курс лекций / Под ред. Н.И.Клейн. – М., 2008. – С. 208.

<sup>2</sup> Олейник О.М. Правовые основы лицензирования хозяйственной деятельности // Закон. – 2009. №6. – С.15–16.

<sup>3</sup> Мильшин Ю.Н. Лицензирование как административно-правовой институт. Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Саратов, 2005. – С. 18.

<sup>4</sup> Кудашкин В.В. Правовые аспекты института лицензирования хозяйственной деятельности // Журнал российского права. – 2009. – № 1. – С. 131.

---

---

прав, законных интересов граждан, обороны и безопасности государства, культурного наследия.

Следовательно, лицензионные отношения содержат следующие признаки:

а) существуют в сфере государственного управления;

б) их возникновение связано с односторонним волеизъявлением (под которым в данном случае понимается решение должностного лица о выдаче или отказе в выдаче лицензии);

в) наличие в них субъекта или иного органа исполнительной власти;

г) реализация субъектами исполнительной власти их распорядительных полномочий;

д) характеризуются организационным началом, т. е. являются формой, в рамках которой происходит организующее воздействие государственного управления в рассматриваемой сфере на объекты управления;

е) имеют особый правовой режим обеспечения законности и своей правовой защиты – в административном и судебном порядке.

Известно, что одни и те же общественные отношения могут регулироваться нормами разных отраслей, таким образом, предмет правового регулирования, будучи основным критерием разграничения отраслей права, не позволяет провести окончательное разделение на отрасли права и определить правовую природу рассматриваемого института. Поэтому необходимо обратиться ко второму основному элементу механизма правового регулирования, т. е. определить метод правового регулирования, что позволит охарактеризовать рассматриваемую группу общественных отношений с точки зрения используемых правовых средств, приемов и способов правового воздействия. В теоретической литературе обычно рассматривается три типа правового регулирования: дозволение, предписание и запрет. Ни один из них в чистом виде не существует, поскольку они

едины для всех отраслей права, хотя объем использования каждого из них варьируется в зависимости от особенностей предмета конкретной отрасли, то есть регулируемых общественных отношений. Для административно-правовой отрасли наибольший вес и значение имеет предписание, которое рассматривается как «возложение прямой юридической обязанности совершать те или иные действия в условиях, предусмотренных правовой нормой»<sup>1</sup>.

Определив особенности административно-правового регулирования и установив административно-правовую природу лицензирования, мы можем выделить следующие признаки:

1) осуществление и регулирование лицензирования происходит при наличии официального государственно-властного органа (т. е. лицензирующего органа), к компетенции которого относится вынесение в одностороннем порядке решения по возникающим вопросам в рамках регулируемых управленческих отношений (например, решение о приостановлении действия лицензии);

2) наличие одностороннего волеизъявления одного из субъектов правоотношений (лицензирующего органа) по отношению к другому (соискателю лицензии или лицензиату); властный характер выражаемого волеизъявления, влекущий обязательное исполнение;

3) наличие юридического неравенства участников правоотношений, при котором один из них (лицензирующий орган) является управляющим, а другой (лицензиат) – управляемым;

4) существование обязательного порядка действий, которому обязаны следовать участники (т.е. закрепленная в процессуальных нормах процедура лицензирования).

Данные признаки выражаются в следующем. Во-первых, лицензионные отношения являются типичными административно-

---

<sup>1</sup> Алехин А.П., Кармолицкий А.А., Козлов Ю.М. Административное право Российской Федерации: Учебник. – М., 2003. – С. 20.

---

---

правовыми отношениями, поскольку складываются в сфере управления, в сфере деятельности исполнительной власти, которая охватывает все основные направления экономической, социально-культурной и административно-политической жизнедеятельности общества, а система исполнительной власти обеспечивает и проводит единую государственную политику – финансовую, кредитную, денежного обращения, в области науки, образования и культуры, здравоохранения, управления государственной собственностью, обеспечения общественного порядка и безопасности. Во-вторых, лицензионные отношения совпадают с фактическими, юридическими и волевыми элементами административного правоотношения. В третьих, лицензионно-правовые отношения, как административно-правовые, могут возникать вопреки желанию или согласию второй стороны, что совершенно неприемлемо для гражданско-правовой сферы. Это означает, что лицензионные

отношения не только могут, но зачастую и возникают вопреки желанию одной стороны, причем этой стороной может быть не только лицензиат, но и орган исполнительной власти в лице лицензирующего органа. Так, обращение соискателя лицензии в лицензирующий орган порождает юридическую обязанность последнего рассмотреть это заявление и, при отсутствии препятствующих обстоятельств, выдать испрашиваемый документ. Отметим, что на лицензирующий орган независимо от его желания, связанного с отношением к лицензиату, возлагается прямая обязанность по своей инициативе и своими действиями создавать подобные юридические последствия, не вступая в при этом в договорные отношения с другой стороной. При этом нарушение лицензиатом лицензионных условий вопреки его желанию и воле также порождают возникновение административно-правовых отношений, связанных, например, с приостановлением или аннулированием лицензии.

♦ Готовится к изданию ♦

**Криминалистическая методика расследования преступлений:** Учебное пособие / Шакуров Р. Р., Джуманов Ш. Т., Тоштемиров Н., Тураева Д. Р., Алланазаров О. Д. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2013. – 83 с.

В учебном пособии предложена криминалистическая характеристика отдельных видов преступлений, анализируются типичные следственные ситуации, выдвигаются типичные версии и определяются первоначальные и последующие следственные действия.

Для слушателей и курсантов Академии МВД, студентов высших юридических образовательных учреждений, а также практических работников правоохранительных органов.

И. Ю. Фазилов\*

## ОДАМ САВДОСИНИНГ БОШҚА ЎХШАШ ЖИНОЯТЛАРДАН ФАРҚЛАНИШИ

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, суд-тергов амалиётида одам савдосини бошқа ўхшаш жиноятлардан ажратиш, шунингдек, жиноятлар мажмуи масаласини ҳал қилишда муайян қийинчиликлар юзага келмоқда.

Шу боис, қилмишни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (кейинги ўринларда ЖК)нинг 135-моддаси бўйича тўғри квалификация қилиш учун одам савдосини бошқа ўхшаш жиноятлардан ажратиш турувчи фарқли белгиларини аниқлаб олиш зарур.

Одам савдоси (ЖК 135-м.) ва одам ўғирлаш (ЖК 137-м.) жиноятларини бири-биридан фарқ қилиш билан боғлиқ масалани кўриб чиқишда ушбу жиноятлар объектив томонларининг белгилари ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Одам ўғирлаш доимо ҳаракат орқали содир этилади. Одам савдоси билан боғлиқ қилмишлар ҳам, яшириш (инсонни озод қилишни рад этиш)дан ташқари, ҳаракат орқали содир этилади. Одам ўғирлашнинг объектив томони деярли доимо учта ҳаракат – одамни эгаллаб олиш, кўчириш ва зўрлик билан ушлаб туришдан ташкил топади<sup>1</sup>. Одам савдосининг объектив томони эса мазмунан кенгрок бўлиб, у одамни олиш-сотиш ёхуд уни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишдан иборат бўлади.

Агар одам ўғирлаш мазкур ҳаракатлардан аввал келган ва кейинчалик айбдорда уни сотиш ёки одам савдосининг объектив томонига кирувчи бошқа қилмишни содир этиш нияти пайдо бўлган бўлса, қилмиш ЖКнинг 137- ва 135-моддалари бўйича квалификация

қилиниши лозим, чунки бунда жиноятларнинг реал мажмуи мавжуд бўлади.

Айни вақтда бошқа кишини қонунга хилоф тарзда қасддан эгаллаб олиш, кейинчалик зўрлик билан ушлаб туриш (тутқунликка солиш) мақсадида доимий ёки вақтинчалик яшаш жойидан бошқа жойга кўчириш каби ҳаракатлар одам савдосининг объектив томонини ҳам ташкил қилиши мумкин, яъни ушбу ҳаракатлар ЖК 135-моддаси иккинчи қисмининг «а» бандида назарда тутилган жиноятни содир этиш усулларида бири (ўғирлаш) бўлиши мумкин. Ушбу ҳолда ЖК 137-моддаси бўйича кўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди. Демак, одам ўғирлаш эксплуатация қилиш учун жабрланувчини эгаллаб олиш усулларида бири ҳисобланади.

Афсуски, қонун чиқарувчи одам савдоси учун жавобгарлик белгилловчи нормаларни ишлаб чиқишда одам ўғирлаш (ЖК 137-м.) ва одамни ўғирлаш орқали содир этилган одам савдоси (ЖК 135-м. 2-қ. «а» б.)нинг аломатларини ўзаро фарқлаш масаласига эътибор қаратмаган.

Натижада, одам ўғирлаш ва одамни ўғирлаш орқали содир этилган одам савдоси жиноятларини квалификация қилишда жиноят қонунчилигининг кўриб чиқиладиган нормаларидаги номукамалликлар сабабли жиддий муаммоларни келтириб чиқарди. Бу эса, одамни ўғирлаш орқали содир этилган одам савдоси ва одам ўғирлашнинг аломатларини ўзаро фарқлаш масаласи жиноят қонунчилигининг таҳлил қилинаётган нормаларида назарда тутиш заруратини юзага келтирди.

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноятларнинг олдини олиш кафедраси ўқитувчиси.

<sup>1</sup> Рустамбоев М. Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Т. III. — Т., 2011. — Б. 196.

Шу муносабат билан, суд-тергов амалиётида одам ўғирлашнинг объектив ва субъектив белгиларининг мазмунини бир хил тушуниш мақсадида ЖК 137-моддаси биринчи қисмининг диспозициясини қуйидаги таҳрирда баён этишни таклиф этамиз: «*Ушбу Кодекснинг 135, 245-моддаларида назарда тutilган аломатлар мавжуд бўлмаган ҳолда, бошқа кишини қонунга хилоф тарзда қасддан эгаллаб олиш, кейинчалик зўрлик билан ушлаб туриш (тутқунликка солиш) мақсадида доимий ёки вақтинчалик яшаш жойидан бошқа жойга кўчириш*».

Кўп ҳолларда одам савдоси инсоннинг ҳаракатланиш эркинлигидан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлади. Бу эксплуатация қилиш мақсадини кўзлаб инсонни яшириш ёки одам савдосининг объектив томонига кирувчи бошқа қилмишларга хос хусусиятдир. Шу ўринда одам савдоси ва зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш (ЖК 138-м.)нинг белгиларига эътибор қаратиш лозим.

ЖК 138-моддасида назарда тutilган жиноятнинг объектив томони бировни зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилишдан иборат. Ушбу ҳолда озодликдан маҳрум қилиш инсоннинг бир жойдан бошқа жойга кўчиши, яшаш ва ишлаш жойини ўз хоҳиши бўйича танлаш, одамлар билан ўз ихтиёрига кўра учрашиш ва мулоқотда бўлиш, телефон орқали сўзлашувлар олиб бориш каби ҳаракатларга ғайриқонуний тўсқинлик қилишда кўринади<sup>1</sup>.

Фикримизча, ушбу ҳаракатлар одам савдосининг объектив томонига кирувчи қилмиш – эксплуатация қилиш мақсадини кўзлаб инсонни яширишга ўхшайди. Ҳар икки ҳолда ҳам зўрлик ишлатиб ушлаб туриш ҳаракатининг ўзи ва жойи ҳеч кимга билдирилмайди. Бироқ, одам савдоси чоғида жабрланувчининг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқининг чекланиши содир этилаётган жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Шу боис, ушбу ҳолатда содир этилган қилмиш ЖК 138-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди. Масалан, айбдор фоҳишаликда фойдаланиш мақсадида бир

хонада бир қанча аёлларни мажбуран ушлаб туради.

Агар айбдор инсонни зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилган, сўнгра унда жабрланувчига нисбатан одам савдосининг объектив томонига кирувчи қилмишларни содир этиш мақсади юзага келган бўлса, қилмиш ЖКнинг 138- ва 135-моддалари бўйича квалификация қилиниши лозим.

Одам савдосидан жабрланган болаларни тиламчиликка жалб қилиш ҳолатлари кузатилаётганлиги ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган одам савдоси (ЖК 135-м. 3-қ. «а» б.)ни вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (ЖК 127-м.)дан ажратиш заруратини юзага келтиради.

ЖКнинг 127-моддасида назарда тutilган жиноятнинг объектив томонини бошқа қилмишлар билан бир қаторда, вояга етмаган шахсни тиламчилик қилишга жалб қилиш ташкил этади. Тиламчилик бегона шахслардан пул, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа моддий бойликларни мунтазам сўраб олишдан иборат<sup>2</sup>. Тиламчилик билан шуғулланганда бегона шахслардан олинган пул, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа моддий бойликлар кўпинча вояга етмаган шахснинг манфаатлари йўлида ишлатилади.

Агар вояга етмаган шахс унга нисбатан одам савдосининг объектив томонига кирувчи қилмишлар амалга оширилиши натижасида тиламчилик қила бошлаган, топган пули (озиқ-овқат ва бошқа нарсалари) деярли тўлиқ равишда болани эрксиз ҳолда сақлаб турган шахснинг тасарруфига ўтадиган бўлса, бундай қилмиш ЖК 135-моддаси учинчи қисмининг «а» банди бўйича квалификация қилиниши лозим. Масалан, М. вояга етмаган Т.ни онасидан сотиб олиб, уни ногиронлар аравачасидан фойдаланган ҳолда шаҳар кўчаларида тиламчилик қилишга мажбур қилиб, топган пулини ўзлаштириб келган.

ЖК 135-моддасининг диспозициясида кўрсатилган «эксплуатация қилиш» тушунчаси бошқа шахснинг фоҳишалигидан фойдаланиш-

<sup>1</sup> Ўша манба. – Б. 198–200.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси: илмий-амалий шарҳлар / Муаллифлар жамоаси. Нашр учун масъул У. Тожихонов. — Т., 1997. — Б. 162.

---

ни ҳам ўз ичига қамраб олганлиги сабабли, *одам савдосини фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш* (ЖК 131-м.)дан фарқлаш лозим.

ЖКнинг биз ўрганган 131, 135-моддалари бўйича юритилган жиноят ишларининг таҳлили қуйидагича хулоса чиқаришга имкон беради, яъни ЖК 131-моддасида назарда тутилган жиноятда:

– айбдор фақат тамагирликни ёки бошқа ғаразли, паст ниятларни кўзлайди;

– айбдорнинг ёллашга қаратилган ҳаракатлари ёллашаётган шахснинг фоҳишалик билан шуғулланишга ихтиёрий розилигини олишга қаратилади ва барча шартлар олдиндан келишиб олинади;

– фоҳишалик билан шуғулланиш ва унинг учун тўланадиган ҳақ шахс билан олдиндан шартлашилган келишув асосида унинг розилигини олиб амалга оширилади;

– шахс ўзининг шахсий эркинлигига нисбатан барча ваколатларни сақлаб қолади ва ундан фойдаланишда тўла мустақил бўлади.

Лўнда қилиб айтганда, бошқа шахснинг фоҳишалик билан ихтиёрий шуғулланишдан фойдаланишда шахвоний муносабатлар фоҳишанинг розилиги билан, қўшмачи ва мижознинг ўзаро келишуви асосида, пул ёки бошқа мукофот эвазига содир этилади. Фоҳишанинг эркинлиги чекланмайди ва унда ўз иш ҳақини назорат қилиш имкони бўлади. Ушбу ҳолда фоҳиша ҳақида одам савдосидан жабрланган шахс сифатида гапириш мумкин эмас. Бунда муайян шахснинг ҳақ эвазига мижоз (жинсий шерик) билан жинсий алоқа қилиш ёки унинг шахвоний эҳтиёжларини исталган шаклда қаноатлантиришга қаратилган шахвоний хизматлар кўрсатишидан фойдаланиш ҳаракатлари ЖКнинг 131-моддаси (Фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш) билан квалификация қилинади.

Фикримизча, бошқа шахснинг фоҳишалик билан мажбурий шуғулланишидан фойдаланиш ҳаракатларини ЖКнинг 135-моддаси билан баҳолаш лозим.

Биз ЖКнинг 131, 135-моддалари бўйича юритилган жиноят ишларини таҳлил қилиш натижасида қуйидагилар бошқа шахснинг

---

фоҳишалик билан мажбурий шуғулланишидан фойдаланишнинг белгилари сифатида намоён бўлади, деган хулосага келдик:

– айбдор муайян шахснинг эркига қарши, яъни унинг ҳаёти ёки ҳаётининг муҳим манфаатларига таҳдид қиладиган мажбурлов остида ҳақ эвазига мижоз (жинсий шерик) билан жинсий алоқа қилиш ёки унинг шахвоний эҳтиёжларини исталган шаклда қаноатлантиришга қаратилган шахвоний хизматлар кўрсатишидан фойдаланади;

– жабрланувчини фоҳишалик билан шуғулланишга жалб қилишнинг усули ҳам жисмоний, ҳам руҳий мажбурлаш, шунингдек, жабрланувчининг тобе ҳолатидан фойдаланиш бўлиши мумкин;

– жабрланувчи хорижга кетишдан аввал фоҳиша бўлиб ишлашини билмаган ёки ўзи ишлайдиган шароит масаласида алданган бўлади;

– жабрланувчи аввалдан фоҳишалик билан шуғулланишга жалб этилишини билиш ёки билмаслигидан қатъи назар, унда мақбул имкониятлар ва танловлар бўлмайди, яъни жабрланувчи: чекланмаган вақт ва тартибсиз жинсий алоқа қилишга мажбур бўлади; маълум бир хона ёки бинодан ташқарига чиқиши тақиқлаб қўйилади; доимо бошқа шахслар назоратида бўлади; ҳаракатланиш ва бошқа шахслар билан мулоқот қилиш эркинлиги чекланган бўлади;

– жабрланувчи фоҳишалик билан шуғулланиш ёки фоҳишалик билан шуғулланишни давом эттириш масаласида ўз хоҳишига кўра шахсий қарор қабул қилишда эркин бўлмайди;

– жабрланувчи айрим мижозларга рад жавобини бериш ва айрим турдаги жинсий ҳаракатларга қарши эътироз билдириш масаласида эркин бўлмайди;

– жабрланувчи ишлаб топган пулини бошқа шахсларга беришга мажбур қилинади (даромаднинг асосий қисми айбдорнинг улуши сифатида ушлаб қолинади);

– жабрланувчи ўз даромадларини ўзи тасарруф эта олиши, ҳужжатларини қайтариб олиши ва шуғулланаётган ишини тўхтатиш масаласида қарор қабул қилиши учун аввало қутулиши керак бўлган қарзлари билан боғланган бўлади<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Ниёзова С. С., Фазилов И. Ю. Фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилишга қарши курашнинг жиноят-хуқуқий чоралари: Ўқув қўлланма. — Т., 2011. — Б. 56.

---

Қонун нормасининг мазмунига кўра, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган одам савдоси ЖК 135-моддасининг диспозицияси билан қамраб олинади ва ЖКнинг 168-моддаси (Фирибгарлик) билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди. Бироқ, жабрланувчининг жуда кўп миқдордаги мулки (мулкий ҳуқуқи)ни эгаллашни назарда тутувчи, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган одам савдосини ЖК 168-моддаси учинчи қисмининг «а» банди билан қўшимча квалификация қилиш лозим<sup>1</sup>.

Агар айбдор шахс одамни унинг эвазига ҳақ олинганидан сўнг топшириш шарти билан сотишга ваъда бериб, бироқ азалдан унинг қасди моддий қимматликларни эгаллашга қаратилган ва унда битим шартларини бажариш нияти бўлмаган ҳолларда унинг ҳаракатлари фирибгарлик сифатида (ЖК 168-м.), харидорнинг ҳаракатлари эса, сотиб олиш тариқасидаги одам савдосига суиқасд сифатида ЖК 25-моддасининг иккинчи қисми ва 135-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда етарли касб-хунарга эга бўлмаган ҳолда, ишлаш учун бошқа давлатга чиқиб кетган фуқаролар томонидан чет элда ишлаб иш ҳақини олиб келган бўлса-да, моддий манфаатдор бўлиш мақсадида уни ўша давлатда иш билан таъминлашда ёрдам берган шахсга тўхмат қилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилиш, ўзига нисбатан одам савдоси содир этилганлиги тўғрисида ёлғон хабар бериш ва ёлғон гувоҳлик бериш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Статистик маълумотларнинг таҳлилига кўра, 2010 йил давомида Республикамизда одам савдоси ҳақида жами келиб тушган аризаларнинг 11,4 фоизини шундай мазмундаги аризалар ташкил қилган. Масалан, фуқаро Х. ариза билан мурожаат қилиб, ўз аризасида М. Россия Федерациясининг Перм шаҳрида жойлашган ёғочни қайта ишлаш цехида 2009 йилнинг

октябрь ойидан 2010 йилнинг апрель ойига қадар мажбурий равишда ишлатиб, иш ҳақини бермаганлигини баён қилган. Мазкур ҳолат ўрганилганда, Перм шаҳрида жойлашган ёғочни қайта ишлаш цехи маъмурияти М. ва у билан бирга ишлаган Х.га иш ҳақларини тўлиқ берганлиги, фақатгина иш ҳақидан йўл кира, озиқ-овқат ва ётоқ жойи учун ушлаб қолганлиги маълум бўлган. Натижада, М.нинг ҳаракатларида одам савдосининг таркиби йўқ деб топилган<sup>2</sup>.

Биз ўрганган ЖКнинг 135-моддаси бўйича юритилган жиноят ишлари таҳлилининг кўрсатишича, тергов амалиётида одам савдоси ҳақида ёлғон хабар ва ёлғон гувоҳлик берган ёки тўхмат қилган шахсларни жавобгарликка тортиш масаласида жиддий муаммолар мавжуд, яъни бундай шахслар жавобгарликка тортилмасдан, ариза тасдиқланмаган ҳолларда жиноят иши кўзғатишни рад қилиш ёки жиноят иши кўзғатилганидан сўнг, ҳолат тасдиқланмаса, жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси (Реабилитация учун асослар)га асосан тугатиш билан чекланилмоқда. Натижада, жиноят ишида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи сифатида жалб қилинган шахслар содир этган қилмишда жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли, айбсиз деб топилиб, реабилитация этилмоқда. Моддий манфаатдор бўлиш мақсадида тўхмат қилган, ёлғон хабар ва ёлғон гувоҳлик берган, жиноят иши кўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилишига ва айбсиз шахснинг айбланишига сабабчи бўлганларга нисбатан қонуний чора кўрилмаяпти.

Фикримизча, одам савдоси ҳақидаги ариза тасдиқланмаган ва жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасига асосан тугатилган ҳолларда, одам савдоси ҳақида тўхмат қилган, ёлғон хабар ва ёлғон гувоҳлик берган шахсларни ЖКнинг 139- (Тўхмат), 237- (Ёлғон хабар бериш) ва 238-модда (Ёлғон гувоҳлик бериш)лари билан жавобгарликка тортиш лозим.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2009 йил 24 ноябрь 12-сонли қарорининг 13-банди // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари. — Т., 2009. — Б. 11—12.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармасининг 2010 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси билан кўзғатилган жиноят ишларини тергов қилиш амалиёти юзасидан умумлашмаси.

**ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ  
ДАКТИЛОСКОПИЧЕСКИХ УЧЕТОВ  
(МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ)**

Успех борьбы с преступностью в значительной степени определяется умелым применением различных видов криминалистических учетов. Криминалистические учеты самостоятельно либо в комбинации с другими учетами содействуют раскрытию и расследованию преступлений. Регистрируемые данные помогают индивидуализации расследуемого преступления и личности человека, установлению связей между материальными и идеальными следами преступления.

Анализ зарубежной литературы показывает, что проблема эффективного использования криминалистических учетов занимает одно из ведущих мест как одна из действенных мер в борьбе с преступностью. Ю.М.Самойлов отмечает, «большую помощь в планировании и организации работы по разоблачению участников преступного сообщества могут оказать различного рода учеты, ведущиеся в органах внутренних дел»<sup>1</sup>.

Важное значение при использовании криминалистических учетов в борьбе с преступностью имеют вопросы обмена данными на международном уровне. Так, международная организация Интерпол, начиная с 1966 г., уделяет большое внимание проблеме дактилоскопических обменов, в связи с чем был создан Постоянный Комитет по идентификации. На генеральных ассамблеях Интерпола был принят ряд резолюций, рекомендующих странам-членам использо-

вать при осмотре жертв аварий, катастроф и т.д. разработанные для фиксации результатов осмотра специальные DVI (Disaster Victim Identification) формы<sup>2</sup>.

Следует отметить, что информационное взаимодействие в области дактилоскопического обмена, на наш взгляд, может осложняться рядом причин:

1) из-за неравномерности научно-технического и экономического потенциала, которым располагает та или иная страна, неодинаково ведутся работы по автоматизации экспертной и информационной деятельности, в том числе дактилоскопических учетов;

2) различен уровень правовой обеспеченности деятельности криминалистических служб, оснований для постановки на учет и проверки объекта криминалистических учетов. Например, в Российской Федерации основанием постановки объекта на экспертно-криминалистический учет, а также проверки объекта по криминалистическому учету является наличие рапорта сотрудника оперативного подразделения, утвержденного его руководителем, или поручение следователя (дознателя) либо иного лица, уполномоченного осуществлять розыскные меры по делу<sup>3</sup>;

3) различие систем судебно-экспертных учреждений отдельных стран. Например, система судебно-экспертных учреждений США существенно отличается от системы

\* Старший преподаватель кафедры специальных дисциплин факультета повышения квалификации офицеров ОВД Академии МВД Республики Узбекистан.

<sup>1</sup> Настольная книга следователя. Расследование особо тяжких преступлений против общественной безопасности (бандитизм, организация преступного сообщества, организация незаконных вооруженных формирований): Научно-методическое пособие / Под ред. канд. юрид. наук А.И. Дворкина. — М., 2006. — С.454.

<sup>2</sup> См.: Информационный сборник Национального Центрального бюро Интерпола в Российской Федерации. 1997. — №22.

<sup>3</sup> См.: Попрядухина Г.П. Криминалистическая регистрация в ОВД // Наука и практика. — 2011. — № 2 (47). — С.90—92.



судебно-экспертных учреждений многих стран тем, что в США отсутствует многоступенчатая вертикаль судебно-экспертных учреждений полиции и системы Министерства юстиции. Судебно-экспертная деятельность в США осуществляется государственными и негосударственными судебно-экспертными учреждениями<sup>1</sup>;

4) использование в биометрических паспортах различных стран двухпальцевой или десятипальцевой регистрации<sup>2</sup>.

В связи с этим следует рассмотреть возможные пути совершенствования международного обмена дактилоскопической информацией.

1. *Автоматизация дактилоскопических учетов в странах - участницах Интерпола.* Необходима разработка универсальных конверторов, позволяющих приводить различные бланки дактилоскопических учетов к единому международному образцу, унифицированных международных технологических стандартов электронного обмена, конвертации, передачи данных. Так, первый международный симпозиум по дактилоскопии, состоявшийся в Лионе в 1995 г., признал приоритетным направлением автоматизацию дактилоскопических обменов между странами - членами Интерпола.

«Неоценимую помощь правоохранительным органам в раскрытии преступлений и создании надежной доказательной базы оказывают автоматизированные дактилоскопические информационные системы. В мире создано более десятка реально функционирующих автоматизированных дактилоскопических информационных систем (АДИС), имеющих международное признание»<sup>3</sup>. Однако не все они могут устойчиво эксплуатироваться со значительными объемами информации. Наиболее перспективными следует признать системы, обладающие так называемым алгоритмом «гребневого счета», который

значительно повышает эксплуатационные характеристики системы. К таким системам следует отнести: НЕС (Япония), PRIN-TRAK (США) и др.

2. *Развитие электронных средств передачи дактилоскопической информации.* В настоящий момент лишь пять стран - членов Интерпола (Китай, Швеция, Швейцария, Финляндия, Россия) официально объявили о готовности передавать дактилоскопическую информацию по электронным каналам связи. Объем таких передач не велик, однако есть все основания ожидать его увеличения. Ясно одно, что потребность в обменах дактилоскопической информацией будет возрастать день ото дня. При этом возникают отдельные проблемы, в частности, остро стоит проблема компрессии дактилоскопической информации. Рекомендуемый в настоящее время общепотребимый TIFF-формат трудно считать удовлетворительным, ибо он осуществляет компрессию по всему полю изображения с единым коэффициентом сжатия, что невыгодно для дактилоскопической карты, имеющей различные по плотности и типу информации зоны (текст, графическое изображение). Хотя структура формата гибкая и позволяет сохранять изображения в режиме цветов с палитрой, а также в различных цветовых пространствах. Хотелось бы отметить, что формат TIFF позволяет хранить изображения, сжатые по стандарту JPEG<sup>4</sup>.

3. *Настоятельная потребность в выработке более конкретных международных рекомендаций к качеству передаваемой дактилоскопической информации:*

- геометрическим искажениям;
- искажениям масштаба;
- требования к информативным зонам и т. п.

Без этого сторона, отправляющая дактилокарту, рискует получить её обратно с резолюцией о неудовлетворительном качестве.

<sup>1</sup> См.: Хазиев Ш.Н. О системе судебно-экспертных учреждений США // Судебная экспертиза за рубежом. — 2010. — №1 (17). — С.242.

<sup>2</sup> См.: Биометрический паспорт: обоснованный выбор и внедрение //ТДЮИ ахборотномаси. — 2010. — № 4. — С. 37—40.

<sup>3</sup> Югай Л. Использование возможностей автоматизированных дактилоскопических идентификационных систем в деятельности правоохранительных органов // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. — 2010. — № 3. — С. 87-90.

<sup>4</sup> <http://ru.wikipedia.org/wiki/TIFF>.

---

Признано, что требования к качеству дактилоскопической информации, поступающей в ИЦ, достаточно высокие, в технологическом цикле предусмотрен входной контроль качества.

4. *Развитие и унификация международных средств закрытия информации при её передаче.* Неудовлетворительным следует признать положение дел, когда информация, имеющая ограниченный круг пользователей, передается по коммерческим каналам связи без её закрытия. Следует акцентировать внимание на этапах поиска информации по базе данных и её идентификации, как отдельных, или, по крайней мере, функционально разделенных информационных задач. Поиск по базе данных в первом приближении можно отнести к начальному этапу идентификации, на котором из значительного объема базы данных оператору выдается компактный рекомендательный список. Лишь после этого возможно говорить о процессе идентификации.

Как отмечалось выше, значительное число стран уже имеет на вооружении ряд АДИС. В связи с этим, Европейской рабочей группой по стандартизации форм дактилоскопических отпечатков пальцев и сопроводительной информации была разработана дактилоскопическая карта международного образца, предназначенная для унификации формы дактилоскопического обмена с целью автоматизации передачи и хранения дактилоскопической информации. Поэтому в настоящий момент актуализируется вопрос рассмотрения целесообразности перевода технологии ведения дактилоскопических учетов на рекомендуемую Интерполом форму. При этом передачу дактилоскопических карт зарубежным партнерам предполагается производить с использованием специализированных конверторов, осуществляющих перевод отечественной дактилоскопической карты в международный формат. Следует согласиться с А.В. Худяковым<sup>1</sup>, который отмечал, что существующие системы

признаков определения руки и пальцев и локализации участков необходимо дополнить другими признаками, например, для образования группы следов в результате одного следового контакта. Одним из таких признаков, по мнению автора, является линейная характеристика расстояния между контурными линиями двух смежных следов. Внедрение в экспертную практику вышеуказанной методики в определенной степени обеспечит соблюдение принципа достоверности доказательств и предупредит отдельные ошибки экспертов.

Дактилоскопические учеты ИЦ — огромный информационный массив, поэтому зачастую обработка дактилоскопической информации становится довольно трудоемким, малопроизводительным процессом. В настоящее время во многих странах мира (например, в России, США, Франции, ФРГ, Японии и др.)<sup>2</sup> ведутся многочисленные разработки программно-технических комплексов автоматизированных дактилоскопических информационных систем на базе серийных ПЭВМ и устройств ввода изображения типа «сканер». Большинство из них предназначено для обработки массивов дактилокарт в картотеках, представляют собой автоматизированные рабочие места экспертов-дактилоскопистов.

В заключение отметим, что порядок собирания сведений об объектах, подлежащих учету, основания и способы их регистрации, формы и правила хранения регистрационных материалов, методы систематизации сведений и порядок пользования ими должны регламентироваться правовыми подзаконными актами, ведомственными приказами, инструкциями, наставлениями. Несмотря на множественность проблем совершенствования международных дактилоскопических обменов, дактилоскопические информационные системы являются одним из самых эффективных средств борьбы с преступностью.

---

<sup>1</sup> См.: Худяков А.В. О возможности идентификации личности по совокупности признаков, выявленных в двух и более следах папиллярных узоров // *Хуқуқ-Право-Law*. — 2000. — №4. — С.40-43.

<sup>2</sup> Впервые данные материалы появились в буклетах «Информационные материалы выставки «Применение компьютерных систем и новой информационной технологии в правоохранительной деятельности» (г. Москва, 1998).

## ТАЛОНЧИЛИКНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА КЕЙИНГИ ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Талончиликларни тергов қилишда гувоҳларни аниқлаш ва уларни сўроқ қилишнинг аҳамияти муҳим. Бундай гувоҳлар сирасига содир этилган жиноят ҳолатлари (жиноятчи ёки жабрланувчини тажовуз қилингунга қадар кўрган, шовқин-сурон, бақир-чақирларини эшитган ва ҳоказо) ҳақида бирор-бир маълумот бериши мумкин бўлган; гумон қилинувчи ўз алибиси (айбланувчининг жиноят содир бўлган пайтда бошқа жойда бўлганлиги – унинг айбдор эмаслигига далил)ни тасдиқлаш учун гувоҳ сифатида кўрсатадиган; гумон қилинувчи талончилик ёки босқинчилик натижасида қўлга киритилган ашёни совға қилган ёки сотган; унинг ушлаб турилишида иштирок этган; гумон қилинувчи ёки жабрланувчини тавсифлаб берувчи шахслар киради.

Гумон қилинувчининг қариндошлари ва яқинларини сўроқ қилиш бирмунча қийинчилик туғдиради. Бундай шахслар бўлган гувоҳлар, кўпинча, жиноятчининг жавобгарликдан қутулиб қолишига ёки айбини енгиллаштиришга ёрдам беришига умид қилиб, била туриб ёлғон кўрсатувлар берадилар. Терговчи, энг аввало, гувоҳни унинг бундай уринишлари ҳеч қандай самара бермаслигига, агар гувоҳ содир этилган жиноят ҳақидаги ҳақиқатни айтиб берса, пировард натижада гумон қилинувчи учун яхши бўлишига ишонтириши зарур.

Бундан ташқари, гувоҳга агар у ёлғон гувоҳлик бериб, ноинсофлик қилса, жинойий жавобгарликка тортилиши мумкинлигини тушунтириши лозим. Кўпинча сўроқ қилиш жараёнида бундай гувоҳларга иш бўйича тўпланган бошқа далилларни кўрсатишга тўғри келади. Ноинсоф гувоҳга гумон қилинувчининг у ёки бу саволга қандай кўрсатув берганлигининг барча тафсилотларини

билмаслигига асосланган тактик комбинацияни қўллаш ҳам яхши натижа беради. Улар кўрсатувларида йўл қўйиши мумкин бўлган қарама-қаршиликларни фаол, хужумкор сўроқ қилишнинг усулларида оқилона фойдаланиб, терговчи гувоҳнинг ҳақиқатни айтишига эришишнинг тўлиқ имкониятига эга бўлади.

Терговчининг гумон қилинувчи (айбланувчи)ни сўроқ қилиш тактикаси далиллар ва иш бўйича юзага келган аниқ вазиятларнинг мавжудлигига боғлиқдир. Одатда, сўроқ қилиш содир этилган жиноятга оид барча маълумотларни айтиб беришни таклиф қилишдан бошланади, зарурат туғилган ҳолларда эса, мавжуд бўлган далиллар кўрсатилади. Низоли вазиятларда гумон қилинувчини сўроқ қилишнинг бир қатор тактик усуллари қўлланилади. Барча тактик усуллар икки хил: сўроқ қилинаётган шахсга руҳий ва мантиқий таъсир ўтказиш орқали амалга оширилади.

Тактик усулларнинг *биринчи гуруҳига* қуйидагиларни киритиш мумкин: сўроқ қилинаётган шахсга Жиноят кодексининг жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар тўғрисидаги қоидаларини тушунтириш; терговчининг гумон қилинувчи (айбланувчи) шахснинг ижобий хусусиятларига эътибор қаратиши; унда терговчининг жинойий ҳодиса, алоҳида эпизодлар ёки иштирокчилар тўғрисида хабардорлиги даражаси ҳақида орттирилган тасаввурни ҳосил қилиш; сўроқ қилинувчига қутилмаган саволлар бериш ва бунинг унга қандай таъсир этаётганини кузатиш; гумон қилинувчининг жиноят иштирокчиларидан биронтасини ёқтирмаслиги ҳолатидан фойдаланиш ва ҳоказо.

Тактик усулларнинг *иккинчи гуруҳига* қуйидагилар киради: жиноятчининг жиноятни содир этгунга қадар, жиноят содир этилаётган

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ички ишлар идоралари офицерлари малакасини ошириш факультетининг ўқитувчиси.

пайтдаги ва гумон қилинувчининг жиноят содир этилганидан кейинги ҳаракатларининг тафсилотлари аниқланадиган кўрсатувларини батафсил текшириш; гумон қилинувчининг кўрсатувларидаги қарама-қарши маълумотларни мантиқий таҳлил қилиш; сўроқ қилинувчи ва жиноятнинг бошқа иштирокчилари кўрсатувларидаги зиддиятлардан эса кейингисининг кўрсатувлари билан қисман ёки тўлиғича таништириш орқали фойдаланиш; терговчининг ихтиёридаги далилларни кўрсатиш ва бошқ.

Тактик усулларнинг ҳар икки гуруҳини самарали қўллашда далил сифатида хизмат қиладиган ва тушунишга ёрдам берадиган маълумотлардан моҳирлик билан фойдаланиш баъзан ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Талончиликда гумон қилинувчи ушланган ва сўроқ қилинган заҳоти унинг хонадонида тинтув ўтказилиши зарур<sup>1</sup>. Бунда қуйидагилар қидириб топилади: қурол-яроғ; талончилик ёки босқинчилик натижасида қўлга киритилган ашёлар ва уларга тегишли буюмлар; ниқоблаш воситалари ва уларни тайёрлаш учун материаллар (ниқоб, кўз ўрни кесилган пайпоқ (чулки)лар); жиноят содир этилган пайтда гумон қилинувчи ёки унинг шериклари кийган кийимлар (ушбу кийимларда гумон қилинувчига қарши қўшимча далил сифатида хизмат қилиши мумкин бўлган шикастланишлар, яқинда бажарилган таъмирлаш аломатлари, ифлосланишлар ва бошқа излар сақланиб қолган бўлиши мумкин); жабрланувчининг ҳужжатлари; талон-тарож қилинган мулк ҳужжатлари (паспортлари, нарса-буюмларнинг комиссия (воситачи) дўконлар, ломбардлар, сотиб олувчи пунктларга топширилганлиги тўғрисидаги квитанциялар, юкларнинг сақлаш камераларига топширилганлиги тўғрисидаги квитанция, жетонлар ва ҳоказо); гумон қилинувчиларнинг алоқаларини аниқлаш имконини берувчи уяли телефон, хатлар, ёзув дафтарчаси, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатлар.

Криминалистикага оид адабиётларда таъкидланганидек, тинтув чоғида фақат

тергов қилинаётган жиноятга алоқадор ашёларни қидириб топиш ва олиб қўйиш билан чегараланиш хато бўур эди. Талончиликни содир этишда гумон қилинаётган шахснинг хонадонида илгари содир этган жиноятлари чоғида талон-тарож қилинган предметлар ҳам яширилган бўлиши мумкин. Шунинг учун тинтув ўтказилаётган шахсга тегишлилиги шубҳа уйғотадиган ҳар бир нарсани пухталиқ ва синчковлик билан кўздан кечириш, зарурат туғилган ҳоларда олиб қўйиш лозим. Масалан, бўйдоқ бўлган гумон қилинувчининг хонадонидаги аёллар кийими ёки аёллар тақинчоғи; кўп миқдордаги уяли телефонлар ёки сумкалар; ўзгалар монограммаси ёки илгари худди шундай монограмма мавжуд бўлганлигини кўрсатувчи излари бўлган портсигар ёки портфель; бир одамда мавжуд бўлган бир неча бир хилдаги соатлар; тинтув ўтказилаётган шахснинг нарса-буюмлари ўлчовига мос келмайдиган кийим-кечаклар; ўзгалар белгиси қолган ич кийимлар ва ҳоказо. Барча ушбу ашёларни кўздан кечирганда, шуни назарда тутиш жоизки, кўпинча жиноятчилар талон-тарож қилинган ашёларнинг жабрланувчилар таниб олиши мумкин бўлган дастлабки кўринишини ўзгартирадиган ёки улардаги мавжуд индивидуал аломатларни йўқ қилиш чораларини кўрадиган.

Масалан, автомобиль ҳайдовчисига нисбатан талончилик содир этганлиги учун ушлаб турилган гумон қилинувчи Алимовнинг хонасини тинтув қилиш чоғида аёллар плашчи, шунингдек фойдаланилган кўп миқдордаги уяли телефонлар ва барсеткалар топилган. Бундан ташқари, гумон қилинувчидан «Вазгенга туғилган кунида ота-онасидан», деган ёзув ўйиб битилган тилла соат олиб қўйилган. Тинтув ўтказган ички ишлар идоралари ходимлари белгиларига қараганда, плашч Алимов қўлга олинмасдан икки кун олдин аёлдан талончилик йўли билан тортиб олинган, илгари фойдаланилган кўп миқдордаги уяли телефонлар ва барсеткалар эса эҳтимол бошқа талончиликлар ва босқинчиликлар натижасида талон-тарож қилинган,

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2010. – 161-м.

деган хулосага келдилар. Кейинги тергов жараёнида ушбу тахминлар тўлиқ тасдиқланди.

Алимовнинг ота-онаси айрим тонишлардан сўнг, ўғлига ҳеч қачон тилла соат совға қилишмаганини тан олишга мажбур бўлди. Тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш орқали Алимовдан олиб қўйилган соатни у фуқаро Саркисянга тажовуз қилиш натижасида эгаллаб олганлиги аниқланди. Талон-тарож қилинган соатни таниб олиш қийин бўлиши учун у соатнинг тасмасини сариқ металлдан қилинган браслет билан алмаштирган. Бироқ жабрланувчи ўз соатини таниб олган ва унинг паспортини кўрсатган. Шундан сўнг Алимов содир этилган талончилигини тан олган. Оқилона ўтказилган тинтув натижасида оғир жиноятни очишга эришилган.

Одамларни таниб олиш учун кўрсатиш талончиликларни тергов қилишнинг кейинги босқичларида кенг амалга оширилади. Ушбу тергов ҳаракати жабрланувчи ёки шохидлар гумон қилинувчини таниб олиши мумкин бўлган барча ҳолатларда ўтказилади<sup>1</sup>. Гумон қилинувчини таниб олиш, кўпинча, ташқи кўринишнинг айрим аломатлари ва бутун қиёфаси (кўриниши) бўйича ўтказилади. Айрим ҳолларда жиноятчилар улардаги динамик хусусиятлари: овози, қадам босиши, нутқидаги ўзига хос жиҳатларга кўра таниб олиниши мумкин. Гумон қилинувчини таниб олиш учун кўрсатиш жараёнида адабиётларда баён қилинган тактик усуллардан ташқари, тергов амалиётида ишлаб чиқилган усуллардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Уларга қуйидагилар киради:

1) жабрланувчи ёки шохиднинг хотирасида бўлиб ўтган ҳодисанинг барча ҳолатларини «қайта жонлантириш» мақсадида, уларнинг илгари ўзлари берган кўрсатувлари билан олдиндан таништириш. Буни, айниқса, жиноят содир этилган пайтдан ушбу тергов ҳаракатини ўтказгунга қадар анча вақт ўтган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқдир;

2) гумон қилинувчининг жабрланувчига нисбатан руҳий таъсир ўтказишини уларнинг назоратсиз мулоқотга киришиш имкониятини

бартараф этиш орқали истисно қилиш. Ушбу тактик усулни таниб олувчи ўзига ишонмаган, жиноятчидан кўрқшини ҳис қилган, ҳадиксираган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқдир;

3) ушбу тергов ҳаракатини амалга оширишда таниб олинувчининг акс таъсири ва хатти-ҳаракатларини кузатиш учун тезкор ходимни ёки профилактика инспекторини, шунингдек таниб олиш жараёни ва натижаларини қайд қилишга кўмаклашиш учун мутахассис-криминалистни жалб қилиш.

Ушбу тергов ҳаракатининг кенг тарқалган турлари: талон-тарож қилинган мулкни, жиноятчи фойдаланган ва ундан олиб қўйилган ўқотар ёки совуқ қуроллар, шунингдек жиноятнинг бошқа қуролларини таниб олиш учун кўрсатиш ҳисобланади. Таниб олишнинг ушбу тури худди бошқа тоифадаги жиноят ишларидаги каби тартибда ўтказилади.

Хонадон талончиликлари ва босқинчиликларни тергов қилишда жиноят содир этилган турар жой хонасини таниб олиш учун кўрсатиш таниб олишнинг ўзига хос тури ҳисобланади. Ушбу тергов ҳаракати, агар жабрланувчи ўз турар жойида эмас, балки жиноятчи томонидан ўз уйига ёки танишларининг уйига таклиф қилиниб, талон-тарож қилинган ҳолларда анча самаралидир.

Бундан ташқари, таниб олувчи илгари содир этилган ва очилмай қолган худди шундай жиноятларнинг қурбонлари бўлган, ушбу жиноят иши бўйича гумон қилинувчилардан бирининг белгиларига мос келган жиноятчиларнинг белгиларини айтиб берган шахслар ҳам бўлиши мумкин. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, агар жиноят содир этилган пайтдан анча вақт ўтган бўлса, таниб олинувчининг ташқи кўринишидаги айрим белгилар ўзгариши (у соч турмаги (тараша, фарқ очиши)ни ўзгартирган, соқол қўйган ёки қириб ташлаган), бошқа кийимда бўлиши мумкин. Терговчи ушбу ҳолатларни ҳисобга олиши ва таниб олиш учун кўрсатишнинг холислигини таъминлаши лозим.

Кўпинча, жабрланувчи атроф қоронғи бўлганлиги, қутилмаганда, тўсатдан тажовуз

<sup>1</sup> Ўша манба – 127-м.

---

қилинганлиги ёки бошқа сабабларга кўра, тажовуз қилувчининг ташқи кўринишини аниқ кўра олмайди ёки эслаб қололмайди, бироқ унинг динамик аломатлари (одатда, овози ва нутқи, қадам босиши)нинг айрим жиҳатларини эслаб қолади. Бундай ҳолатларда, таниб олишни криминалистикада ишлаб чиқилган тавсияларга амал қилган ҳолда, динамик аломатлар бўйича ўтказиш лозим.

Ашёларни таниб олиш учун кўрсатиш чоғида таниб олувчи сифатида, одатда, ашёларнинг эгаси – у тортиб олинган жабрланувчи майдонга чиқади. Бироқ, баъзан, агар гувоҳлар, жумладан, гумон қилинувчининг қариндошлари ушбу предметлар ўзига танишлигини ва жиноий йўл билан қўлга киритилмаганлигини тасдиқлашса, уларга ҳам кўрсатилиши мумкин. Масалан, талончиликда гумон қилинувчилардан бирининг онаси унинг ўғлидан топилган ноутбук марҳум эри томонидан тахминан 5 ой олдин сотиб олинган ва уларнинг уйида турганлигини тасдиқлаган. Бироқ у ушбу ноутбукни таниб ололмаган ва унинг ҳужжатларини кўрсата олмаган, шундан сўнг сохта кўрсатув берганлигини тан олишга мажбур бўлган.

Талончиликларни тергов қилишда, кўпинча, жабрланувчи ёки гувоҳлар ва гумон қилинувчи, шунингдек (агар жиноят гуруҳ бўлиб содир этилган бўлса) иккала гумон қилинувчи ўртасида юзлаштириш ўтказилади<sup>1</sup>. Бироқ ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, маълум эҳтиёткорликка риоя қилиш лозим. Гумон қилинувчи юзлаштириш жараёнида гувоҳга, айрим ҳолларда эса жабрланувчига ҳам салбий руҳий таъсир ўтказиши, уларни кўрқитиши ва улар томонидан берилган илгариги ҳақиқий кўрсатувларни ўзгартиришга мажбур қилиши мумкин. Гумон қилинувчилар ўртасида юзлаштиришда эса, жиноятчилар кўпинча, ундан терговдаги хатти-ҳаракатлар, бир хилда кўрсатувлар бериш бўйича келишиб олишга, бирор-бир янгиликни алмашишга уриниш учун фойдаланиши мумкин.

Шунинг учун ҳам юзлаштиришга ҳақиқатан ҳам зарурат туғилган ҳолларда ва фақат

терговчи сўроқ қилиш пайтида ҳақиқатни айтган жабрланувчи ёки гувоҳ ўз кўрсатувларини тасдиқлашига, гумон қилинувчи эса ундан терговга халақит беришга фойдаланмаслигига ишонган чоғда мурожаат қилиши, уни қўллаши мумкин.

Ҳодиса жойида кўрсатувларни текшириш – жуда мураккаб ва сермашаққат амалий ҳаракатдир, шунинг учун унга аниқса пухта тайёргарлик кўриш керак. Ушбу тергов ҳаракатига тайёргарлик кўриш қуйидагилардан иборат:

- жиноят жойига чиқадиган шахсни сўроқ қилиш;

- жиноят жойига чиқиш вақтини белгилаш;

- ҳаракатланиш бошланадиган ва охириги нуқтани, шунингдек ушбу тергов ҳаракатининг таянч нуқтасини аниқлаш;

- таркибига терговчи ва тезкор ходимлардан ташқари, мутахассис-криминалист, шунингдек, агар айбланувчи қамоқда сақланаётган бўлса, таркибига конвойни киритиш мақсадга мувофиқ бўлган гуруҳни жамлаш;

- холисларни танлаш, таклиф қилиш ва йўриқнома ўтказиш;

- тергов ҳаракатларининг бориши ва натижаларини қайд этадиган техника воситаларини тайёрлаш.

Тайёргарлик кўриш жараёнида, терговчи ҳодиса жойига чиқишга розилик берган айбланувчи иш манфаатларига зид келадиган ўз мақсадига эга бўлиши мумкинлигини ёдда тутиши лозим. Кенг тарқалган салбий мақсадлар қуйидагилар бўлиши мумкин: терговни чўзиш ва уни янглиш томонга йўналтириш; озодликда бўлган иштирокчилар ва бошқа манфаатдор шахслар билан алоқа ўрнатиш, уларга муайян маълумотларни етказиш; қочишни содир этиш.

Терговчи ҳодиса жойига чиқишни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилар экан гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг юз бериши мумкин бўлган барча хатти-ҳаракатларини назарда тутиши, юқори даражада ҳушёр бўлиши лозим. Агар талончилик бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган ва барча иштирокчилар ушланмаган бўлса, унда айрим ҳолларда

---

<sup>1</sup> Ўша манба. – 122–123-м.

---

---

жиноий гуруҳнинг барча аъзолари ушланма-гунга қадар иложи борича аниқланган гумон қилинувчи (айбланувчи)ларнинг кўрсатувларини текширишга шошилмаслик керак.

Ушбу тергов ҳаракатининг самарали усули тергов-тезкор гуруҳи аъзоларининг йўл-йўриғисиз, мустақил равишда ҳаракат йўналишини танлаш ҳуқуқи берилган текширилувчи шахсга етарли даражада, бироқ назорат қилинадиган ташаббуснинг берилишидир. Кўрсатувни ҳодиса жойида текширишнинг бошқа тактик усули эса кўрсатувни текширилувчининг ҳикояси билан мажбурий равишда қўшиш ҳисобланади (турар жойга қандай кирган, ашёларни қаердан талон-тарож қилган ва ҳоказо)<sup>1</sup>. Агар жиноий жавобгарликка бир неча иштирокчи жалб қилинган бўлса, улардан ҳар бири билан ҳодиса жойига алоҳида чиқиш ўтказилиши лозим.

Талончиликлар тўғрисидаги ишлар бўйича экспертизалар — суд-тиббий, ашёвий далилларнинг суд-тиббий, шунингдек криминалистик экспертизаларини ўтказиш катта аҳамият касб этади.

Суд-тиббий экспертизаси жабрланувчига (камроқ ҳолларда жабрланувчи билан олишган жиноятчига) етказилган тан жароҳатининг мавжудлиги, хусусияти ва оғирлик даражасини аниқлаш учун тайинланади. Мазкур мажбурий саволлардан ташқари, эксперт олдиға: жиноятчининг қайси ҳаракатлар орқали жароҳат етказилган (масалан, жабрланувчининг бўйнидаги занжирни юлиб олишда) ва улар муайян қурол воситасида етказилганми; жароҳат қачон етказилган; жароҳат етказилган пайтда ушбу шахс қандай ҳолатда бўлган; ушбу жароҳатни жабрланувчи ўзига ўзи етказмаганми, агар ўзи етказган бўлса, уни етказиш механизми қандай бўлган каби терговчига ҳодисанинг умумий манзарасини гавдалантиришда ёрдам берадиган саволлар ҳам қўйилади.

Зарур ҳолларда, суд-тиббий экспертизасида тан жароҳатининг оғирлик даражаси ёки жабрланувчининг меҳнат лаёқатини йўқотганлик даражаси аниқланади.

Далилий ашёларнинг суд-тиббий экспертизаси инсон организмидан чиққан ажратмалар ва уларнинг турли нарсалардаги излари (масалан, кийимлардаги ва жиноят қуролларидаги қон, сигарет қолдиқларида қотиб қолган сўлаклар)ни тадқиқ этиш учун қўлланади. Эксперт ушбу модданинг қон ёки қон эмаслиги ҳақидаги, агар қон бўлса, одам қоними ёки ҳайвонники, қайси гуруҳга мансублиги ва қоннинг бошқа ўзига хос хусусиятлари, қайси жинсдаги шахсга тегишлилиги, у ёки бу изнинг қачон ҳосил бўлганлиги ва бошқа саволларга жавоб бериши мумкин.

Криминалистик экспертизаларда талончилик тўғрисидаги ишлар бўйича трасологик ҳамда қурол ва уни қўллаш излари экспертизаси кўпроқ ўтказилади. Масалан, трасологик экспертиза ёрдамида жиноят қуроли ва бошқа объектлардаги бармоқ излари муайян шахс томонидан қолдирилганлигини аниқлаш; пойафзал, транспорт воситаси ёки бузиш қуролининг ҳодиса жойида топилган излар бўйича идентификация қилиш; бирор-бир объектни унинг қисмлари бўйича идентификация қилиш мумкин (кийимнинг бир парчаси, тугма синиғи, ўрам бўлаги бундай қисмлар ҳисобланади).

Баъзан талончиликларни тергов қилишда гумон қилинувчининг пойафзали ёки кийимидан олинган тупроқ зарралари билан ҳодиса жойидаги тупроқнинг бир хиллигини аниқлаш учун тупроқшунослик экспертизаси, шунингдек микрозарралар экспертизаси тайинланади.

Хулоса қилиб айтганда, талончиликларни тергов қилишда гувоҳларни аниқлаш, гумон қилинувчи (айбланувчи) ва унинг қариндошлари ҳамда яқинларини сўроқ қилиш, юзлаштириш, тинтув ўтказиш, кўздан кечириш ва зарурат туғилганда олиб қўйиш, таниб олиш учун кўрсатиш, ҳодиса жойида кўрсатувларни текшириш, шунингдек турли экспертизаларни тайинлаш каби қатор тергов ҳаракатлари амалга ошириладигани, уларнинг оқилона ва моҳирлик билан ўтказилиши жиноятларнинг ўз вақтида, самарали очилишига хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўша манба. – 132–133-м.

## ИЖТИМОЙ ХАВФЛИ ҚИЛМИШ СОДИР ЭТГАН ШАХСНИ УШЛАШ ВАҚТИДА ЗАРАР ЕТКАЗИШ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Жиноят ҳуқуқи назариясида қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолат сифатида кўрсатиб ўтилган ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш жиноят-процессуал тартибда ушлаш чорасининг бир шакли ҳисобланади. Ушбу чора ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг ушланишдан бўйин товлаганида, уни ушлашнинг сўнгги зарурий чораси сифатида қўлланилади. Жиноят қонунига биноан, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш, таъкидлаганимиздек, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлардан бири ҳисобланса-да, аммо амалдаги қонунда «ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш» тушунчасида барча белгилари батафсил баён этилмаган. Жумладан, жиноят қонунчилигида белгиланган ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш билан боғлиқ нормани амалда қўллаш жараёнида қуйидаги муаммолар мавжудлигини келтириш мумкин: *Биринчидан*, жиноят қонунда ифодаланган, «ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс» тушунчаси ва белгилари кенг тарзда ифода-лаб берилмаган; *иккинчидан*, қонунчилиги-мизда қандай асослар мавжуд бўлганида шахсга зарар етказиб ушлаш зарурати юзага келиши аниқ белгилаб берилмаган; *учинчидан*, қандай қилмишлар юзасидан шахсга зарар етказиб ушлаш тақиқланиши жиноят қонунда

аниқ кўрсатилмаган; *тўртинчидан*, зарар етказиб ушлашнинг мақсади тўлиқ баён этилган деб бўлмайди; *бешинчидан*, ушлаш вақтида етказиладиган зарар (жисмоний, мулкӣ, руҳӣ)нинг турлари батафсил ёрилмаган; *олтинчидан*, ушбу ҳуқуқий чоранинг бошқа ўхшаш бўлган ҳуқуқий чоралардан фарқлаш айрим ҳолларда муаммолигича қолиб келмоқда; *еттинчидан*, қонунда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида етказилган зарарнинг ҳуқуқий-лигини баҳолашда инобатга олинмаган барча белгилар кўрсатиб ўтилмаган<sup>1</sup>, саккизинчидан, қонунчиликда ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданига қасддан оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш ҳолатлари қандай ҳолларда жиноий жавобгарликни келтириб чиқариши билан боғлиқ белгилар батафсил баён этилмаган. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг аниқ таърифини бериш ушбу чоранинг моҳиятини аниқлаш, ўхшаш бўлган чоралардан фарқлашда муҳим аҳамият касб этади ва ўз ўрнида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш орқали жиноятчиликка қарши кураш ҳамда қонунийликни таъминлашга хизмат қилади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида доимо қўлланилган қуйидаги белгиларни кўрсатиш мумкин<sup>2</sup>:

*Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг объектив белгилари:* шахсни қонунда жиноят

\* ИИБ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари юридик фанлар цикли бошлигининг ўринбосари.

<sup>1</sup> Бугунги кун амалиётида асосан ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг чегарасини аниқлаш билан боғлиқ муаммолар кўзга ташланади.

<sup>2</sup> Масалан: *Береснев П.А.* Причинение вреда при задержании лица, совершившего общественно опасное деяние: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 2002; *Коробицин И.В.* Причинение вреда при задержании лица, совершившего преступление, как обстоятельство, исключающее преступность деяния: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2002; *Пономарь В.Е.* Причинение вреда при задержании лица, совершившего преступление, как обстоятельство, исключающее преступность деяния: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1999; *Рустамбоев М.Х.* Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т.1. Жиноят тўғрисида таълимот: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т., 2010. – Б. 364–371; *Рабаданов А.С.* Применение уголовно-правовых норм о необходимой обороне и задержании преступников в деятельности органов внутренних дел: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1998; *Якубов А.С., Кабулов Р. ва бошқ.* Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Т., 2004. – Б. 101.



деб назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир этганлиги; шахснинг ушланишдан бўйин товлаганлиги; шахсни ушлаш вақтида зарар етказиб ушлаш заруратини юзага келганлиги ушлаш учун зарур бўлган чоралар чегарасидан четга чиқмаганлиги.

*Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг субъектив белгилари:* шахсни ушлаб ҳокимият органларига топшириш ва жиноий фаолиятига чек қўйиш ҳамда ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқмаслик мақсадининг мавжудлиги.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг айрим мунозарали жиҳатларига тўхталиб ўтиш жоиз. Масалан, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг умумий тушунчасини ишлаб чиққан муаллифлар шахсни қонунда жиноят деб назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир этганлиги белгиси бўлиши зарурлигини таъкидлайдилар. Жумладан, жиноят ҳуқуқи назариясига оид махсус адабиётларда ушбу жиноят-ҳуқуқий чорани «жиноятчини ушлаш»<sup>1</sup>, «жиноятчини ушлаш вақтида зарар етказиш»<sup>2</sup>, «жиноят содир этганни ушлаш»<sup>3</sup>, «жиноят содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш»<sup>4</sup>, «ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш»<sup>5</sup>, «қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш»<sup>6</sup> дея тушунча

бериб ўтганлиги аҳамиятга молик.

Шу ўринда МДХга аъзо давлатлар жиноят қонунчилигида ушбу институтни «Жиноят содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш (Россия Федерацияси ЖК 38-м, Қирғизистон Республикаси ЖК 38-м, Азарбайжан Республикаси ЖК 37-м, Тожикистон Республикаси ЖК 41-м, Армения Республикаси ЖК 43 -м, Беларусь Республикаси ЖК 35-м)», «Жиноят содир этган шахсни ушлаш (Грузия ЖК 29-м.)», «Жиноятчини ушлаш (Молдавия ЖК 37-м.)» дея номлаганликлари шубҳасиз қизиқиш уйғотади. Қозоғистон Республикаси жиноят қонунчилигида, «қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш» дея номланади. Бироқ, ҳам амалий, ҳам назарий, жиҳатдан «жиноят» иборасига қараганда «қилмиш» ибораси ўзининг мазмуни ва ҳажми жиҳатидан кенг тушунча ҳисобланади.

Хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида қўлланилган иборалардан фарқли равишда мамлакатимиз жиноят ҳуқуқи тизимида ушбу чора «ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш» дея номланган. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 14-моддасининг иккинчи қисмида «жиноят қонуни билан қўриқладиган объектларга зарар етказадиган ва шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади»<sup>7</sup>, дея изоҳ берилган.

<sup>1</sup> Баулин Ю.В. Уголовно-правовые проблемы учения об обстоятельствах, исключяющих преступность (общественную опасность и противоправность) деяния: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Харьков, 1991. — С. 22.

<sup>2</sup> Бикмашев В.А. Уголовно-правовые аспекты применения огнестрельного оружия сотрудниками органов внутренних дел: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1997. – С. 23; Рабаданов А.С. Применение уголовно-правовых норм о необходимой обороне и задержании преступников в деятельности органов внутренних дел: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1998. – С. 20.

<sup>3</sup> Иванов В. Задержание при совершении преступления // Законность. – 1992. – № 3. – С. 26-30.

<sup>4</sup> Кадников Н.Г. Обстоятельства, исключяющие преступность деяния: Учебное пособие. – М., 1998. – С.48.; Келина С.Г. Обстоятельства, исключяющие преступность деяния: понятие и виды // Уголовное право. – 1999. – № 3. – С. 43-45; Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации: Издание 2-е, измененное и дополненное / Под общей ред проф. Ю. И. Скуратова и В.М.Лебедева. – М., 1999. – С. 79; Курс уголовного права. Общая часть. Том 1: Учебник для вузов / Под ред. Комиссарова В.С. – М., 2002. – С. 287; Уголовное право. Общая и Особенная части: Учебник для вузов / Под ред. Н.Г. Кадникова. – М., 2006. – С. 266; Иванов А.Б. Институт причинения вреда при задержании лица, совершившего преступление: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1999. – С. 24; Пономарь В.Е. Причинение вреда при задержании лица, совершившего преступление, как обстоятельство, исключяющее преступность деяния. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1999. – С. 19.

<sup>5</sup> Кондрашова О.В. Уголовно-правовая оценка причинения вреда при задержании лица, совершившего общественно опасное посягательство: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Тюмень, 2004. – С.21; Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Масъул муҳаррир Н. Тойчиев. – Т., 2010. – Б. 206; Якубов А.С., Кабулов Р. ва бошқ. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. –Т., 2005. – Б. 102.

<sup>6</sup> Турецкий Н.Н. Теоретические проблемы обстоятельств, исключяющих преступность деяния, по уголовному законодательству Республики Казахстан. Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – СПб, 2005. – С. 34.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: Расмий нашр. – Т., 2010. – 14-м.

«Ижтимоий хавфли қилмиш» ибораси, «жиноят» иборасига нисбатан кенг тушунча, бироқ кундалик ҳаётда жиноят деб топилмайдиган ижтимоий ҳавфли қилмишлар ҳам мавжуд<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунига киритилмаган ижтимоий хавфли қилмишларнинг хавфлилик даражаси кам аҳамиятли бўлиб, Жиноят кодексида фақат ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражаси юқори бўлган қилмишларгина киритилган<sup>2</sup>.

Олимлар жиноят ҳуқуқи фанининг ютуқлари, суд-тергов амалиёти натижаларида тўпланган кўп йиллик тажриба асосида «ижтимоий хавфли қилмиш»нинг бир қанча умумий тушунчаларини ишлаб чиққанлар ва унинг белгиларини кўрсатиб ўтганлар<sup>3</sup>.

Ижтимоий хавфли қилмишнинг умумий тушунчасига берилган таърифларни таҳлил қилиб, ушбу тарифларда деярли доимо қўлланилган қуйидаги белгиларни кўрсатиш мумкин: *Ижтимоий хавфли қилмишнинг объектив белгилари*: жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектларга зарар етказиш ёки зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарганлиги; ҳуқуққа (қонунга) хилофлик. *Ижтимоий хавфли қилмишнинг субъектив белгилари*: айбнинг қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида содир этилиши мумкин.

Ҳозирги замон криминология фанида «жиноятчи» ва «жиноятчининг шахси» каби атамаларга категория, яъни ҳар бири мустақил тушунчалар сифатида қаралади ва улар гуруҳларга ажратилган. Биринчидан, жиноятчилар дейилганда қилмишни содир этган ақли расо шахслар тушунилади. Иккинчидан, жиноятчилар ўз ҳаракатлари билан жиноят қонунчилигида жиноят тариқасида қайд этилган ижтимоий хавфли қилмишни қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этадилар<sup>4</sup>.

Юқоридагилардан «жиноятчи» ва «жиноят содир этган шахс» тушунчаси ва унинг

белгилари тўғрисида ҳар бир муаллифнинг фикри турлича эканлиги намоён бўлади. Бундан ташқари, «жиноятчи шахси» тушунчаси жиноят содир қилган муайян шахс хусусияти ва белгиларини ифодалайдими ёки жиноят содир этган барча шахсларга хос хусусият ва белгиларни ўзида акс эттирадими, деган саволга ҳам ягона фикр йўқ<sup>5</sup>.

Юқоридаги ҳолатни жиноят ҳуқуқи ва криминология назариясида тадқиқот олиб борган олимларнинг қарашидан ҳам кузатишимиз мумкинки, «жиноятчи» ва «жиноят содир этган шахс» тушунчалари ўртасидаги аниқ фарқли белгилар юзасидан ҳам ягона фикр йўқ. Таъкидлаш жоизки, хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида қўлланилган, «жиноят содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш» иборасининг ишлатилиши, бизнинг назаримизда, бироз мулоҳазали. Сабаби, ижтимоий хавфли қилмиш ақли норасо ёки жиний жавобгарликка тортиш ёшига етмаган шахслар томонидан содир этилганда, уларни «жиноятчи» ёки «жиноят содир этган шахс» деб аташ унчалик ўринли эмас. Ушбу гуруҳга мансуб шахсларни қонунда жиноят деб назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахслар деб аташ мумкин. Сабаби, жиноят қонунига жиноят деб назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишлар киритилган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, жиноятнинг ижтимоий хавфли қилмишдан фарқли равишда тўрт белгиси (ижтимоий хавфлилик, ҳуқуққа хилофлик, айблилик ва жиний жазога сазоворлик)<sup>6</sup> ва тўрт таркибий элементи (объектив ва субъектив белги) жиноят ҳуқуқи назариясида асослаб берилган<sup>7</sup>. Ижтимоий хавфли қилмишда эса жиноятнинг зарурий белгиси сифатида қайд этилган айбдорлик ёки жазога сазоворлик белгиси бўлиши, айрим ҳолларда эса бўлмаслиги ҳам кузатилади.

<sup>1</sup> Якубов А.С., Кабулов Р. ва бошқ. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Т., 2004. – Б. 101.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўша жойда. – Б. 104.

<sup>3</sup> Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Масъул муҳаррир Н. Тойчиев. – Т., 2010. – Б. 206.; Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т.1: Жиноят тўғрисида таълимот: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т., 2010. – Б. 113. Якубов А.С., Кабулов Р. ва бошқ. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Т., 2005. – Б. 102.

<sup>4</sup> Зарипов З.С., Якубов А.С., Аванесов Г.А. ва бошқ. Криминология: Дарслик / проф. З.С. Зарипов таҳрири остида. – Т., 2006. – Б. 84.

<sup>5</sup> Зарипов З.С., Исмоилов И. Криминология: Дарслик / проф. Ф. Абдумажидов таҳрири остида. – Т., 1996. – Б. 89.

<sup>6</sup> Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т.1: Жиноят тўғрисида таълимот: Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т., 2010. – Б. 113.

<sup>7</sup> Усмоналиев М. Жиноят таркиби: Ўқув қўлланма. – Т., 2008. – Б. 128.

Амалиётда жиноят қонунида жиноят сифатида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишларнинг аксарият қисми жиноят субъекти бўла оладиган шахслар томонидан содир этилади, айрим ҳолларда эса, ижтимоий хавфли қилмишлар ақли норасо ёки жиноий жавобгарлик ёшига етмаган шахслар томонидан ҳам содир этилади<sup>1</sup>. Улар содир этадиган ижтимоий хавфли қилмишларининг жамият учун ижтимоий хавф туғдиришини инобатга олган ҳолда, уларни ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахслар деб топиш мумкин. Бироқ, уларнинг содир этган ижтимоий хавфли қилмишида жиноят таркибининг айрим белгилари бўлмаганлиги боис, ушбу гуруҳга мансуб шахслар жиноят содир этган шахс деб топилмайди. Ушбу гуруҳга мансуб шахсларни зарар етказмасдан ушлашнинг ўзга имконияти бўлмаганида, бошқа шахсларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида зарар етказиб ушлашнинг қонунийлик шартлари чегарасидан четга чиқмаган ҳолда, сўнги чора сифатида зарар етказиб ушлаш зарурати туғилади. Бу каби ижтимоий фойдали ҳаракатлар жиноят қонунчилигида қилмишнинг жиноийлигини истисно этишни назарда тутуди. Шу боис жиноят қонунида жиноят сифатида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсларнинг барчаси ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс сифатида эътироф этилади.

Алоҳида эътироф этиш жоизки, жиноят қонунчилигида қўлланилган, «ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс» ибораси кенг жамоатчилик ва жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи шахслар ўртасида қай даражада тушунарли бўлаётганини аниқлаш мақсадида, тадқиқотимиз жараёнида ўтказилган сўровда «ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш» ибораси жиноят қонунчилигимизда тўғри қўлланилганми, деб сўралганида респондентларнинг 85 % Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида ушбу ибора тўғри қўлланилганлигини, қолган 15 фоизи эса бошқа фикрда эканлигини баён қилган.

Юқорида келтирилган таҳлилларга кўра «ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс» ибораси кенг қамровли тушунча бўлиб, шахс

томонидан жиноят қонунида жиноят сифатида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш содир этиб, ушланмаган ёки ушланган (гумон қилинувчи<sup>2</sup>, айбланувчи, қидирув эълон қилинган шахс, судланувчи, маҳкум ёки маҳбус)ларнинг барчасини «ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс» деб аташ мумкин. Хорижий давлатлар жиноят қонунчилигидан фарқли равишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 39-моддасида ифодаланган «ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс» ибораси тўғри ва ўринли ифодаланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 1-бўлимнинг «Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар» деб номланган 7-боби 39-моддасида «ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш» тушунчаси баён этилган. Яъни, «ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида ушлаш вақтида унга зарар етказиш, агар уни ушлаш учун зарур бўлган чораларнинг чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди», дея ифодалаб берилган. Амалдаги жиноят қонунчилигида келтирилган ушбу тушунчада ҳам айрим мулоҳазали ҳолатлар мавжуд. Жумладан, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс «ушланишдан бўйин товлаганда», «уни жиноий фаолиятига чек қўйиш мақсадида», «ушлашнинг бошқа имконияти бўлмаганда», «зарар етказиб ушлаш зарурати юзага келганида» каби асосий белгилар эътибордан четда қолдирилган. Амалиётда бу белгиларнинг бўлиши зарур ҳисобланиб, уларнинг бузилиши ушлаш вақтида зарар етказишнинг қонунийлик шартлари бузилишига сабаб бўлмоқда.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига келтирилган мазкур тушунчани янгича таърифлаб, «ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс ушланишдан бўйин товлаганда, уни ушлаш вақтида ушлашнинг бошқа имконияти бўлмаганида, ҳокимият органларига топшириш ва жиноий фаолиятига чек қўйиш мақсадида зарар етказиб ушлаш, агар бунинг учун зарур чоралар чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди» деган янги мазмундаги тушунчанинг мустаҳкамлаб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

<sup>1</sup> Мирзаяев А.А. Преступления против Республики Узбекистан: уголовно-правовые и криминологические аспекты: Монография. – Т., 2007. – С. 82.

<sup>2</sup> Миренский Б.А., Раҳмонқулов А.Х., Камалходжаев Ж., Қодирова В.В. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процесси: Дарслик. — Т., 2012. – Б. 173.

## СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ РЕАБИЛИТАЦИЯ ВОСПИТАННИКОВ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫХ УЧЕБНО-ВОСПИТАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ: ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ РЕШЕНИЯ

Специализированные учебно-воспитательные колледжи для несовершеннолетних являются учреждениями, осуществляющими обучение, профессиональную подготовку и социально-педагогическую реабилитацию несовершеннолетних, вступивших в конфликт с законом.

Основными задачами специализированных учебно-воспитательных учреждений являются:

воспитание всесторонне развитой, физически и духовно здоровой личности, формирование у детей трудолюбия, чувства патриотизма, ответственности, самостоятельности и стремления к самосовершенствованию;

реализация мер, обеспечивающих психологическую, медицинскую и социальную реабилитацию детей, способствующих их умственному, эмоциональному и физическому развитию в соответствии с возрастными психофизиологическими склонностями, способностями, интересами, требованиями охраны жизни и здоровья детей;

создание условий для получения детьми общего среднего, среднего специального, профессионального образования на основе государственных образовательных стандартов;

осуществление мер по реализации программ и методик, направленных на формирование законопослушного поведения воспитанников; оказание помощи в их социальной защите и разностороннем развитии.

Из перечисленных задач вытекает, что процесс реализации социально-педагогической реабилитации несовершеннолетних в данных учреждениях направлен на обеспечение непрерывности и единого подхода к проведению воспитательно-исправительных, профилактических и реабилитационных мероприятий для полного и всестороннего их психосоматического, социального, правового восстановления.

Процесс реализации данных задач направлен на изменение нравственного содержания воспитанника: формирование у него уважительного отношения к человеку, обществу, труду, нормам, правилам, традициям человеческого общежития и стимулирование законопослушного поведения. Эта педагогическая задача имеет определенные сложности, связанные с тем, что данные несовершеннолетние характеризуются:

*во-первых*, сложностью процесса психофизиологического развития подростков, связанного с их возрастными изменениями и как следствие, незавершенностью процесса формирования личности. Результаты опроса, проведенного среди 50 воспитанников специализированного учебно-воспитательного учреждения г. Бахта, выявили у них следующие основные причины психологического характера:

- низкий уровень эмоционального волевого контроля (28,5%);

- желание получить сильные впечатления и стремление к самостоятельности (по 14,2% соответственно);

\* Руководитель отдела по изучению проблем социально-воспитательной работы с детьми групп социального и правового риска Республиканского центра социальной адаптации детей, кандидат философских наук.

---

- неуверенность в себе (10,2%) вследствие низкой самооценки. Самооценка, по мнению психологов, это важный регулятор поведения, оценка человеком своих возможностей, качеств и места среди других людей. От самооценки, прежде всего, зависят взаимоотношения человека с окружающими его людьми, его критичность, требовательность к себе, отношение к успеху и неудачам. Расхождение между притязаниями человека и его возможностями — это путь к повышенной конфликтности подростка и психологическим срывам, что, в свою очередь, приводит к стрессовым ситуациям и агрессивному поведению. При этом наблюдаются снижение успеваемости, отказ от учебы, конфликты с социальным окружением, отход от семьи, проблемы с законом.

В связи с этим эффективной формой воспитательного воздействия является индивидуальная коррекционная работа, которая предполагает определение путей и средств, способных изменить сложившиеся стереотипы поведения несовершеннолетних и организацию нового поведенческого опыта. Важным условием проведения индивидуальной работы с воспитанниками является конструктивное участие самих подростков в разработке реабилитационных мероприятий и процедурах. Это даёт возможность внесения собственного вклада и осмысления своей ситуации, а также чувства самоэффективности, приучает его психику к самоуправлению, к систематической самоорганизации поведения. При этом необходимо учесть, что индивидуальная работа должна проводиться на основе комплексного изучения личности воспитанника с учетом психологических особенностей, обстоятельств совершенного правонарушения, возраста, образования, профессии и других индивидуальных особенностей. Эта работа сегодня возложена на психолого-медико-педагогические комиссии данных учреждений, которые 2 раза в год осуществляют комплексное обследование и психологическую диагностику воспитанников. По итогам обследования комиссия готовит рекомендации по составлению инди-

---

видуальных программ реабилитации, коррекции духовно-нравственного, интеллектуального, физического развития и установление ключевых причин отклонений в развитии, а при необходимости определяет формы дальнейшего обучения и перевоспитания несовершеннолетних. Однако частая сменяемость психологов и отсутствие штата социального работника в данных учреждениях не только снижают качество и эффективность реабилитационных мероприятий, но и затрудняют процесс социальной адаптации воспитанников к новым условиям. Вместе с тем затрудняется работа с воспитанниками, которая направлена на осуществление мер психотерапии по снятию у них всевозможных психологических барьеров и развитие навыков уверенного поведения, повышение самооценки, самосознания, активности и др. Наличие такой проблемы свидетельствует о необходимости привлечения квалифицированных кадров, имеющих знания в области социальной педагогики и возрастной психологии;

*во-вторых*, несоответствием уровня образования с учетом биологического возраста воспитанников, что становится серьёзным препятствием на пути их эффективного обучения и воспитания. Опрос показал, что некоторые воспитанники характеризуются педагогической запущенностью и до попадания в данные учреждения прогуливали школу, во время уроков бесцельно проводили время дома, в кругу друзей. Очевидно, что логическим итогом такого образа жизни явились не только различного рода отклонения в их поведении, но и существенное отставание в учебе.

В связи с этим организация социально-педагогической реабилитации требует поднятия на новый качественный уровень некоторых аспектов образования и воспитания путем широкого применения эффективных программ, методик по основным учебным дисциплинам, способствующих ускоренному обучению воспитанников с учетом их биологического возраста. Необходимо обеспечить данные учреждения новыми учебниками, учебно-методическими и

---

наглядными пособиями, техническими средствами обучения (мультимедийными проекционными системами, телевизионным и видеотехническим оборудованием), а также увеличить количество компьютерных классов. Требуется укрепление материально-технической базы производственных мастерских современным оборудованием. К тому же назрела необходимость введения и обучения воспитанников новым престижным профессиям, которые позволяли бы им свободно конкурировать со своими сверстниками в условиях современной рыночной экономики. Необходимо проводить мониторинг по вопросам трудоустройства воспитанников после выпуска и создавать благоприятные условия по обеспечению непрерывного образования;

*в-третьих*, отрицательным влиянием среды общения и ближайшего окружения, зависимостью от требований, норм и ценностей группы, к которой они принадлежат. Существует гипотеза, что в возрасте 13-17 лет несовершеннолетние очень подвержены влиянию «своих» групп. Не случайно на вопрос, что побудило их к совершению преступления (правонарушения), 40% воспитанников ответили, что «попали под влияние друзей». А среди причин, побудивших их приобщиться к вредным привычкам и впервые попробовать сигареты, пиво, водку и другое, они чаще всего называют: «друзья предложили», «нежелание отстать от компании», «ощутить себя взрослым» и рассматривают это как средство самоутверждения в рамках своей субкультуры. На фоне такой выраженной тенденции группирования подростков психоактивные вещества выступают в роли «путеводителя» в подростковую субкультуру. Характерными особенностями подростковой субкультуры являются: отсутствие смысла жизни, бесцельное времяпрепровождение, бездуховность, неспособность принять ответственность за свою жизнь на себя – эти и другие существенные характеристики человека, их деформации, несомненно, также способствуют формированию противоправного преступного поведения. Это означает, что поведение,

---

связанное с употреблением психоактивных веществ, следует рассматривать не только как противоправный поступок, но и как комплекс медико-социально-психологических проблем.

Множество исследований показывает, что существует статистически значимая зависимость плохой успеваемости и антисоциального поведения от повышенного уровня содержания свинца, кадмия и других тяжелых металлов в крови. Здесь имеются две основные группы факторов: есть люди, поведение которых зависит от того, что их мозг не получал адекватного питания, мозг, которых был отравлен от воздействия ядов, таких как свинец, содержащийся в парах бензина, клея и т.д. Нехватка питательных веществ, которые важны для деятельности мозга – витаминов, минералов и эссенциальных жирowych кислот, тоже оказывает существенное влияние на типы поведения. Целый ряд научных экспериментов в США показал, что улучшение питания может существенно снизить вероятность преступного поведения. Это требует наличия минимума знаний у специалистов специализированных учебно-воспитательных учреждений в области клинических проявлений аддиктивного поведения подростков и учет этих особенностей при составлении индивидуальной программы реабилитации.

Рекомендуется не только медицинское вмешательство и улучшение качества питания, но и разработка комплексных программ по формированию здорового образа жизни. В связи с этим одним из актуальных направлений работы с данными подростками является формирование у них новых ценностей, где собственное здоровье, его безопасность – необходимое и важное условие для их успешной самореализации. Здоровый образ жизни – это, прежде всего, рациональное и ответственное поведение, основанное на владении информацией о механизмах функционирования организма и последствиях употребления психоактивных веществ, адекватная оценка образа жизни и нормы поведения. Воспитание негативного

---

отношения к их употреблению предполагает разработку и внедрение в учебно-воспитательный процесс различных образовательных, профилактических программ, современных методик воспитания и обучения ценностям здорового образа жизни.

Одним из эффективных методов социально-педагогической реабилитации воспитанников является вовлечение их в культурно-досуговую и физкультурно-спортивную деятельность. Это предполагает создание различных кружков, клубов, секций, студий по интересам, в том числе изобразительного искусства или драматургии. Это хорошая возможность, так как они нуждаются в самых разных средствах самовыражения. И не случайно многие воспитанники просили организовывать больше спортивных мероприятий, концертных программ и экскурсий за пределами учреждения;

в-четвертых, разладом семейных отношений, бесконтрольностью и безнадзорностью со стороны родителей. Анализ условий жизни несовершеннолетних в семьях показал, что половина из них воспитывались в неблагополучных или неполных семьях, у 24,4% воспитанников родители, братья, сестры имели асоциальный образ жизни. Поэтому педагогизация социально-реабилитационного процесса требует расширения и привлечения участия в данном процессе родителей, общественных организаций, благотворительных фондов и государственных институтов. В связи с этим, необходимы целевые программы помощи и поддержки семье не только по нормализации отношений между детьми и родителями, но и принятие практических мер по приёму выпускника домой с целью восстановления целостности семьи. Сегодня назрела необходимость введения в данных учреждениях штата социального работника, который осуществлял бы эти программы и дальнейшее сопровождение выпускников после выпуска.

Существенное изменение сознания воспитанника, его взглядов, привычек

осложнено еще и тем, что помещение несовершеннолетнего в специализированное учебно-воспитательное учреждение, где созданы особые условия воспитания и образования, исключает их, хоть и временно, из многих общественных отношений. Ограничиваются семейные, досуговые, трудовые отношения и др. Регламентация, контроль над поведением в этих учреждениях и иные элементы воспитательного процесса, как правило, производят сильное эмоциональное воздействие на несовершеннолетних. Это служит, в какой-то степени, серьезным предупреждением или даже сдерживающим средством для тех, кто способен и привык безнаказанно нарушать правопорядок. Но здесь необходимо иметь в виду тот факт, что в условиях специализированных учебно-воспитательных учреждений важной задачей является преодоление отчуждения несовершеннолетних от общества, особенно при концентрации подростков, совершивших статусные правонарушения, с теми, кто совершил уголовно наказуемые деяния. Так, анализ причин попадания несовершеннолетних в специализированное учебно-воспитательное учреждение г. Бахта показал, что лишь только 22,4 % несовершеннолетних были отправлены за кражи, а остальные за систематические уходы из дома и прогулы занятий в учебных заведениях.

Исследования ученых показали, что отсутствие обеспечения эффективного воздействия общественных ценностей и норм приводят к усугублению личной негативной позиции воспитанника не только под влиянием групповых антиобщественных норм, но и в результате объединения с другими воспитанниками. Они чувствуют и свою силу, и свое «Я» в таких объединениях. Учитывая, что у подростков становление мировоззрения происходит главным образом, под воздействием социальной среды, в процессе их исправления и ресоциализации первостепенное значение имеет окружение.

Все это дает основание заключить, что любая форма наказания, применяется ли она

---

к несовершеннолетним в качестве наказания или средства воспитательного воздействия, требует квалифицированного и максимально ограниченного применения. Во всех случаях, когда есть хоть малейшая возможность исправления ребенка, необходимо отказываться от направления их в специализированные учебно-воспитательные учреждения.

К тому же, существует еще одна проблема, связанная с изоляцией подростка от семьи. В процессе бесед с воспитанниками специализированного учебно-воспитательного учреждения г. Бахта многие подростки жаловались, что больше всего они скучают по своим семьям. Мировая практика последних десятилетий со всей убедительностью доказывает, что даже самые трудные семьи порой лучше, чем институциональные учреждения, так как в семье дети приобретают опыт и навык семейной жизни, видят конкретные жизненные примеры, которые очень важны и необходимы им в будущей жизни. И совершенно ясно, что профилактика неблагополучия семьи, нормализация здоровых семейных отношений, ориентированные на оказание социально-психологической, педагогической и материальной помощи семье, более эффективны, чем вмешательство, смягчающее последствия, но не решающее проблему. Все это, как нам представляется, серьезные аргументы в пользу дальнейшего сокращения практики применения к несовершеннолетним уголовного наказания и широкого применения программ восстановительного правосудия, которые основываются на применении внесудебных, альтернативных практик разрешения правовых конфликтов. Под термином восстановительного правосудия понимаются разные практические модели реагирования на правонарушения. Эти модели объединены общей целью и идеологией, направленной на психологическое и душевное исцеление жертвы, ресоциализацию правонарушителя и восстановление отношений между ними, обществом и государством. Краеугольным камнем здесь является не наказание, а примирение сторон

и возмещение ущерба. Внедрение примирительных процедур способствует не только снижению нагрузки судов, но и, как следствие, экономии государственных средств.

Итак, эффективность решения перечисленных задач во многом зависит от правильно организованного учебно-воспитательного процесса, учитывающего как специфику учебно-воспитательных учреждений, психологические особенности воспитанника, так и характер совершения правонарушения, и степень его исправления. Все эти особенности обуславливают повышенные требования к профессиональному и нравственному уровню воспитателей, их педагогическому мастерству.

С учетом вышесказанного предлагается Модель социально-педагогической реабилитации и социального сопровождения воспитанников, которая, на наш взгляд, позволит оптимизировать учебно-воспитательный процесс, направленный на перестройку неправильно сложившихся взглядов и организацию нового поведенческого опыта подростков с целью их реабилитации и адаптации в общество.

**Модель социально-педагогической реабилитации и социального сопровождения воспитанников специализированных учебно-воспитательных учреждений**

***I этап. Адаптационный***

**Психолого-медико-педагогический консилиум:**

- укомплектование базы данных на основе полученных документов;
- проведение беседы, интервью, анкетирования, опроса с целью комплексного изучения личности: причины девиантного поведения, отношение к семье, позитивные аспекты личности, отношение к решению суда, интересы, увлечения, отношение к вредным привычкам, выявление конкретных отрицательных качеств личности и т.д.;
- психологическая диагностика и осуществление необходимых мер психотерапии для снятия всевозможных психологических барьеров.



---

---

**II этап. Планирование и реализация социально-педагогической реабилитации**

Психолого-медико-педагогическая комиссия (2 раза в году) с целью прослеживания динамики реабилитационного процесса, психолого-педагогическое наблюдение (сопровождение)

- определение целей и задач социально-педагогической реабилитации; форм и методов индивидуальной программы реабилитации на период пребывания несовершеннолетнего в данном учреждении;

- вовлечение в общий ритм труда и отдыха, культурно-досуговую и физкультурно-спортивную деятельность на принципах здорового образа жизни с учетом интересов и психологических особенностей воспитанника;

- организация учебной деятельности, повышение образовательного уровня, профессионального обучения и повышение производственной квалификации воспитанника с учетом уровня его развития;

**Создание Попечительского Совета**

- восстановление нарушенных социальных связей воспитанника с семьей, мобилизация его психической активности с целью нормализации отношений по восстановлению целостности семьи;

- социально-педагогическая, психологическая помощь воспитанникам и семьям: **СУВУ - семья - махалля;**

- восстановление социальных связей воспитанника с «внешним миром» с привлечением органов образования и здравоохранения, внутренних дел, органов по труду и социальной защите населения, учреждений культуры и спорта, туризма, КДН, РЦСАД, РОДФ «Sen yolg'iz emassan», ОМД «Камолот», «Ватанпарвар», а также органов самоуправления граждан по оказанию комплекса услуг (социальных, правовых, педагогических, благотворительных, медицинских).

**III этап. Подготовка к выпуску.**

**Разработка схемы социального сопровождения воспитанников специализированных учебно-воспитательных учреждений в сотрудничестве с**

---

---

**органами системы профилактики безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних**

**Решение педагогического совета**

- направление в КДН по месту жительства несовершеннолетних не позднее, чем за один месяц до выпуска извещения о выпуске несовершеннолетних из указанных учреждений, а так же характеристики в отношении несовершеннолетних и налаживание обратной связи: **СУВУ - КДН;**

**Целевые программы помощи выпускнику по адаптации, реабилитации и ресоциализации их в общество**

- разработка программ помощи семье по возвращению выпускника в семью на базе «примирительных комиссий» при махаллях с целью восстановления целостности семьи и налаживания обратной связи: **СУВУ - махалля - органы по труду и социальной защите населения;**

- КДН совместно с органами по труду и социальной защите населения оказывают помощь по трудоустройству, профессиональной подготовке, переподготовке и повышению квалификации выпускников: **СУВУ - органы по труду и социальной защите населения;**

- КДН совместно с махаллей привлекают граждан, имеющих жизненный опыт работы с детьми в организации помощи родителям в сопровождении выпускника;

- КДН совместно с органами внутренних дел осуществляют индивидуальную профилактическую работу по наблюдению за их поведением и применению к ним правовых мер воздействия с целью предупреждения совершения ими новых правонарушений (преступлений);

- органы образования принимают меры по организации непрерывного образовательного процесса и создают условия для продолжения обучения выпускников;

- учреждения здравоохранения осуществляют меры по оказанию качественной медицинской помощи и составлению индивидуальной программы оздоровления и т.д.

Ш. О. Мамадалиев\*

## МАЪНАВИЯТ – ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Маълумки, инсоният пайдо бўлганидан буён идеал, беайб, бенуқсон одам ва тамоман мукаммал жамиятни орзу қилади (Аристотель, Форобий, Навоий ва бошқалар асарларида ушбу орзуларга жавоб изланади). Бунга Аристотелнинг «Полис»лар тўғрисидаги таълимоти, Форобийнинг фозил одам, фозил шаҳар, тасаввуф таълимоти вакиллари Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Куброларнинг ориф инсон, Алишер Навоийнинг «комил инсон» тўғрисидаги таълимотларида ана шу саволларга жавоб изланади.

Президент Ислон Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида бутун инсониятнинг орзу-истагига айланган демократияга қуйидагича таъриф беради: «Демократия авваламбор маънавий мезонлар асосида бошқариладиган кучли ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятидир»<sup>1</sup>. Ушбу таърифдан кўринадики, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти демократиянинг икки қаноти бўлиб, унинг моҳиятини маънавият ташкил этади.

Айтиш жоизки, ҳеч қачон идеал жамият, идеал инсонни яратиб бўлмайди. Аммо, унга интилиб яшаш инсониятни барча ёмонликлардан, фалокатлардан асраб қолади. Дунёда адолатли, қонунларга бўйсунадиган жамият бунёд этиш имкониятини вужудга келтиради. Шу сабабли айрим тоифадаги кишилар жамиятда бугунки кечадан, келажакни бугундан яхшилашга интилиб яшайдилар. Шулар боис жамиятлар ривожланади.

Иккинчи тоифа одамлар жамият ҳеч қачон мукаммал бўлмаслигидан келиб чиқиб, ҳаётга бефарқ қарайдилар, уларда адолат учун кураш сўнади, адолатсизликлар гирдобиди қолганда билиб-билмай, истаб-истамай умумий оқимга қўшилиб кетаверади (афсуски, бундай кишилар аксарият жамиятларда кўпчиликни ташкил этади).

Учинчи тоифа кишилар жамиятнинг номукаммалигидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Қонунларни менсимаслик, жиноий йўллар билан ўз манфаатларини қондириш – бундай кишиларга хос одатдир. Нафс балоси уларни тамом маҳв этган бўлади. Булар жамиятда ўрнатилган қонунларга эмас, аксинча муайян гуруҳ ўртасида ўзаро келишиб, йўлга қўйилган қоидаларга амал қилиб яшайдилар. Уюшган жиноятчилик, коррупцияни айнан шу тоифадаги кимсалар вужудга келтирадилар. Бундай турдаги жиноятлар айнан шундай тоифадаги кишилар томонидан содир этилади. Уларни қинғир йўл қўрқоқ қилиб қўяди. Қўрқоқ одамдан эса ҳар нарса кутиш мумкин (дунёда қонунларга бўйсунган ҳолда ҳаёт кечираётган одамдан хотиржамроқ кимсани топиш қийин). Юқорида келтирилган биринчи тоифадаги шахслар маънавият, иккинчи тоифадаги инсонлар вазият (тасодифият), яъни олма пиш оғзимга туш» қабилда яшовчилар, учинчи тоифага мансуб кишилар «нафс»га таяниб яшайдилар. Савол туғилади, агар иккинчи ва учинчи тоифадаги шахслар жамиятда кўпчиликни ташкил этса, нима бўлади?! Бундай ҳолатда жамият ҳалокатга учрайди.

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти кафедрасининг бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. – Б. 36.

Жамият тараққий топиши учун маънавиятни юксалтириш иккинчи ва учинчи тоифадаги шахсларни маънавият измида яшашга ўргатиш талаб этилади. Шу сабабли, мамлакат раҳбари Ислон Каримовнинг «Маънавият инсоннинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир» деган шиорий ғоясини ҳар бир фуқаро олдига қўйилган «маънавий мажбурият» деб тушунмоқ керак.

Илмий ва публицистик адабиётларда «маънавият – бу бурч», «маънавият – бу масъулият» деган ибораларни учратамиз. Аммо, «маънавий мажбурият» деган иборага етарли эътибор берилмайди. Ваҳоланки, бугун айнан «маънавий мажбурият» ҳисси аксарият фуқароларда етишмайди. Маънавий мажбуриятни ҳис қилмаган шахс «қонун билан ман қилинмаган ҳамма нарсани қилиш мумкин», деган ақидага риоя этиб яшайди. Улар учун ахлоқ, урф-одат, қадриятлар иккиламчи ёки ҳеч қандай маънога эга бўлмаган эскилик сарқитидир. Ғарбий Европа мамлакатларида XX асрнинг 20-йилларида бошланган ва бугун инсоният маънавиятига таҳдид солаётган «оммавий маданият» айнан маънавий масъулиятсизлик маҳсулидир. Ҳозир дунёнинг 11та (масалан, Испания, Нидерландия, АҚШ ва бошқ.) мамлакатада бир жинсли шахслар никоҳдан ўтказилмоқда.

Оила экологияси натижасида айрим ривожланган Ғарб мамлакатларида, жумладан АҚШда 25% оила қолди. Энг қизиғи, бу кўрсаткич йилдан-йилга пастга қараб кетмоқда. Ушбу давлатларда ўлим туғилишдан устунликка эришди. Туғилиш камайгани сабабли замонавий ишлаб чиқариш корхоналарига четдан ишчи кучи қабул қилинган. Масалан, Канада давлати ишчи кучига бўлган эҳтиёжининг 60%дан кўпроғини Осиё мамлакатлари ҳисобидан тўлдирмоқда. Четдан келган ишчи кучларини «миллийлаштириш» сиёсатини олиб боришга мажбур бўлмоқда. Одам савдоси, гиёҳвандлик, қурол-яроғ сотиш авжига чиқмоқда. Бу давлатлар ўзини ўзи ўлдириш бўйича дунёда етакчилик қилмоқда. Масалан, АҚШ воқеасини эслаш кифоя. 2012 йил 14

декабрда АҚШнинг «Ньютаун» штатида 20 ёшли Адам Ланз ўз уйида отасини отиб, сўнгра онаси ишлайдиган мактабга борган ва 28 кишини, жумладан, онасини ҳам отиб ўлдирган. Отиб ташланганларнинг 20 нафари 10 ёшгача бўлган болалар эди. Шу куни мактабда 626 ўқувчи бўлган. АҚШ Президенти Барак Обама фожиа муносабати билан 4 кунлик мотам эълон қилди. Байроқлар туширилди. Бу фожиа АҚШ тарихидаги энг катта ўхшаши бўлмаган фожиадир. Адам Ланз мактабда ўзини отиб ўлдирган. Савол туғилади, нима сабабдан дунёнинг 80%дан ортиқ техника-технологиясига, учдан икки қисм бойлигига эгалик қилаётган ривожланган давлатлар демографик, ахлоқсизлик таҳдидига дучор бўлмоқда. Жавоб аниқ, бунга сабаб демократиянинг маънавиятдан, қонуннинг ахлоқдан, иқтисодиётнинг инсонийликдан устун қўйилишидир. Аниқроғи, маънавият, ахлоқ масалаларига қолдиқ принциплари нуктаи назаридан ёндашишдир. Бугун ривожланган демократик давлатларда содир бўлаётган воқеалар бутун инсоният учун сабоқ бўлишга арзигулик ҳолатдир. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов томонидан эълон қилинган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгилаб қўйилганидек, мустақил Ўзбекистон бугунги кунда ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин олиш учун курашмоқда. Бироқ Ўзбекистон Ғарб давлатларидан фарқли ўлароқ, маънавий мезонларга асосланган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан бормоқда<sup>1</sup>. Ўзбекистоннинг ушбу йўли «Ўзбек модели»да ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон халқи манфаатларига ғарбдан техника ва технология соҳаларидаги ютуқларни ўрганиш ва амалиётга жорий этиш, хорижий инвестицияларни ишлаб чиқаришга жалб этиш мос келади. Аммо маънавият, ахлоқ борасида ўзлигини сақлаши, «оммавий маданият», «эгоцентризм», «ахборот хуружлари»дан ҳимояланиши зарур. Украина қаҳра-

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б.6.

---

мони, Верховная Рада депутаты Л. Якубов фикрича, фан ривожига – Греция, Италия, техника ривожланишига – Германия, АҚШ, технология ривожига – Япония, Швейцария, маданият ривожига – Франция, Буюк Британия салмоқли ҳисса кўшган бўлса, Ўзбекистон маънавият, ахлоқ-одоб ривожланишига ўз ҳиссасини кўшиб келмоқда. Бу хорижий сиёсатчи олимларнинг Ўзбекистон халқига берган юксак баҳосидир. Бугун дунёнинг ривожланиб келаётган мамлакатларида «саводсизлик», «қашшоқлик» долзарб муаммога айланган. Ушбу мамлакатларда 1 миллиард аҳоли қашшоқликда кун кечиряпти, аҳолининг саводхонлик даражаси 20-30 фоиздан ошмайди. Шу ўринда эслатиш жоизки, дунё бўйича саводхонлик даражаси 40 фоизни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич АҚШда 90 фоиз, Ўзбекистонда 100 фоизни ташкил этади. Бундан кўринадики, ривожланиб келаётган мамлакатларда маънавиятни юксалтириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу мамлакатларда ер юзи аҳолисининг 80 фоизи истиқомат қилишини назарда тутганда, саводсизликнинг инсоният тараққиётига салбий таъсирини англаш қийин эмас. Масалан, Афғонистонда аёлларнинг 85 фоизи, эркакларнинг 51 фоизи том маънода саводсиздир. Юқоридаги фикрлардан кўринадики, ривожланган ва ривожланиб келаётган давлатларда маънавият долзарб масалага айланган.

Ривожланган давлатлардаги маънавий эврилишдан, ривожланиб келаётган мамлакатлардаги саводсизлик, қашшоқликдан қутулишнинг бирдан-бир йўли – бу «маънавият»дир десак, асло муболаға бўлмайди. Бугун XXI аср «маънавият асри», «интеллектуал индустрия асри», деган чақириқлар заминида ҳам айнан ана шу ҳақиқат ифодаланган.

Умумбашарият ривожига таҳдид қилаётган халқаро терроризм, ноқонуний қурол-яроғ савдоси, гиёҳвандлик, одам савдоси, экологик муаммолар заминида ҳам том маънода маънавий қашшоқлик ётибди десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Бугун мутахассисларнинг фикрича, мавжуд муаммоларнинг 90 фоизи инсонларнинг табиат, жамият қонунла-

рига, ахлоқ, динга зид ҳаракатлари натижасида содир бўлмоқда.

Маънавият – бу яратувчанлик.

Маънавият – у ҳалол меҳнат, соғлом турмуш тарзи. Яшашнинг бошқаларга зиёни тегмайдиган йўлларида юриш, яъни ҳалол меҳнат билан яшаш, меҳнатни эъзозлаш, ҳасаддан йироқ бўлиш ҳам юксак маънавиятдир.

Табиат, жамият қонунлари билан уйғун яшаш – юксак маънавият талаби.

Табиат, жамият, инсонга зиён етказиш, қонунларни менсимаслик, ахлоқ, динга бепишандлик – маънавий қашшоқлик кўринишларидир.

Маълумки, жамият қонунларсиз яшаши мумкин эмас деган хулоса – инсоният Одам Ато давридан шу бугунгача эришган энг улғу хулоса. Чунки қонунсизлик авж олган жойда сўз билан иш, тил билан дил бирлиги йўқолади, алдов, найранг, макр-ҳийла, хушомад ва шу каби бошқа талай иллатлар маҳорат белгиси саналиб қолади, қинғир йўллар билан тўпланган бойликларни кўз-кўз қилиб, ҳалол-покиза меҳнати орқасидан қонуний даромад топаётганлардан устун эканлиги билан мақтанадиган тоифа пайдо бўлади, маданий-маънавий ҳаёт қонунлари ўрнини амалда жинойи дунё «қонунлари» эгаллай боради. Бу эса кўпларнинг кўлини ишдан, кўнглини яшашдан совутади, самимият йўқолади. Маънавият иморатига дарз кетади.

Хуллас, қонунларга, ахлоқ-одобга амал қилиб яшаш учун ҳар бир фуқаро юксак маънавий даражага кўтарилиши керак. Юксак маънавиятсиз қонунларга итоаткорлик, ахлоқ-одобга ҳурматни шакллантириб бўлмайди. Бунга ривожланган ва ривожланиб келаётган давлатлардаги бугунги турмуш тарзи асосдир. Шу боисдан ҳам мустақил Ўзбекистонда маънавият давлат сиёсати ва фан даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ўзини маънавият ҳомийси дея эълон қилди.

Ўзбекистон Президенти ва Ҳукуматнинг маънавиятга доир бир қанча фармон, фармойиш ва қарорлари эълон қилинди. Айниқса, 2006 йил 26 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи

---

ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон жамият маънавиятини юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Унга кўра, «Республика Маънавият ва маърифат кенгаши»га Бош вазир, вилоят, туман, шаҳарлардан маҳаллий кенгашларига тегишли ҳокимлар бошчилик қиладиган бўлди. Бундан ташқари, Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилди. Ҳозирги кунда ушбу марказлар томонидан хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ИИВ Академиясига Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан 50 номдаги 3 мингдан зиёд маънавий-маърифий мазмундаги адабиётлар ҳомийлик асосида тақдим этилди. 2011 йилда Юртбошимиз ташаббуси билан 6 миллион китоб жамғармасига эга бўлган, замонавий талабларга жавоб берадиган «Маърифат маркази» кутубхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу Марказий Осиёда энг катта ва бой кутубхона саналади.

Олий ва ўрта махсус ҳамда халқ таълими вазирликларининг қарорлари билан умумий ўрта таълимда «Миллий ғоя ва маънавият», «Ватан туйғуси», олий таълимда «Маънавият асослари» фани, Президентнинг 2001 йил 18 январь фармойишига кўра олий таълимда яна «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар» фани ўқитилмоқда.

Маънавият фан даражасига кўтарилиб, республиканинг етакчи олий ўқув юртларида «маънавият», «миллий ғоя» бўйича мутахассислар тайёрланяпти. Айтиш жоизки, дунёнинг бирон-бир мамлакатиде маънавият фан даражасига кўтарилмаган. Айрим мамлакатларда масалан, Россияда маънавият «Маданиятшунослик», «Фалсафа» фанлари таркибиде ўқитилмоқда.

Маънавиятнинг фан даражасига кўтарилишида Ислом Каримовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ислом Каримов 20 жилдли асарларининг барчасида маънавият масалаларига оид қарашлар, ғоялар мавжуд. Ундан ташқари, Юртбошимиз томонидан бевосита маънавиятга бағишланган «Истиқлол ва маънавият» (1994), «Маънавий юксалиш йўлида» (1998), «Юксак маънавият –

енгилмас куч» (2008) асарлари алоҳида китоб шаклида нашрдан чиқарилган. Айниқса, «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарини эълон қилиниши маънавият ривожиде янги босқични бошлаб берди. Асарда маънавий оламни ифода этувчи 43 та тушунчага таъриф берилган. Миллий маънавият эволюцияси чуқур ўрганилиб, маънавиятнинг бугунги ҳолати ва истиқболини белгиловчи омиллар таҳлил этилган. Ушбу асарнинг мазмун-моҳияти мамлакатимизде кенг тарғибот-ташвиқот этиляпти. Жумладан, ИИВ Академиясида «Юксак маънавият – енгилмас куч» махсус курси ўқув дастури яратилиб, унинг асосида ўзбек ва рус тилларида маърузалар тўплами нашрга топширилди. Янги ўқув йилида ушбу курс асосида тингловчиларга ўқув машғулоти ўтиляпти. Шунингдек, ушбу таълим муассасида «Маънавий оламни асраш қайғуси» номли китоб нашр этилиб, республика миқёсида ўрганилмоқда. Айниқса, ИИВ тизимида маънавият тарғиботига катта аҳамият берилмоқда. ИИВ Академиясида давлатимизнинг маънавиятга оид сиёсати ижроси бўйича ғурурланишга арзигулик салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Маънавият инсонлар томонидан яратилган барча моддий-маънавий кўринишдаги яхшиликлардир. Авесто, тасаввуф таълимотларида айтилганидек, «яхшиликни машқ қилиб яшаш, яхши фикр, яхши сўз, яхши амал билан яшаш» ҳар бир инсоннинг маънавий мажбуриятидир. Маънавият илм-фан, меҳнатдан куч олади. Шу билан бирга, илм-фан маънавият измида бўлсагина, у яхшиликка хизмат қиладиди. Маънавият измида бўлмаган фан зўравонлик қурбонига айланади. Шу сабаб, маънавият енгилмасдир.

Маънавиятга қарши кураш ҳамиша мағлубият билан якун топади. Чунки, маънавият аслида табиат, жамият ва инсоният қонунлари асосида яшаш тарзидир.

Давлат раҳбарининг «Юксак маънавият – енгилмас куч», «Куч – билим ва тафаккурдир» шиорий фикрлари XXI аср тараққиётини маънавият ҳал этиши, дунёда мавжуд бўлган барча муаммоларнинг ечими маънавиятда эканлигини англатади.

## ИЧКИ ИШЛАР ИДОРЛАРИДА ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТНИНГ ЎРНИ

Бугун мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ демократик фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнлари давом этаётган бир пайтда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш долзарб масала ҳисобланади. Чунки, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият юксак бўлган жамиятда ҳуқуқ-тартибот, адолат ва барқарорлик қарор топади. Мамлакатимизда истиқлол йиллари жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»ни тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданият даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини янада яхшилаш ҳақида»ги 1997 йил 25 июнь фармони, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги 2001 йил 4 январь фармойиши, «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги 2006 йил 3 апрель қарори қабул қилинганлигини эътироф этиш мумкин.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масалалари ҳуқуқий тарғибот ишларининг нечоғлик самарали олиб борилишига боғлиқ. Ҳуқуқий

тарғибот с жамият ва давлатнинг ҳуқуқий сиёсатини, стратегик мақсадини оммага етказишга қаратилган маърифий, тарғибот усулидир.

Ҳозирги глобаллашув жараёнларида турли ғоявий таъсирга эга бўлган ахборот оқими мамлакатимизга шиддат билан кириб келмоқда. Бу ҳодиса инсон онги ва шуурини забт этиш учун кураш олиб борилаётган бир маҳалда жамият ва давлат манфаатларига хизмат қиладиган маълумотларнинг ташвиқот ва тарғиботига эътибор қаратишни талаб қилади. Акс ҳолда жамият учун ёт ва бузғунчи ғояларнинг ёйилишига йўл очилади.

Бу ҳақда Президент Ислон Каримов 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида шундай дейди: «Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир.

Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур»<sup>1</sup>.

Ҳозирги кунда умумэътироф этилган ҳуқуқий тарғибот ишлари қуйидаги босқичларда олиб борилади:

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари юридик фанлар цикли бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б.27.

---

*биринчидан*, шахс онгида *илк ҳуқуқий тушунчалар* биринчи навбатда, оилада ота-она ва оиланинг бошқа аъзолари, мактабгача таълим муассасаларида тарбиячилар, мактабдан ташқари маданият муассасаларида ижод қилаётган шахслар ёрдамида;

*иккинчидан*, шахс онгида *ҳуқуқий билимларнинг шаклланишини* давомли тарзда амалга ошириш ва бойиб бориши учун таълим тизимининг бошланғич, ўрта таълим мактабларида, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида билим бериш жараёнида, шунингдек, жамоат тузилмалари ҳамда милиция таянч пунктлари негизида фаолият олиб борувчи субъектлар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ишлари ёрдамида;

*учинчидан*, шахснинг *ҳуқуқий саводхонлиги* унинг меҳнат жамоасида, фаолияти амалдаги қонунлар билан тақиқланмаган норасмий гуруҳларда амалга оширилади.

Демак, ҳуқуқий тарғибот узлуксиз ва шахснинг ривожланганлик даражасига қараб мунтазам амалга оширилади. Масалан, мактаб ёшидаги болаларга илк ҳуқуқий тасавурларни ҳосил қилишга қаратилган тарғибот ишлари олиб борилса, катта ёшдагиларга қонунчилик, ислоҳотлар ва шунга ўхшаш бошқа масалаларга оид тушунчалар етказилади.

Жамиятда аҳолининг маънавияти, ҳуқуқий билими ва маданиятини шакллантириш жараёнида, бошқа давлат органлари, жамоат бирлашмалари билан бир қаторда ички ишлар идоралари ҳам фаол иштирок этади.

Ички ишлар идоралари томонидан олиб бориладиган ҳуқуқий тарғибот ишларини шартли равишда қуйидаги икки асосий йўналишга ажратиш мумкин:

***биринчиси*** – бевосита ички ишлар идоралари томонидан *аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги* ва *маънавиятини ошириш* борасида олиб бориладиган ҳуқуқий тарғибот;

***иккинчиси*** – ички ишлар идоралари тизимида ходимларнинг *ҳуқуқий ва маънавий билимини*, *инсон ҳуқуқлари маданиятини* шакллантириш борасида олиб бориладиган ҳуқуқий тарғибот.

***Биринчи йўналишдаги*** ҳуқуқий тарғибот асосан мактаб, лицей, коллеж, олий таълим

---

муассасалари, маҳаллалар, корхона, ташкилот, муассасаларда ички ишлар идораларининг масъул ходимлари томонидан маърузалар ўқиш, савол-жавоб кечалари, тематик учрашувлар ўтказиш орқали олиб борилади. Шубҳасиз, аҳолининг ҳуқуқий онги, саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим восита ҳисобланади ва бунда ички ишлар идоралари профилактика хизматининг роли ва аҳамияти катта.

Ички ишлар идоралари томонидан амалга оширилган ҳуқуқий тарғибот ишлари юзасидан 2012 йил натижалари бўйича Конституциянинг мазмуни, мустақилликнинг моҳияти, инсон ҳуқуқлари, жумладан, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ҳуқуқлари, тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари, диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олишга тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш бўйича оммавий ахборот воситаларида жуда кўплаб чиқишлар қилинганлиги, оғзаки ҳуқуқий тарғибот ишлари (маърузалар, давра суҳбатлари, учрашувлар, илмий-амалий семинарлар) амалга оширилганлиги, 2600 дан ортиқ дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар ҳамда рисоалар нашр этилганлиги бунинг далилидир.

***Иккинчи йўналишдаги*** ҳуқуқий тарғибот ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш, инсон ҳуқуқларини олий қадрият деб билиш ва уни таъминлаш асосида олиб борилмоқда. Жумладан, ИИВ ҳузурида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси, жойларда эса унинг бўлимлари ташкил этилишининг боиси ҳам шу йўналишдаги ишларни амалга оширишга қаратилган.

Айниқса, республика Ички ишлар вазирлигининг етакчи соҳавий хизматлари, ҳудудий ички ишлар идоралари масъул вакилларининг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори, Халқаро Қизил хоч қўмитасининг минтақавий раҳбарлари ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича Хельсинки фонди экспертлари билан ҳамкорликда олиб бораётган ҳуқуқий тарғибот ишлари алоҳида эътиборга сазовордир.

Хусусан, 2010 йилдан ҳозирга қадар БМТнинг Қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ноинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала, жазо турларига қарши конвенциясини ва бошқа халқаро ҳужжатларни ўрганиш бўйича конференция, семинар, ўқув-тренинглар ўтказилиб, уларда иштирок этган ички ишлар идоралари ходимларига тегишли диплом ва сертификатлар топширилган.

Умуман, бугунги кунда Ички ишлар вазирлиги тизимида, айниқса, таълим муассасаларида бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ИИВ Академиясида ҳуқуқий тарғибот ишлари фаол амалга оширилиб, бу ҳақдаги маълумотлар умумлаштирилган ҳолда ҳар чорақда Ички ишлар вазирлигига юборилмоқда.

Шунингдек, 2010 йил 2 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан имзоланган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ўқитиш» Дастурига асосан, 2012 йил 16 февралда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг режаси ишлаб чиқилди, 2012 йил 4 апрелда Вазирликнинг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари тизимида олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот ишларини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 41-сонли фармойишига асосан, ҳуқуқий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига, ходимларга ва тингловчи-курсантларга етказиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий билимларини янада ошириш мақсадида Академия бошлигининг «ИИВ Академиясида олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот ишларини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2012 йил 16 апрель фармойиши қабул қилинди. Унда ҳуқуқий тарғибот ишларини ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, ИИВ Академиясида ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш кенгаши тузилди.

Ички ишлар идораларида олиб бориладиган ҳуқуқий тарғибот ишларида яна қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

1) аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш, хусусан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар ва

бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳолининг чуқур англаб етишига эришиш борасида ишлар олиб бориш;

2) ҳуқуқий тарғибот ишларида асосий эътиборни ёшлар ўртасида турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, терроризм, диний экстремизм ва наркотрафик билан боғлиқ жиноятларнинг оқибатларини тушунтиришга қаратиш;

3) янги қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда ИИВнинг тегишли буйруқ, кўрсатма ва Ҳайъат қарорларининг мазмун-моҳиятини шахсий таркибга мунтазам етказиб бориш;

4) аҳоли ва ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида учрашувлар, давра суҳбатлари, семинарлар, илмий ва амалий конференцияларни мунтазам ташкил этиш ва уларни оммавий ахборот воситаларида намойиш этиш;

5) ҳуқуқий тарғибот ишларини оммавий ахборот воситалари орқали олиб бориш ва ҳуқуқий соҳада дарслик, ўқув қўлланмалари, монографиялар ва бошқа нашрлар сонини кўпайтириш.

Ушбу тадбирларнинг самарали ташкил этилиши натижасида ходимлар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим:

– ҳуқуқий нормалар мазмунини мукамал билиш;

– қонун ва ҳуқуқий талабларни чуқур ҳурмат қилиш;

– ҳуқуқий воқелик ва институтларни тўғри англаш ҳамда тушуниш;

– юксак ижтимоий ҳуқуқий фаоллик;

– ҳуқуқни ижобий ижтимоий ўзгариш ва инсон манфаатларини муҳофаза қилувчи восита (қадрият) сифатида баҳолаш ва унга амал қилиш;

– ҳуқуқий меъёрлар талабига ихтиёрий тарзда, ички эътиқод амри билан риоя этиш.

Хуллас, ҳуқуқий тарғибот ишларига чуқурроқ эътибор қаратилиши аҳолининг, шу жумладан ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда катта аҳамият касб этади ҳамда жамиятда қонунийлик қарор топишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.



## «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ» ТУШУНЧАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Маданият инсоннинг ижтимоий борлиги, мавжудлиги шакли бўлиб, унинг воситасида жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлар тартибга солинади, ижтимоий ҳаёт муайян мазмун ва моҳият касб этади. Жамиятни маданиятсиз тасаввур этиб бўлмайди. Одам ҳам муайян маданий муҳитда шахс сифатида шаклланади. Ижтимоий тараққиёт таъсирида маданият ўзгариб, такомиллашиб боради.

«Оммавий маданият»нинг вужудга келиши масаласида тадқиқотчилар ягона фикрга эга эмас. Уларнинг айримлари «оммавий маданият»нинг вужудга келишини XIX асрнинг 70-йилларида Ғарбий Европада илк бор ялпи саводхонлик тўғрисида қонуннинг қабул қилиниши натижасида аҳоли орасида оммавий истеъмолчиларнинг шаклланиши билан боғлайдилар<sup>1</sup>. Иккинчи гуруҳ тадқиқотчилар, индустриал жамиятнинг вужудга келиши ва ривожланиб бориши натижасида «оммавий маданият» шаклланган деб ҳисоблайдилар<sup>2</sup>.

Жумалдан, Ўзбекистонда ҳам оммавий маданиятга таърифлар, ёндашувлар мавжуд, мақолалар ва рисоаларда унинг кўпқиррали феномени ёритилмоқда, муносабатлар билдирилмоқда. Фалсафа қомусий луғатида: «Оммавий маданият – маданият мавжудлигининг мураккаб, ҳамма вақт бир хил талқин қилинмайдиган ўзига хос шакли. Оммавий маданиятни Ғарб маданияти билан боғлиқ ҳодиса деб тушуниш, шунингдек, уни ғоясизлик, сифатсизлик ва дидсизлик намунаси сифатида баҳолаш кенг тарқалган»<sup>3</sup>, – деб таърифланган. «Маънавият: асосий тушунча-

лар» изоҳли луғатида ҳам: «Оммавий маданият – маданиятнинг мураккаб, ҳамма вақт бир хил талқин қилинмайдиган ўзига хос шакли. Оммавий маданиятни Ғарб маданияти билан боғлиқ ҳодиса деб тушуниш, шунингдек, уни ғоясизлик, сифатсизлик ва дидсизлик намунаси сифатида баҳолаш кенг тарқалган»<sup>4</sup>, – деб эътироф этилган.

Ўтган асрнинг 80-йилларида жамиятда «Оммавий маданият» ривожланиши учун шарт-шароит мавжуд эмаслиги тўғрисидаги қарашлар исботини топмади. «Оммавий маданият»нинг мавжуд эканлиги тан олинди. «Зиёлиларнинг вазифаси, – деб ёзган эди Ч.Айтматов, – «оммавий маданият»нинг мавжудлиги шаклини ва унга элтувчи йўللари аниқлаш, бу воқеликнинг табиатини ўрганиш орқали шахснинг маданий суверенитетини шакллантиришга хизмат қилиш керак»<sup>5</sup>.

Ўзбекистонда «оммавий маданият»нинг жамиятга зарарли таъсирининг олдини олиш илмий асосланган ҳолда олиб борилмоқда. Ундан турли вайронкор кучлар юртимизда мавжуд ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, фуқаролар тотувлигига раҳна солувчи восита сифатида фойдаланилишига йўл қўймаслик зарурлиги тўғрисида Президент Ислом Каримов шундай таъкидлайди: «Табиийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тарих кафедрасининг катта ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди.

<sup>1</sup> Введение в культурологию: Учебн.пособие для вузов / Отв.ред Е.В. Попов. – М., 1996. – С.63.

<sup>2</sup> Ерасов Б.С. Социальная культурология: Пособие для студентов высших учебных заведений. – М., 1996. – С.407.

<sup>3</sup> Фалсафа: қомусий луғат. – Т., 2004. – Б.313.

<sup>4</sup> Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т., 2010. – Б.320.

<sup>5</sup> Қаранг: Айтматов Ч. Быть эхом мира // Вопросы литературы. – 1986. – №3. – С. 9.

тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди»<sup>1</sup>.

Оммавий маданият инсонни барча соҳаларда, жумладан, маданият ва дам олиш, бўш вақтни ташкил қилиш борасида ҳам индивидуаллигини йўқотган истеъмолчига айлантириб қўяди. Оммавий маданият ниқоби остида вақти-вақти билан пайдо бўладиган турли ижтимоий ҳаракатлар ва гуруҳлар фахш ва зўравонликни тарғиб қилувчи фильмлар, очикчасига парнографик саҳналардан иборат кассеталар, дисклар ва бошқалар таъсири эса инсон шахсини емиришга, жамиятни дегуманизация қилишга олиб келади. Бундай шароитда ёш авлодни, миллий маданиятни қандай ҳимоя қилиш керак, деган масала долзарб бўлиб қолмоқда. Айни пайтда «оммавий маданият – мафкуравий уруш қуроли»<sup>2</sup> бўлиб майдонга чиқмоқда.

«Оммавий маданият»нинг вужудга келиши муаммосини илмий ўрганиш шуни кўрсатадики, унинг шаклланиши жамиятда кечаётган мураккаб жараёнларга боғлиқ. Ҳозирги даврда «оммавий маданият»ни, одатда, ривожланган давлатлар томонидан «маданий тажрибани» ривожланаётган давлатлар билан ўртоқлашиш байроғи остида сингдиришга интилиш устуворлик қилади. Бундай ҳодисани миллий маънавиятимизга бевосита таҳдид деб баҳолашга ҳар жиҳатдан асосимиз бор. Таҳдид – ижтимоий-сиёсий вазият бўлиб, у муайян тарихий даврда аниқ бир мақсадга, яъни ижтимоий тизим сифатида давлатнинг сиёсий асосларини заифлаштиришга, емиришга, шунингдек, инсон ҳаётий фаолиятини издан чиқаришга, умуман яшашни чигаллаштиришга қаратилган ҳудудий-минтақавий, умумсайёравий омилларнинг кириб келиши туфайли содир бўлади»<sup>3</sup>.

Халқаро муносабатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бундай жараённинг кўлами аллақачон жаҳон миқёси даражасига кўтарилган. «Оммавий маданият» давлатлараро муноса-

батларда мафкуравий тазйиқнинг энг хавфли қуролларидан бирига айланган. Сунъий равишда ҳосил қилинган ва четдан юртимизга олиб кирилган истеъмолчилик кайфияти ўзагини ташкил этган «оммавий маданият» асл кишилиқ маданиятига зид, уни поймол этадиган, моҳиятини бузадиган ва охиروқибат инсонни жон сақлашдан ўзга мақсади бўлмаган жонзот, халқни эса оломонга айлантирадиган ҳодисадир<sup>4</sup>.

«Оммавий маданият»нинг асосини оммавий онг ташкил этади. Бугунги кунда оммавий онгнинг шаклланишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. ОАВ одамларни инсонпарварликка зид ғоялар ёки юксак ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялаши мумкин.

Француз олими А. Молнинг «мозаик маданият» назарияси оммавий онгга хос хусусиятни яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Тадқиқотчининг фикрига кўра, оммавий коммуникация воситаларининг вужудга келиши ва ривожланиши натижасида гуманитар маданият назариясининг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти кескин пасайди. Унга кўра одамнинг ақлий қобилияти шаклланишида таълим устувор аҳамиятга эга эди. Энди унинг дунёқараши рекламада ўқиган, радиодан эшитган, кинофильмларда ёки телевидениеда кўрган маълумотлардан ва ҳамкасблари, ўртоқларидан эшитган янгиликларидан шаклланади<sup>5</sup>. Бошқача айтганда, одамлар дунёқараши статик асосда ҳосил бўлади. Уларнинг хотирасида мактабда олган билимлардан фақат ўткинчи таассуротлар ва уларнинг парчалари сақланиб қолади. Бундай киши ижтимоий ҳаёт муаммоларининг моҳиятини чуқур билишга интилмайди. Унинг ижодий фикрлаш қобилияти пасайиб, пировард натижада турли таъсир этувчи воситалар учун тайёр «нишон», «бефарқ, лоқайд одам» пайдо бўлади.

Бугунги замонавий фан «оммавий маданият»нинг (инглизчада mass culture) туб замирида, тижорат моддий манфаатдорлик

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. – Б. 117.

<sup>2</sup> Ғойибназаров Ш. Оммавий маданият. – Т., 2012. – Б. 74.

<sup>3</sup> Паҳрутдинов Ш. Таҳдид – ҳалокатли куч. – Т., 2001. – Б. 11–12.

<sup>4</sup> Қаранг: Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати / Масъул муҳаррир Қ. Назаров. – Т., 2009. – Б. 461.

<sup>5</sup> Қаранг: Моль А. Социодинамика культуры. – М., 1973. – С. 38-39.

борлигини эътироф этади. Тарихга назар солинса, ҳар доим товарлар билан бирга бегона мафкуралар ҳам ёйилгани маълум бўлади. Ҳозир ҳам маданиятлар экспортида товар фаол қўлланилмоқда. Масалан, Ғарб давлатлари рамзлари туширилган, маъносини ўзи ҳам тушуниб етмайдиган турли чет тилидаги ёзувлар битилган кийимларни кийиб юрганлар «оммавий маданият» тарғиботчиси бўлаётганлигини англаб етмайдилар.

«Оммавий маданият», туб моҳиятига кўра, миллий маданиятларнинг кушандаси бўлиб, у маданий плюрализмни хушламайди, унинг асл мақсади – бу оламни бир хил рангда кўриш.

«Оммавий маданият»нинг ёвузлиги шундаки, у одамзоднинг фикрлашига тиш-тирноғи билан қарши<sup>1</sup>. Тўғри, бир қарашда «оммавий маданият» ҳурфикрлилик, инсон эрки тарафдоридек кўринади, лекин барча «илму амали»нинг негизига эътибор берилса, инсоннинг фикрлашига, тафаккур қилишига зид экани аён бўлади. «Оммавий маданият»нинг асл мақсади ҳар куйга солиш мумкин бўлган оломонни шакллантириш бўлгани боис, у маънавий озиқ берадиган, бадиий юксак, ўқувчини мушоҳадага ундаб, тасаввур оламининг кенгайишига хизмат қиладиган асарларни яқинига йўлатмайди.

Афсуски, Ғарбнинг ўзида «вазифасини бажариб бўлган», умумий танқидга учраган оммавий маданият ғояси ҳамон баъзи сиёсий кучлар томонидан янги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий маконларга суқилиб кириш қуроли, воситаси сифатида қўлланиб келинмоқда. Бундан мақсад инсонни миллий бирликдан, ўзликни англашдан узоқлаштириш, оломонни ташкил этувчи манқуртларни шакллантиришдан иборат.

Европапарастлик ва америкача маданият таъсири, шу таъсирга жиддий мойиллик – «оммавий маданият»га эргашиш, одатда, дунёқараши, онги тўлиқ шаклланмаган, миллий ғоя ва қадриятлар моҳиятини англаб етмаган ёшлар орасида кўпроқ кузатилмоқда. Бугун

баъзи ёшларимизнинг киндик кўринар кийи-нишларида, кучоқлашиб, ўпишиб саломлашишларида, Валентин куни каби тадбирларида оммавий маданият таъсири кўраямиз.

Ўрта асрларда уруш пайтида роҳиб Валентин севишганларга гувоҳларсиз, ноқонуний никоҳ ўқиб қўя бошлайди. Рим императори Клавдий II уни қамоққа олиб, ўлим жазосини белгилайди. Қамоқда у турма нозирининг қизи Жулия билан танишади. Ўлими олдидан унга севги изҳори ёзилган юрак шаклидаги «валентинка»ни юборади. Уни 269 йил 14 февраль куни қатл қилишади<sup>2</sup>.

«Севишганлар куни»ни байрам қилувчилар кўпайгани сари садоқат камайиб, ажримлар кўпиб бормоқда. Россиянинг «Известия» газетасида мамлакатда кейинги йилларда ҳар 1000 оиладан 800 таси ажрашаётгани эълон қилинди. Оқибатда 400 000 нафар вояга етмаган болалар етимга айланмоқда. Турмуш қуриш ёшида бўлган, бироқ оила қурмаганлар сони 40 фоизга ошган<sup>3</sup>.

Дунёдаги бир қатор ёшлар ташкилотлари, динларнинг вакиллари ҳам бу байрамга салбий муносабатда. Чунки «Севишганлар куни»нинг негизига қадимги Римда ўтказиб келинган луперкалий эротик байрами ётибди. Бу байрамнинг динларга алоқаси йўқ, балки барча динларнинг қадриятларига зид<sup>4</sup>. Луперкалий байрамида ахлоқсизлик, тартибсиз жинсий алоқалар қўллаб-қувватланган<sup>5</sup>. Бунда «оммавий маданият» жамиятнинг маънавий, ахлоқий қадриятларини, бир сўз билан айтганда, миллий-маиший ҳаётни зимдан таъқиб қилиб боришини кўриш мумкин. Ҳатто миллий, диний тарбиядан, урф-одатлардан бегоналашиш, уларни менсимасликка даъват қилиш холлари ҳам кузатилаётгани ўта ташвишланарлидир.

«Оммавий маданият»нинг вужудга келишида моддий турмуш ва қадриятдаги ўзгаришлар билан бирга, ташқи таъсирни ҳисобга олиш талаб этилади. Шарқда бу жараён «вестернизм», «европацентризм» каби сўз-

<sup>1</sup> Глобаллашув, оммавий маданият, миллий ғоя. – Т., 2009. – Б. 86.

<sup>2</sup> Ҳушёрлик – фаровон ҳаёт кафолати / Postda. – Т., 2013.

<sup>3</sup> <http://www.vokrugnovostei.ru/news/>

<sup>4</sup> Церковь не отмечает День влюбленных. Обобщение//ИИА Новости-Поволжье, 14.02.2008 г.

<sup>5</sup> Мария В. Титова. День Святого Валентина: история праздника / ВСМ.ру ,03.02.2010

---

ларда ифодаланган. Фарб бугунги кунда ўзининг иқтисодий, фан ва техника тараққиёти даражаси жиҳатидан устунлигидан фойдаланиб, ривожланаётган мамлакатларнинг ички ишларига аралашуш ва уларни «ўзлари учун қулай», «тўғри» тараққиёт йўлига бошқаришга интилади. Шу ўрнида, қайд этиш жоизки, Фарбнинг ишлаб чиқариш, фан ва техника тараққиёти, ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида эришган ютуқларини инкор қилиб бўлмайди. Лекин, унинг «қадрияти»ни бошқаларга зўрлаб сингдириш, тараққиёт йўлини универсал восита сифатида қабул қилдириш ҳаракатини асослаб бўлмайди. Ҳар бир миллат ўз тараққиёт йўли ва бетакрор маданиятига эга. Маданий бетакрорлик, миллий ўзлигининг асосидир.

«Оммавий маданият»нинг моҳияти, мазмуни, хусусиятлари ва шарт-шароитларини илмий ўрганиш, уни маданий ҳаётда мавжуд иллат эканлигини кўрсатди. Мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланиш даражаси, турмуш тарзи, сиёсий тузумидан қатъи назар, унинг зарарли таъсиридан холи ривожлана олмайди. Президентимиз Ислам Каримов айтганларидек, «...қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади»<sup>1</sup>.

Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли балоказодек тарқалиб бораётган бундай хуруж-

---

ларга қарши курашуш нақадар муҳим эканини англаб олмақда<sup>2</sup>.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда «оммавий маданият»нинг вайронкор таъсирига қарши курашнинг самарали йўли бўлган халқ маънавиятини юксалтиришга асосий эътибор берилмоқда. Биринчи навбатда, миллий-маънавий қадриятларимизни қайта тиклаш, таълим ва тарбияни яхлит жараён сифатида олиб боришга йўналтирилган оила, маҳалла ва таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, таълимнинг сифат ва самарадорлигини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Бугунги кунда инсон капиталини ривожлантириш даражаси кўрсаткичи бўйича бизнинг мамлакатимиз 35-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса – дунёнинг 141 мамлакати орасида иккинчи ўринни эгаллади<sup>3</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, «оммавий маданият» таҳдиди, бугунги замон воқелигига очик кўз билан, ҳаққоний ва ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этади. Шу боис, Ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод онгида мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида, унинг шафқатсиз ўйинлари тўғрисида бир ёқлама ва сохта тасаввур бўлмаслиги керак. Огоҳлик ва ҳушёрлик, мафкуравий ва маънавий етуклик давримизнинг қатъий талаби эканлигини унутмаслигимиз керак. «Оммавий маданият»нинг ижтимоий ҳаётда вайронкор таъсирини чеклаш, унга қарши курашда ҳар бир фуқаронинг ижтимоий фаоллигини ошириш замон талабидир.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. – Б.116.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б.117.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т., 2013. – Б.17.

Л. Ф. Исхакова\*

## НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ПРАВИЛ ПРОЦЕДУР СЕКТОРА МСЭ-Т МЕЖДУНАРОДНОГО СОЮЗА ЭЛЕКТРОСВЯЗИ

Членство Узбекистана в Международном союзе электросвязи (МСЭ), продвижение национальных интересов и выработка собственной научно-технической политики в сфере ИКТ ставит задачу проведения глубоких исследований специфики деятельности МСЭ и ее Секторов. Как указано в программных документах этой международной организации, миссия МСЭ направлена на разработку стандартов в области телекоммуникаций и информационных технологий, оказание странам необходимой технической помощи, содействие распространению преимуществ новых технологий, обеспечение и расширение международного сотрудничества с целью совершенствования и рационального использования различных видов телекоммуникаций<sup>1</sup>.

Международный союз электросвязи (ITU), являющийся специализированным учреждением ООН, структурно разделен на три сектора, внутри которых распределена основная деятельность, а именно: Сектор радиосвязи (МСЭ-R); Сектор развития электросвязи (МСЭ-D); Сектор стандартизации электросвязи (МСЭ-T)<sup>2</sup>. Деятельность каждого Сектора является самодостаточной и самостоятельной, так как в каждом реализуются свои функции и задачи, принимаются свои международные документы, регулирующие те или иные сферы международной электросвязи. В

каждом Секторе в соответствии с Уставом и Конвенцией МСЭ создана своя система основных и рабочих органов.

Предметом нашего рассмотрения являются правила процедур, действующие в Секторе МСЭ-T, которые в основном закреплены в Резолюции 1, принятой на Всемирной ассамблее по стандартизации электросвязи (ВАСЭ), проходящей раз в четыре года с участием государств-членов и членом-Сектора<sup>3</sup>. Кроме того, правила процедур этого Сектора нашли отражение в некоторых статьях Устава и Конвенции, а также Общего регламента конференций, ассамблей и собраний МСЭ.

В современном мире главная функция МСЭ-T заключается в обеспечении эффективной и своевременной подготовки стандартов, охватывающих все сферы телекоммуникаций.

Результатами деятельности Сектора являются Рекомендации, представляющие собой стандарты, принятые консенсусом и закрепляющие порядок эксплуатации сетей телекоммуникаций и межсетевое взаимодействие. Легкость, с которой мы общаемся по телефону и факсу, где бы мы не находились, является непосредственным результатом действия Рекомендаций МСЭ-T. К сожалению, документы Сектора МСЭ-T не дают определения «Рекомендация», хотя и

\* Доцент кафедры теории и практики прав человека Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат юридических наук.

<sup>1</sup> См.: Стратегический план МСЭ на 2011–2014 гг. // Заключительные акты Полномочной конференции. Гвадалахара, 2010. – Женева, 2011. – С.132.

<sup>2</sup> См. подробнее [www.itu.int](http://www.itu.int)

<sup>3</sup> См.: Резолюция 1 ВАСЭ Внутренний регламент Сектора стандартизации электросвязи МСЭ (МСЭ-T).– Дубай, 2012

подчеркивают рекомендательный характер этих документов, однако называют их в некоторых Резолюциях ВАСЭ стандартами. Сложный и многоэтапный характер разработки, принятия и утверждения Рекомендаций в Исследовательских комиссиях Сектора регламентируется как Резолюцией 1 ВАСЭ, так и целым пакетом Рекомендаций серии А, имеющих отношение к изучаемому нами вопросу как акты процедурного характера. Рекомендации МСЭ-Т – многофункциональные документы, рождающиеся в процессе научных разработок Исследовательских комиссий Сектора, регламентирующие самые разные вопросы, процедуры и технологии сферы связи и ИКТ. Вопросы и направления исследований для ИК определяются и утверждаются Всемирной ассамблеей стандартизации телекоммуникаций, собираемой раз в 4 года, в которой участвуют как государства – члены, так и члены Сектора.

Универсальное регулирование в сфере телекоммуникаций и ИКТ на международном уровне включает как технические и экономические (цены, налоги, тарифы, технологии), так и юридические принципы (способы и методы выработки решений, методы согласования и контроля, санкции, режим функционирования международной бюрократии и т.д.)

Особенность членства МСЭ, который состоит из государств-членов и членов-секторов (компаний, промышленных групп и научных центров) требует создания гибкого механизма, сочетающего в себе как учет суверенитета государств, так и экономических интересов членов-секторов.

Актуальность изучения правил процедур Сектора МСЭ-Т определяется следующими моментами.

Именно правила процедур обеспечивают законность деятельности субъектов международного права, а также должностных лиц международной организации.

Качество правил процедур определяет уровень управления деятельностью Сектором. Так, Резолюция 122 Полномочной конференции 2010 г. МСЭ поставила задачу

поощрять ВАСЭ развивать свои методы работы и процедуры в целях совершенствования управления деятельностью МСЭ-Т.

Правила процедур Сектора МСЭ-Т наиболее динамично развивающиеся нормы, с помощью которых реализуется правотворческая и правоприменительная деятельность в Секторе.

Правовая природа правил процедур международных организаций, по мнению ряда исследователей, остается дискуссионной<sup>1</sup>. Часть исследователей не рассматривают правила процедур как договорные нормы, другие видят в них международно-договорную природу<sup>2</sup>. Закрепление правил процедур в актах различной юридической силы (Устав, Регламент, Резолюция) подтверждает спорный характер правовой природы этих норм и ставит вопрос о проведении глубоких исследований этого вопроса.

Важнейшим документом, регламентирующим внутренние процедуры этого Сектора, является Внутренний регламент Сектора МСЭ-Т, принятый Резолюцией 1 ВАСЭ 2008 г. Эта Резолюция подготовлена Консультативной группой стандартизации электросвязи и утверждается ВАСЭ. В данной Резолюции определены процедуры и методы работы ВАСЭ, Консультативной группы по стандартизации электросвязи (КГСЭ), исследовательских комиссий (ИК), Директора Бюро, а также процедуры предоставления вкладов, разработки и утверждения вопросов и утверждения рекомендаций Сектора.

Следует отметить, что Рекомендации серии А МСЭ-Т также посвящены различным аспектам процедуры, действующей в этом Секторе, таким как методы работы ИК МСЭ-Т, предоставление вкладов, альтернативные процедуры утверждения рекомендаций, публикация рекомендаций и материалов ВАСЭ, сотрудничество и обмен информацией между МСЭ-Т и национальными и региональными организациями по стандартизации.

Документами договорного характера в МСЭ согласно Уставу являются Устав, Конвенция и административные регламенты:

<sup>1</sup> См.: *Фельдман Д.И.* Система международного права. – Казань. 1983

<sup>2</sup> См.: *Пушмин Э.А.* Международный юридический процесс и международное право. — Кемерово, 1990; *Нешатаева Т.Н.* Международные организации и право. Новые тенденции в международно-правовом регулировании. – М., 1999.

Регламент международной электросвязи, Регламент международной радиосвязи и Общий регламент конференций, собраний и ассамблей (ОРКАС). Во всех трех секторах МСЭ на разных уровнях разработаны и действуют правила процедур и другие нормы внутреннего права международной организации. Важнейшие из этих правил даны в Уставе и Конвенции, а также в ОРКАС. Правила процедур, касающиеся деятельности структур Секторов МСЭ (ИК, консультативных групп и высоких собраний секторов) закреплены в Резолюциях 1 соответствующих секторов: МСЭ-Р, МСЭ-Т, МСЭ-Д.

В правилах процедур закреплены требования к действиям участников международных отношений, направленные на достижение определенного материально-правового результата. Реализуя указанные требования, государства-члены и члены секторов непосредственно взаимодействуют в правотворческой и правоприменительной деятельности международной организации.

Международное право определяет, что правила процедуры международных организаций – это созданные государствами общеобязательные правила поведения процедурного характера, регулирующие международные отношения, складывающиеся в рамках международных организаций и направленные на повышение целесообразности и эффективности их деятельности<sup>1</sup>.

Правила процедуры, разработанные в трех Секторах МСЭ, обладают всеми признаками норм международного права:

- являются обязательными для всех государств - членов международной организации;
- регулируют межгосударственные отношения в рамках международной организации;
- направлены на регулирование процессуально-процедурных отношений внутри международной организации;
- соответствуют общепризнанным принципам международного права.

Эти правила служат своего рода моделью определенного поведения государств в между-

народной организации. В то же время они обладают особенностями. Главная состоит в их сугубо организационно-процедурном характере.

Предметом их регулирования являются международные организационно-процедурные отношения, складывающиеся в процессе реализации материальных норм, содержащихся в учредительных актах (уставах) международной организации. Назначение процедурных правил – организовать выполнение требований материальных международных норм.

Правила процедуры носят производный, вторичный характер по отношению к материальным нормам, так как само их существование подчинено общей задаче – обеспечению действия учредительных норм и тем самым поддержанию международного правопорядка в деятельности международных организаций.

Правила процедуры международных организаций и нормы учредительных актов неразрывно связаны: правила процедуры без материальных норм беспредметны, а материальные нормы без правил процедуры не действуют, нежизнеспособны. С помощью правил процедуры можно активно влиять на существо принимаемых решений в рамках международных организаций.

Правовое регулирование в международных организациях немыслимо без рассматриваемых правил. Если материальные нормы учредительных актов международных организаций составляют содержательную сторону правового регулирования, то правила процедуры устанавливают порядок, процедуру их реализации. Они обладают большой потенциальной возможностью, активно влияют на международно-правовое регулирование в рамках международных организаций.

Правила процедур сектора МСЭ-Т в определенной мере даны и в Уставе, и в Конвенции МСЭ. Так, Глава IV А, пункт 145А Устава (Методы работы Секторов) определяет, что ВАСЭ может устанавливать и принимать методы работы и процедуры для управления деятельностью Сектора

<sup>1</sup> См.: Пушмин Э.А. Международный юридический процесс и международное право. – Кемерово, 1990. – С.65.

---

стандартизации, эти методы работы и процедуры не должны противоречить Уставу и Конвенции и Административным регламентам.

Регламентируя правотворческие полномочия, Устав (Глава III, статья 17, пункт 104) определяет, что принятие рекомендаций по техническим эксплуатационным и тарифным вопросам с целью стандартизации электросвязи на всемирной основе является функцией Сектора МСЭ-Т.

Статья 18 Устава (пункт 115) гласит, что ВАСЭ, будучи коллегиальным органом по управлению Сектором, принимает решения и резолюции, которые должны соответствовать Уставу, Конвенции и Административным регламентам.

Статья 13 Конвенции (пункт 186-187) среди полномочий ВАСЭ указывает, что ассамблея утверждает, изменяет или отклоняет проекты рекомендаций, содержащиеся в отчетах ИК.

ИК по стандартизации электросвязи изучают вопросы, принятые в соответствии с процедурой, установленной ВАСЭ, и подготавливают проекты рекомендаций для принятия в соответствии с процедурой, предусмотренной (ст.246 А-247) Конвенции.

Следует подчеркнуть, что Конвенция достаточно полно пытается урегулировать положения, касающиеся ведения работы ИК (ст. ст. 14, 20). Краткий обзор правотворческих процедур Сектора МСЭ-Т, регламентируемых Уставом и Конвенцией показывает, что они связаны с деятельностью ИК, участием государств-членов и членов Сектора, а также полномочиями ВАСЭ. Многоэтапность и сложность процедур разработки, принятия и утверждения рекомендаций и резолюций Сектора свидетельствует о том, что и МСЭ, и Сектор МСЭ-Т уделяют большое внимание этим вопросам, поскольку и они являются правотворческими.

Следует отметить, что Резолюция 1 пункт 1.1 в разделе, посвященном основным полномочиям и функциям ВАСЭ, процесс утверждения рекомендаций даже не упоминает.

Пункт 246 А ст.20 закрепляет определяет, что именно государства-члены и члены секторов определяют: должна или нет разработанная рекомендация быть предметом

официальных консультаций с государствами-членами.

Пункт 246В разрешает некоторым рекомендациям быть утвержденными без официальных консультаций с государствами-членами. Эта процедура получила название АПУ (альтернативный процесс утверждения) и закреплена в Рекомендации А-8 Сектора МСЭ-Т. Появление такой процедуры, как АПУ связано с широким использованием электронных методов работы в деятельности ИК (процедура утверждения Рекомендаций через переписку по электронной почте).

По смыслу пунктов 246 (А,В,С,Д) и 247 Конвенции процедуры утверждения рекомендаций могут быть связаны и не связаны с официальными консультациями с государствами-членами в зависимости от рассматриваемых вопросов. Вопросы, имеющие политические или регуляторные последствия, требуют официальных консультаций и утверждения государствами-членами. Сравнительный анализ положений Конвенции и Резолюции 1 ВАСЭ 2008, посвященных полномочиям ассамблеи, позволяет сделать вывод, что в Резолюции эти полномочия даны уже, чем в Конвенции В пункте 1.1 Резолюции, касающемся полномочий ВАСЭ, нет положения об утверждении рекомендаций.

Ст.14 п.194 Конвенции подтверждает, что ИК подготавливает для ВАСЭ Рекомендации, принятые в соответствии с процедурой консультаций, содержащихся в п.192, и любые проекты новых или пересмотренных Рекомендаций для рассмотрения на Ассамблее.

Вместе с тем п.192, 246А – 247К (ст. 20) конкретно позволяет самим ИК утверждать некоторые рекомендации без официальных консультаций государств-членов (либо передавать ее на Ассамблею). Хотя Конвенция (п.246Д-247Н) и определяет круг вопросов и рекомендаций, не могущих быть утвержденными без ВАСЭ, можно предположить, что абсолютное большинство рекомендаций (например, в 2007г. – 160) уже принимаются с процедурой АПУ, в их разработке и утверждении участвуют в основном члены Сектора. Сторонники ее могут в пользу АПУ высказать много положительных моментов (скорость принятия и утверждения Рекомендаций и т.д.). С другой стороны, традиционный процесс



---

---

утверждения Рекомендаций остается по-прежнему длительным (1 год) и уступает АПУ по времени и процедурам, хотя он реально позволяет всем государствам-членам участвовать в процедуре утверждения Рекомендаций.

Анализ содержания Резолюции 1 и Рекомендаций Серии А Сектора МСЭ-Т, развивающих и уточняющих правила процедур, а также их сравнение с соответствующими нормами Устава и Конвенции МСЭ привел к следующим выводам:

1) в Секторе МСЭ-Т разработаны и действуют правила процедур, позволяющие регулировать международные отношения, складывающиеся в рамках деятельности Сектора и направленные на повышение эффективности и целесообразности деятельности как самого Сектора, так и международного сотрудничества государств-членов и членов Сектора;

2) в Секторе МСЭ-Т, как и в других Секторах МСЭ, приняты и действуют две модели процесса утверждения Рекомендаций, которые позволяют качественно и в ускоренном режиме принимать и утверждать Рекомендации (традиционный процесс утверждения (ТПУ) и альтернативный процесс утверждения (АПУ);

3) традиционный процесс утверждения Рекомендаций по времени значительно превосходит альтернативный процесс, что приводит к тому, что исследовательские комиссии предпочитают использовать последний. В связи с этим ТПУ нуждается в сокращении своего срока;

4) правила процедур Сектора разрабатывались в течение длительного времени,

---

---

апробировались на практике и по многим аспектам имеют свою специфику, отличную от секторов МСЭ- R и МСЭ- D;

5) Сектор МСЭ-Т уделяет внимание постоянному совершенствованию правил процедур, что находит отражение в изменениях, вносимых в Резолюцию 1 на всех последних ВАСЭ;

6) особенность правил процедур Сектора заключается в том, что в их разработке участвуют не только государства-члены, но и члены Сектора;

7) в настоящее время, когда в Рабочей группе Совета МСЭ идет работа по выработке стабильного Устава МСЭ, было бы целесообразно правила процедур как наиболее динамично развивающиеся нормы международного права, касающиеся Секторов, выделить из Устава и Конвенции.

8) Резолюция 1 ВАСЭ в разделе 4 определяет полномочия и функции Консультативной группы по стандартизации электросвязи, однако в пункте 4.7 рекомендует в общем случае применять тот же внутренний регламент, что и к исследовательским комиссиям. На наш взгляд, КГСЭ нуждается в собственных правилах процедур как координационный и контролирующий орган деятельности исследовательских комиссий Сектора.

Небольшой обзор правил процедур Сектора стандартизации МСЭ позволил выявить общее и особенное в правилах этой международной организации и в тоже время поставить вопрос о необходимости их дальнейшего изучения как процессуальных международно-правовых норм, влияющих на правотворческую и правоприменительную деятельность МСЭ.

*Н. Адилова\**

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Маълумки, илм-фан, техниканинг жадал ривожланиши натижасида интеллектуал мулк объектларининг кўплаб янги турлари яратилиб, тижорат муомаласига киритилмоқда. Ушбу мулк объектларининг ҳар бир тури ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Хусусан, айрим мураккаб интеллектуал мулк объектлари аксарият ҳолларда хизмат топшириғини бажариш тартибида бир неча муаллифлар томонидан яратилади. Шу боис яратилаётган бундай мулк объектларига ҳақ тўлаш, ундан муаллифнинг фойдаланиши масалалари алоҳида қизқиш уйғотади. Чунки, интеллектуал мулк объектлари яратувчиларини ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, келгусида янгидан-янги объектларнинг яратилишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1062-моддаси<sup>1</sup>, «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги<sup>2</sup> қонуннинг 8-моддаси, «Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги<sup>3</sup> қонуннинг 34-моддаси хизмат тартибида яратилган интеллектуал мулк натижаларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар, мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқлар тегишлилигига доир қоидаларни белгилашига қарамай, хизмат

тартибида яратилган интеллектуал мулк объектлари муаллифлари учун ҳақ тўлаш тартиби ва ҳажми борасида алоҳида норма мавжуд эмас.

«Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонуннинг 34-моддасида хизмат асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун муаллифлик ҳақи миқдори ва уни тўлаш тартиби муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада белгиланади. Иш берувчи билан тузилган шартномадан қатъи назар, муаллиф асар ошкор қилинган вақтдан эътиборан ўн йил ўтганидан кейин, иш берувчининг розилиги билан эса ундан ҳам олдинроқ асардан фойдаланиш ва муаллифлик ҳақини олиш ҳуқуқини тўлиқ ҳажмда қўлга киритиши ҳақида норма мавжуд. Бунда муаллифнинг хизмат асаридан топшириқ мақсади тақозо этмайдиган усулда фойдаланиш ҳуқуқи қонун билан чекланмайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги қонунининг 10-моддасига кўра, ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчидан олган аниқ топшириқни бажариш муносабати билан яратилган саноат мулки объектининг патентига бўлган ҳуқуқ, агар бу ҳол улар ўртасида тузилган шарт-

\* Тошкент Давлат юридик институтининг тадқиқотчиси.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси: Расмий нашр. — Т., 2011. — Б. 556.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги 1994 йил қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1994.— № 5.— 136-м.; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2002. — № 4-5.—74-м.; № 9. — 165-м. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012.— №52. — 555-м.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонуни / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006. — №28—29. — 260-м.

---

номада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади.

Агар иш берувчи билан муаллиф (хаммуаллифлар) ўртасидаги шартномада ушбу модданинг иккинчи қисмидаги қоидалар назарда тутилган бўлмаса, у ҳолда муаллиф (хаммуаллифлар) талабнома топшириш ва саноат мулки объектнинг патентини ўз номига олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда иш берувчи патент эгасига шартномада белгиланадиган миқдорда товон тўлаб, ўз ишлаб чиқаришига тегишли саноат мулки объектдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Иш берувчи саноат мулки объектини сир сақлаган тақдирда муаллифга (хаммуаллифларга) мутаносиб равишда ҳақ тўлаши шарт, ҳақ миқдори шартномада белгиланади.

Айрим муаллифлар фойдали моделларни «кичик ихтиролар» сифатида кўради. Ихтиро ва фойдали модел ўртасида ижодий ҳиссада муайян фарқ бўлади. Фойдали модел учун патент олишда яратилган қурилма илгаридан маълум бўлмайди, ихтиро учун эса, ихтирочилик даражаси мавжуд бўлиши зарур. Фойдали модел сифатида кўрсатилган конструкциянинг янгилиги ихтиро учун талаб қилинадигандек муҳим (маълум бўлмаган) бўлмаслиги мумкин. Шу боис хизмат тартибида яратилган фойдали моделга патент олинганлиги учун бериладиган рағбатлантириш ҳажми ҳамда хизмат тартибида яратилган фойдали модел хизмат тартибида яратилган ихтирога нисбатан камроқ бўлиши зарур<sup>1</sup>.

Фикримизча, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай интеллектуал фаолият натижасини хизмат тартибида яратганлик учун тўланадиган ҳақ миқдори назарда тутилиши зарур. Бунда фақат интеллектуал мулк объектини яратишнинг осон ёки қийинлиги нуқтаи назаридан эмас, балки ундан тижорат муомаласида кўрилиши мумкин бўлган фойда нуқтаи назаридан ҳам қимматга эгаллиги муҳим саналади. Мазкур ҳолатда

---

интеллектуал фаолият натижаси хизмат тартибида, пудрат шартномаси ёки хизмат кўрсатиш тартибида яратилишидан қатъи назар, ҳар қандай ҳолатда ҳам нисбатан “заиф” тараф бўлган муаллифнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланишига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 7-моддасига кўра, ходимнинг ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчининг топшириғини бажариши вақтида яратган (хизмат топологияси) топологиянинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома олиш ҳуқуқи, башарти бу улар ўртасидаги шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади. Хизмат топологияси учун муаллифга тўланадиган мукофот пулининг миқдори, шартлари ва тартиби у билан иш берувчи ўртасидаги шартнома билан белгиланади.

Топологияни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома муаллиф, иш берувчи ёки уларнинг ҳуқуқий вориси томонидан бевосита ёки ишончли вакил орқали Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилади. Топологияни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома бериш, агар топологиядан фойдаланилган бўлса, ундан биринчи марта фойдаланилган санадан эътиборан икки йилдан ошмаган муддатда амалга оширилиши мумкин. Топологияни рўйхатдан ўтказишга доир талабнома битта топологияга тааллуқли бўлиши керак. Топологияни рўйхатдан ўтказишга доир талабномани расмийлаштириш учун зарур бўладиган ҳужжатларга доир талаблар Интеллектуал мулк агентлиги томонидан белгиланади (8-м.)<sup>2</sup>.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қонун чиқарувчи томонидан асосий имконият шартнома тарафлари ихтиёрига қўйиб берилган. Бунда тарафларнинг шартнома шартларида ҳар бир ҳолатни атрофлича

---

<sup>1</sup> Буренков Н. Проблемы выплаты вознаграждения за служебные объекты интеллектуальной собственности // Хозяйство и право. – 2011. – №6. – С.112.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – №5. – 87-м.

---

кўрсатиб ўтиши мақсадга мувофиқдир. Бирок, қонун чиқарувчи томонидан айрим интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқий қоидаларнинг белгиланмаганлиги иш берувчи учун муаллиф ҳуқуқларининг бузилишига имкониятлар яратиш беради. Қонуннинг юқоридаги нормаси иш берувчининг манфаатларини таъминлашга қаратилган, деб айтиш мумкин. Чунки, саноат мулки объектига нисбатан иш берувчи томонидан патент олиниши келгусида муаллифга муайян миқдорда (шартнома асосида) ҳақ тўлашни назарда тутати. Бунда иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган шартномада ҳақ тўлаш тартиби, шартлари, ҳажми назарда тутилган бўлиши лозим. Келгусида бу борада низо келиб чиққан ҳолларда эса, ушбу низо суд томонидан ҳал қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунининг 39-моддасига кўра, тўланадиган ҳақ муаллифлик шартномасида асардан фойдаланишнинг тегишли усули учун олинадиган даромаддан фоиз тарзида белгиланади ёки агар буни асарнинг хусусияти ёки ундан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш мумкин бўлмаса, шартномада қайд этилган сумма тарзида ёхуд бошқача тарзда белгиланади. Мазкур муаллифлик ҳақининг энг кам миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ушбу қонуннинг 21-моддасида эса, фонограмма ёки аудиовизуал асар нусхаларини прокатга беришда муаллиф, фонограмма ёки аудиовизуал асарни прокатга бериш ҳуқуқи фонограммани тайёрловчига ёки аудиовизуал асарни тайёрловчига ўтказилганлигига қарамай, фонограмма ёки аудиовизуал асар нусхаларининг прокати учун ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Мазкур ҳақининг энг кам миқдори, уни тўлаш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муаллифлик ҳақи ва бошқа

ҳақ тўлаш турлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2007 йил 8 январдаги 8-сонли қарори асосида «Фан, адабиёт ва санъат асарлари нашр этилганлиги учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари», «Оммавий ижро этиш учун драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик адабий асарлар яратиш бўйича буюртмаларни бажарганлик учун ҳайкалтарошлик асарлари, тасвирий санъат асарлари яратганлик, бадиий лойиҳалаштириш ва конструкциялаш учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари, шунингдек ушбу ҳақ Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тўланганда унинг энг юқори ставкалари», «Драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик асарларни саҳналаштирганлик учун ҳақ тўлашнинг энг кам ставкалари ҳамда ушбу ҳақ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланганда унинг энг юқори ставкалари», «Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги каналлари орқали, телевидение ва радиода бериладиган материаллар учун ҳақ тўлашнинг энг кам ставкалари», «Кинофильмлар учун адабий сценарийлар, оригинал мусиқа ва кўшиқлар матнларини яратганлик учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари», «Кинофильмлар учун маслаҳатлар бериш бўйича мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлашнинг энг кам ставкалари», «Кинофильмлар постановкаси учун уларнинг бадиий даражасига кўра суратга олиш гуруҳларининг ижодий ходимларига постановка қилганлик ҳақининг энг кам ставкалари» тасдиқланган<sup>1</sup>.

Юқоридагилардан қонунчиликда асосан турдош ҳуқуқлар, яъни адабий асарларни тасарруф қилиш натижасида тўланадиган ҳақ назарда тутилади. Худди шундай ҳолат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланганликнинг айрим турлари учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари тўғрисида»ги 2008 йил 19 январь 10-сонли қарорида ҳам белгиланган. Ушбу қарор асосида «Асарлар оммавий ижро этилганлиги учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари тўғрисида»ги низом, «Асарлар овозли ёзувда

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2007. – №1–2. – 14-м.

такрорланганлиги, овозли ёзувлар ва аудиовизуал асарлар нусхалари прокатга берилганлиги учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари тўғрисида»ги низом, «Тасвирий санъат асарлари такрорланганлиги ва декоратив-амалий санъат асарлари нусхалари саноатда кўпайтирилганлиги учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари тўғрисидаги низом»лар тасдиқланган. Бунда ушбу муаллифлик ҳуқуқи объектларининг ҳар бир тури учун тўланадиган ҳақнинг энг кам миқдори бир асар ёки дастур оммавий ижро этилганлиги учун чипталар сотишдан тушадиган ялпи йиғим суммасидан фоизларда, чипталар сотишдан тушган ялпи суммадан ва шартнома бўйича кафолатланган тўлов суммасидан, шунингдек бир асар ёки дастур оммавий ижро этилганлиги учун умумий даромад суммасидан фоизларда, буюмнинг ҳар бир нусхасини сотиш нархига нисбатан фоизлардаги муаллифлик ҳақи ставкалари белгиланади<sup>1</sup>.

Бунда интеллектуал мулк объектларининг алоҳида натижаларини яратганлик учун ҳақ тўлашга нисбатан мазкур қоидаларни тўғридан-тўғри қўллаш қай даражада мақсадга мувофиқ келишини аниқлаш талаб қилинади. Бироқ, айрим интеллектуал мулк объектлари асосан хизмат топшириғини бажариш тартибида яратилади (масалан, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар, интеграл микросхемалар топологиялари кабилар). Бу ҳолатда асосий эътибор мазкур муаллифлик ҳуқуқи объектларини фуқаролик муомаласида бўлиш хусусияти, уни яратиш учун қилинган сарф-харажатларга боғлиқ бўлиши мумкин.

Бу ўринда яна бир ҳақли савол туғилади. Бозор иқтисодиёти шароитида иш берувчи ва хизмат топшириғини бажарувчи шахс ўртасида тузиладиган шартномада ҳақ тўлаш қандай мезонга кўра белгиланади? Фикримизча, ҳар бир муайян ҳолатда яратилган интеллектуал мулк объекти турига хос бўлган хусусиятга эътибор қаратиш керак. Бунда яратилган

интеллектуал мулк объектнинг янгилик даражаси, уни яратиш учун кетган сарф-харажатлар, молиявий, маъмурий кўмаклар ҳам катта аҳамиятга эга.

Бу ўринда интеллектуал мулк объектларини баҳолашга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 8 майда 1953-сон билан рўйхатга олинган «Интеллектуал мулк объектларини баҳолаш тартиби тўғрисида»ги низомга кўра, интеллектуал мулк объектини баҳолаш мол-мулкни баҳолаш миллий стандартларига мувофиқ баҳоловчи ташкилотлар томонидан амалга оширилади ва баҳолаш ҳисоботи билан расмийлаштирилади. Интеллектуал мулк объектнинг қиймати уч ёндашув билан, яъни даромадли, харажатли, қиёсий ёндашувлар билан аниқланади. Баҳолашнинг уч ёндашувидан бирини қўллаш мумкин бўлмаган тақдирда баҳоловчи ташкилот у ёки бу ёндашувни қўллаш рад этилишини зарур равишда баҳолаш ҳисоботида асослаши керак<sup>2</sup>.

Интеллектуал мулк объектдан фойдаланишдан олинадиган асосий фойдалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

а) маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишда ёки асосий ва айланма маблағларга сармоя киритишдаги харажатлардан тежаш, шунингдек харажатларни амалда камайтириш, интеллектуал мулк объектдан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритишда харажатларнинг бўлмаслиги (масалан, лицензия тўловларининг йўқлиги, лицензияларга даромаддан энг кўп эҳтимолдаги улушни ажратиш заруратининг бўлмаслиги);

б) ишлаб чиқарилаётган дона маҳсулотнинг (иш, хизмат) нархини ошириш;

в) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг (иш, хизмат) сотув ҳажмини ошириш;

г) солиқлар ва (ёки) бошқа мажбурий тўловларни камайтириш;

д) қарз эвазига хизмат кўрсатиш тўловларини камайтириш;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2008. – №3–4. – 12-м.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2009. – №19–20. – 241-м.

е) баҳолаш объектини ишлатишда пул оқимини олишдаги таваккалчиликни камай-тириш;

ж) баҳолаш объектидан фойдаланишдаги пул оқимининг вақтинчалик тузилишини яхшилаш;

з) фойдаларнинг бошқа шакллари ва кўрсатилган шаклларнинг турли комбинациялари ва ҳ.к.<sup>1</sup>.

Аввало, баҳоланадиган объект интеллектуал мулк объекти деб ҳисобланиши учун ҳуқуқий муҳофазага олинган бўлиши лозим. Таъкидлаш жоизки, интеллектуал мулк объекларининг қуйидаги турлари бўйича ҳуқуқий муҳофаза қилиш, уларнинг яратилиши (вужудга келиш) факти асосида содир бўлади:

— фан, адабиёт, санъат асарлари;

— ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари;

— ижролар, ижроларни саҳналаштириш, эшиттириш ва кўрсатувлар;

— интеграл микросхемалар топологиялари<sup>2</sup>.

Шуни қайд этиш лозимки, баҳолаш фаолияти асосан иқтисодий қонуниятларга бўйсунди. Баҳолашни амалга ошириш учун муайян бухгалтерия ҳужжатлари, товар ҳақида маълумот бўлиши муҳим (масалан, олдидотди шартномаси, патент ва ҳоказо). Бироқ, ҳар доим ҳам ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат бўлмаслиги мумкин. Демак, ҳар бир ҳолатда баҳоловчи шахс интеллектуал мулк объеклари ҳақида тасаввур ҳосил қила олиши, бу борада унинг қонунчиликдан хабардор бўлиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасида баҳолаш фаолияти билан боғлиқ қонунчилик базаси яратилган бўлиб, улар такомиллаштирилмоқда. Хусусан, баҳоловчи ташкилотлар

фаолиятини такомиллаштириш концепцияси ҳаётга жорий қилинмоқда. Мол-мулкни баҳолаш миллий стандартлари ишлаб чиқилган ва амалда қўлланилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги 1999 йил 19 август қонуни<sup>3</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги 2008 йил 24 апрель қарори, шунингдек, 2008 йил 24 апрель қарорига Илова билан тасдиқланган «Баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчилар тўғрисида»ги низом қабул қилиниб, амалга киритилган.

Ҳар бир интеллектуал мулк объеклари турлари ўзига хос оригинал ва бир-биридан фарқли хусусиятлари билан ажралиб туради ҳамда бу хусусият уларни баҳолашда ҳам ўз таъсирини кўрсатиши табиий. Шу сабабли, интеллектуал мулк ҳар бир объектининг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, унинг муайян объектни баҳолашда тегишли низом, услубий қўлланма, методика ва стандартлар мавжуд бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Хорижий мамлакатларда хизмат тартибида яратилган интеллектуал мулк объекларига нисбатан ҳуқуқлар борасида ўзига хос ёндашув мавжуд. Россия Федерациясида юридик шахслар хизмат тартибида яратилган асарларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқининг дастлабки эгаси, яъни бу ўринда агар иш берувчи ва ходим ўртасидаги шартномада бошқача ҳол белгиланган бўлмаса, барча мулк ҳуқуқлар иш берувчига тегишли бўлади<sup>4</sup>.

Бу ўринда *хизмат вазифасини бажариш тартибида* яратиладиган интеллектуал мулк

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Интеллектуал мулк объекларини баҳолаш тартиби тўғрисида»ги Низом / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2009.— №19—20.— 241-м. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 8 майда 1953-сон билан рўйхатга олинган.

<sup>2</sup> Гражданское право: Учебник. Ч.3 / Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. Изд. 6-е. — М., 1996. — С 53.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги 1993 йил 19 август қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1999.— №9.— 208-м.

<sup>4</sup> Интеллектуальная собственность (исключительные права): Учебное пособие / Под ред.Н.М.Коршунова. — М., 2006 (576). — С.80.

---

объектларини ҳамда буюртма асосида яратиладиган интеллектуал мулк объектларини фарқлаш лозим. Айрим ҳолларда интеллектуал мулк объектлари хусусан, фан, адабиёт ва санъат асарлари давлат буюртмаси асосида ҳам яратилиши мумкин. Бу борада Россия Федерацияси Гражданлик кодексининг 4-қисмида (1298-м.) алоҳида қоидалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 457-464-моддаларида давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб беришнинг давлат контрактига доир қоидалари ўз ифодасини топган. Бироқ, турли хил шартномалар асосида давлат маблағлари ёки молиялашнинг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобига (давлат эҳтиёжлари учун) интеллектуал мулк объектларини яратишга доир қоидалар ўз ифодасини топмаган.

Давлат эҳтиёжлари асарларни яратиш ва уни келгусида ҳаётга татбиқ қилиш орқали таъминланади. Шу сабабли, яратиладиган асарга нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг тақдири муҳим саналади. Ижрочи яратиладиган ижодий фаолият натижасини амалда тасарруф қилишда иштирок этади. Шу сабабли ҳам ижрочиға мутлақ ҳуқуқларни тақдим қилиш мақсадга мувофиқ.

Давлат буюртмаси асосида яратиладиган асарга нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг кимга тегишли бўлиши ижрочи зиммасидан шартномада назарда тутилган талабларга мос равишда шартномани лозим даражада бажариш мажбуриятини бекор қилмайди.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига 1062<sup>1</sup>-модда тарзида куйидаги қўшимчани киритиш мақсадга мувофиқ:

**1062<sup>1</sup>-модда. Давлат буюртмаси асосида яратилган фан, адабиёт ва санъат асарлари**

*Давлат буюртмаси асосида яратилган фан, адабиёт ва санъат асарига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар, агар шартномада ушбу ҳуқуқ давлат буюртмачиси сифатида қатнашаётган Ўзбекистон Республикасига*

---

*тегишлилиги белгиланган бўлмаса, муаллиф ҳисобланган ижрочиға ёки биргаликда ижрочиға ва Ўзбекистон Республикасига тегишли бўлади.*

*Агар фан, адабиёт ва санъат асарига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар давлатга тегишли бўлса, ижрочи ўзининг ходимлари ва учинчи шахслар билан тегишли шартномаларни тузиш орқали барча ҳуқуқларни олиши ёки ушбу ҳуқуқларни давлатга ўтишини таъминлаши зарур. Бунда ижрочи учинчи шахслардан олиш учун қилган тегишли харажатларини қоплатиш ҳуқуқиға эга бўлади.*

*Агар давлат буюртмаси асосида яратилган фан, адабиёт ва санъат асари ушбу модданинг 1-қисмиға мувофиқ давлатга тегишли бўлмаса, ҳуқуқ эгаси давлат буюртмачисининг талабига кўра, у кўрсатган шахсға тегишли фан, адабиёт ва санъат асаридан давлат эҳтиёжлари учун фойдаланишға оддий (номутлақ) лицензияни текинға бериши шарт.*

*Агар давлат буюртмаси асосида яратилган фан, адабиёт ва санъат асари биргаликда ижрочиға ва давлатга тегишли бўлса, давлат буюртмачиси ижрочини хабардор қилган ҳолда, мазкур фан, адабиёт ва санъат асаридан фойдаланиш бўйича оддий (номутлақ) лицензияни текинға тақдим қилишға ҳақли.*

*Ижрочиға мутлақ ҳуқуқлар ўтган ҳолларда ходим ФКнинг 1062-моддасига мувофиқ мукофот олиш ҳуқуқиға эга.*

Шундай қилиб, юқорида келтирилган қонун ҳужжатларининг таҳлили ФКнинг хизмат тартибида яратиладиган интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан ҳуқуқлар, патент олиш тартиби ва шартлари, иш берувчи ёки буюртмачи томонидан хизмат асарлари муаллифларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ қоидалар такомиллаштирилиши зарур. Бунда тўланадиган ҳақ миқдори жаҳон стандартлари талабларига мос бўлишиға эришиш катта аҳамиятға эга.

## ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА КЕЛИШУВ БИТИМИНИ ҚўЛЛАШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Фуқаролик процесси доирасида фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширишда суд фуқаролар, ташкилотлар, жумладан оммавий тузилмаларнинг тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолиятлари соҳасидаги бузилган ёки низоли ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ишларни кўриб чиқади ва ҳал этади<sup>1</sup>. Бироқ ҳозирги вақтда ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг судлов тартиби муайян ҳуқуқий муносабатлар субъектлари ўртасида юзага келадиган низоларни тартибга солишнинг ягона усули ҳисобланмайди. Жаҳон амалиётида низоларни ҳал этишнинг медиация, ярашув, арбитраж, воситачилик ва бошқа бир қатор муқобил усулларининг ўрни тобора ортиб бормоқда ва бу йўналиш тарафлар ўртасида юзага келадиган тортишувларни келишув йўли билан тартибга солиш стандартлар тарихида кўриладиган тадбиркорлик соҳасида ҳаммадан ҳам кўпроқ қўлланилмоқда.

Низоларни ҳал этишнинг муқобил йўллари ҳуқуқнинг англо-саксон тизимида айниқса кенг ривожланган. Масалан, АҚШнинг 1000 та йирик корпорациясида ўтказилган сўров натижаларининг кўрсатишича, улардан 88 % сўнги уч йил давомида медиациядан фойдаланган, 79 % арбитраж судларга мурожаат қилган, 81% судлов тартибларига қараганда медиацияни нисбатан мақбул шакл деб

атаган, 59% нинг таъкидлашича, у келгусида низо иштирокчилари ўртасида ҳамкорлик муносабатларини сақлаб қолиш имконини берган<sup>2</sup>.

Европа ҳамжамияти доирасида кейинги ўн йил давомида ҳам ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш имкониятларидан бири сифатида низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларига мурожаат қилиш йўналиши кузатилади. Хусусан, 2002 йилда Европа комиссияси томонидан «Фуқаролик ва тижорат ҳуқуқида низоларни муқобил ҳал этиш масалалари бўйича яшил китоб» ишлаб чиқилган эди<sup>3</sup>. Назаримизда, ҳуқуқий низоларни ҳал этишнинг суддан ташқари тартибларининг оммавийлиги, бир томондан, низоларни ҳал этиш суд тартибининг номукамаллиги (судларнинг ҳаддан ташқари кўп ишларни ҳал этиш билан бандлиги, судлов ишларининг узоққа чўзилиши, суд харажатларининг ўсиб бориши, судлов органларига ишончнинг йўқлиги) билан, бошқа томондан эса, ишни кўриб чиққанидан кейин шахсий, ишга оид муносабатларни сақлаб қолиш имкониятлари билан изоҳланади. Чунки суддан ташқари тартибдаги доирада низони кўриб чиқиш натижасида томонлар ярашуви юзага келади, ҳар икки низо иштирокчиси учун мақбул бўлган келишувга эришилади ва келгусида уни

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари юридик фанлар цикли ўқитувчиси.

<sup>1</sup> Қаранг: *Шорахметов Ш. Ш.* Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик-процессуал ҳуқуқи: Дарслик. — Т., 2006. — С. 98.

<sup>2</sup> Қаранг: *Херсонцев А. И.* Альтернативное разрешение споров: проблемы правового регулирования и европейский опыт // *Российский юридический журнал.* — 2003. — № 3. — С.116—117.

<sup>3</sup> Қаранг: *Ўша манба.* — Б. 117.



---

мажбурий тарзда ижро этишга ҳожат қолмайди.

Инсон руҳиятини ўрганувчи, унинг психикасини таҳлил қилувчи фан вакиллари инсон хулқ-атвори замиридаги омилларга эътибор қаратганлар. Бундай омиллар ичида инсоннинг бир-бирига қарама-қарши бўлган икки интилиши ажралиб туради: бир томондан, одамлар ижтимоий ҳамкорликка интиладилар, иккинчи томондан эса уларнинг хулқ-атворида ибтидоий даврдан мерос бўлиб қолган агрессия (тажовузкорликка)га мойиллик намоён бўлади. Жамиятнинг вазифаси – муайян сублимация ва агрессияга табиий мойилликни сўндириш механизмини ишлаб чиқишдир<sup>1</sup>. Бу жихатдан ярашув тартиблари ва «ижтимоий ҳамкорлик» йўлидаги «ибтидоий даврдан мерос бўлиб қолган агрессияга мойиллик» сублимацияси ўртасидаги ўхшашликни топиш ўринлидир. Назаримизда, ярашув тартибларининг мақсади томонларни низо ҳолатидан чиқариш ва уларни келгусида ҳамкорлик қилиш ҳолатига келтиришдир.

Таъкидлаш жоизки, қонун чиқарувчи фуқаролик ҳуқуқи доирасида ярашув тартибларини қўллаш имконига йўл қўяди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига суд томонларни яраштириш чораларини кўради, улар низоларни тартибга солишга кўмаклашади, деб кўрсатилгани ҳолда, судларнинг томонларнинг ярашувига ёрдам бериш мажбурияти мустаҳкамланган. Амалдаги қонунчилик судларга томонларни яраштириш вазифасини юкларкан, яраштирув функциясини амалга ошириш тартибини батафсил тартибга солмайди. Шу муносабат билан, табиий савол туғилади: ярашув тартибларини қўллашда суднинг ҳаракатлари нималарда ифодаланиши лозим? Суд келишув битимлари шартларини ишлаб чиқишга кўмаклашиши керакми ёки унинг низоли ҳал этишнинг ўзаро мақбул шартларини белгилашда томонларга ёрдам берадиган воситачига берадиган тавсиялари етарлими?

---

Жаҳон амалиётида бунинг бир қатор турлари маълум. Масалан, АҚШда фуқаролик процессининг Федерал қоидаларига мувофиқ судьяларга судга қадар бўладиган муҳокамаларда низоларни тартибга солиш учун томонларга кўмаклашиш тавсия қилинади. «Айрим судларда муроасага эришишга уриниш иш муҳокама қилиш учун тўлиқ тайёр бўлганидан сўнг амалга оширилади. Бошқаларида эса, низоларни тартибга солиш процессни ташкил қилиш ҳаракатларидан олдин амалга оширилади. Учинчисида ҳар икки ҳаракат бир вақтнинг ўзида амалга оширилади. Айрим судлар низоларни тартибга солиш ҳафтасини ўтказишни олдиндан режалаштирадилар. Бу муддат давомида барча ёки аксарият судлар ўз ишларини орқага суриб қўйиб адвокатлар ёрдамида томонлар ўртасида келишувга эришиш ишлари билан шуғулланадилар»<sup>2</sup>. Америка фуқаролик процессида низоларни тартибга солиш низоларни ҳал этишнинг ҳар икки томонга маъқул келадиган вариантларини ишлаб чиқишда тарафларга ёрдам берадиган судьялар томонидан ҳам, судга қадар бўладиган мажлисларни ўтказиш учун судьялар тайинлайдиган мутахассислар ёки магистратлар томонидан ҳам ўтказилади. Мутахассислар бўлиб, бир томондан, судьялар юритувида бўлган ишларни бошқаришни таъминлайдиган, бошқа томондан эса, низоларни тартибга солишга кўмаклашадиган суд ёрдамчилари ҳисобланади. Одатда, мутахассис сифатида томонлар ўзаро танлаган, вазифаси ишни кўриб чиқадиган судьянинг қарори билан расмийлаштирилган шахс тайинланади. Судьянинг қарорида, шунингдек мутахассис низоли судга қадар тартибга солиш учун зарур бўладиган ҳаракатларни амалга ошириш режасини тақдим этиш муддатлари кўрсатилади<sup>3</sup>.

Хитой Халқ Республикаси Фуқаролик процессида халқ судлари фуқаролик ишларини кўриб чиқиш жараёнида томонларнинг ярашувини амалга оширади. ХХР ФПКнинг 87-

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Деннис Лойд*. Идея права. – М., 2002. – С. 45.

<sup>2</sup> *Носырева Е. И.* Альтернативное разрешение споров в США. – М., 2005. – С. 148.

<sup>3</sup> Қаранг: *Кўрсатилган манба*. – С. 151.

моддасига мувофиқ, ярашувни амалга ошираётган халқ судлари ярашувга кўмаклашувчи тегишли ташкилотлар ва хусусий шахсларни таклиф қилиши мумкин (ХХР ФПК 87-м.). Ярашув натижасида келишувга эришилганида, ХХР халқ суди даъво талаблари, иш ва ярашув натижалари бўйича фактлар кўрсатилган келишув битимини тузади. У судьялар, суд мажлисининг котиби томонидан имзоланади, муҳрланади ва томонларга тақдим этилади (ХХР ФПК 89-м.). Агар никоҳни бекор қилиш, алимент тўлаш тўғрисидаги ишлар бўйича ярашувга эришилган бўлса, зудлик билан ижро этиш кўзланган ишлар ва ярашув битимини тузиш зарурати бўлмаган ишлар бўйича, ХХР халқ суди ярашув битимини тузмаслиги мумкин, бундай ҳолларда томонларнинг келишуви суд мажлиси судьяси ва котиби томонидан имзоланганидан ёхуд муҳр босилганидан сўнг дарҳол қонуний кучга кирадиган баённома билан расмийлаштирилади (ХХР ФПК 90-м.). Агар ярашув натижасида келишувга эришилмаган ёки томонлардан бири унга келишув битимини тақдим этгунга қадар ўз қарорини ўзгартирган бўлса, ХХР халқ суди ишни ўз вақтида ҳал этиши лозим<sup>1</sup>.

Европа мамлакатларидаги аксарият фуқаролик-процессуал кодекслар низоларни яраштирув тартиблари ёрдамида судга қадар мажбурий тартибга солишни назарда тутди. Бельгия ва Францияда суд томонларга низоларни муқобил тарзда ҳал этиш механизми ёрдамида зиддиятни тартибга солишни таклиф қилиши лозим. Бироқ бунда, низо иштирокчиларининг икки ёқлама келишуви принципига амал қилиш лозим. Испания ва Италияда судья томонларнинг яраштирув тартибларига мурожаат қилишга ишонтариш учун барча чораларни қўллаши шарт. Англия ва Уэльсда суд, агар низо иштирокчилари медиациядан бўйин товласалар, уларга молиявий санкция қўйишга ҳақлидир. Германияда томонлар низони муқобил тарзда ҳал этиш доирасида низони

тартибга солишга уринмагунларига қадар судлов ишлари бошланмайди. Грецияда, агар томонлар ярашув орқали ишни ҳал этишга уринмаган бўлса, биринчи инстанция судларида ишларни кўриб чиқишга рухсат этилмайди<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, аксарият чет эл мамлакатларида ярашув битими бир вақтнинг ўзида моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий хусусиятларни қамраб олади. Айни пайтда, келишув битими процессуал ҳамда моддий-ҳуқуқий акт сифатида илгари сурилади.

Таъкидлаш жоизки, чет эл суд амалиётида келишув битимлари арбитраж процессида ҳам кенг қўлланилади. Фуқаролик ва арбитраж процесслари кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшашдир. Кўпинча келишув битимларини тузиш учун арбитраж келишуви ва воситачилар (медиаторлар) фаолияти асос бўлиб ҳисобланади. Н. В. Шелкопляснинг таъкидлашича, «яқин-яқинларда ҳам бир қатор мамлакатлар (Испания, Португалия, Аргентина) қонунчилигида арбитраж келишувининг бу икки мустақил шакли турлича тартибга солинган (арбитраж писандаси ва ҳакамлар ёзуви назарда тутилмоқда). Одатда, биттагина арбитраж писандасининг мавжудлиги арбитражга ваколат бериш учун етарли эмас, деб топилган. Мавжуд бўлиши арбитраж ваколатининг асоси бўлиб хизмат қиладиган ҳакамлар ёзувини қўшимча тузиш зарур бўлган. Агар томонлар ҳакамлар ёзувини тузишдан бош тортсалар, унда суд томонларни арбитраж процессида иштирок этишга мажбурлай олмаган, яъни арбитраж писандаси моҳиятан ижро этиш кучига эга бўлмаган. Ҳозирги кунда арбитраж писандасига қўшимча равишда ҳакамлар ёзувини тузишни тақозо этадиган қоидалар фақат айрим давлатлар, масалан, Бразилиядагина сақланиб қолган»<sup>3</sup>.

Арбитраж келишуви низони мавжуд арбитраж марказларидан бирида ёки ad hoc («ушбу ҳолатда») кўриб чиқишни назарда тутиши мумкин. Биринчи ҳолатда томонлар

<sup>1</sup> Қаранг: Современное законодательство Китайской Народной Республики: Сборник нормативных актов / Под ред. Л. М. Гудошникова. – М., 2003. – С. 275.

<sup>2</sup> Херсонцев А. И. Кўрсатилган манба. – С. 120–121.

<sup>3</sup> Шелкопляс Н. В. Арбитражное соглашение: теоретические вопросы, имеющие практическое значение // Белорусский журнал международного права и международных отношений. – 1998. – № 3.

келишувнинг ўзи туфайли институтциявий арбитраж муассасасининг регламенти нормалари орқали низони кўриб чиқишга бўйсундилар, кейингисида эса, улар мустақил равишда барча тартибларни белгиладилар (кўпинча, мураккабликларга йўл қўймаслик учун томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ad hoc арбитражи учун халқаро савдо-сотик ҳуқуқлари бўйича комиссияси томонидан махсус тайёрланган 1976 йилги Юнситрал Арбитражидан фойдаланадилар.

Арбитраж келишуви ёзма шаклда тузилади. Агар келишув тарафлар томонидан имзоланган ҳужжатдан иборат бўлса ёки ёзишмалар, телетайп хабарлари орқали ёки бундай келишувларни қайд қилишни таъминловчи бошқа электрон алоқа воситаларидан фойдаланиш орқали тузилган бўлса, ёхуд тарафлардан бири келишувнинг мавжудлигини тасдиқлайдиган, бошқаси эса бунга эътироз билдирмайдиган даъво аризалари ва даъво фикрларини алмашиш орқали тузилган бўлса, у ёзма шаклда тузилган ҳисобланади. Шартномадаги арбитраж писандасидан иборат ҳужжатга ҳавола бўлиб, шартнома ёзма шаклда тузилган ва ушбу ҳавола тилга олинган писандани шартноманинг бир қисмига айлантирадиган шароитда арбитраж келишуви ҳисобланади.

Амалиётда арбитраж келишувларининг турли шакллари кенг қўлланишига қарамаздан, фанда уларнинг ҳуқуқий табиати ҳақидаги умум эътироф этган нуқтаи назар мавжуд эмас. Мутахассислар арбитраж табиатини тушунишга нисбатан тўрт асосий ёндашувни ажратиб кўрсатадилар: шартномавий, процессуал, аралаш ва автоном<sup>1</sup>. Шартномавий назария тарафдорлари арбитраж келишувларини фақат хусусий-ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўлувчи фуқаровий-ҳуқуқий битимлар сифатида кўриб чиқадилар.

Автоном назария тарафдорлари арбитражга мустақил ҳуқуқий табиатга эга ҳодиса сифатида қарайдилар. Масалан, 1993 йилда Франция кассацион суди қарорларидан бирида «арбитраж келишуви юридик жиҳат-

дан ўзи унинг ичида бўлган асосий шартномага боғлиқ эмас; арбитраж келишувларининг мавжуд бўлиши ва ҳақиқийлиги француз ҳуқуқининг императив нормалари ва тарафларнинг ихтиёрий келишуви асосида халқаро оммавий тартиблар талабларини ҳисобга олган ҳолда баҳоланиши лозим, бунда бирон-бир миллий ҳуқуққа мурожаат этишга зарурат бўлмайди»<sup>2</sup>, деб кўрсатилган эди.

Воситачилик (ёки медиация) судлар томонидан тавсия қилинган шахс – воситачи (медиатор) томонидан низолашаётган тарафларга низони ҳал этишда кўмак бериш бўйича амалга ошириладиган фаолият ҳисобланади. Воситачи – иқтисодий муомаланинг (масалан, қимматли қоғозлар бозори соҳасида) муайян соҳасида тажриба ва билимга эга бўлган, низо иштирокчилари билан бирон-бир муносабатда бўлмаган жисмоний шахс.

Воситачилик қуйидаги шартларга риоя қилинган ҳолда, суд назорати остида амалга оширилади:

биринчидан, воситачи, қоида тариқасида, судда рўйхатдан ўтади;

иккинчидан, тарафлар суднинг тавсиясига кўра муайян воситачига мурожаат қиладилар;

учинчидан, процессуал қонунчилик томонидан воситачиликни амалга оширишнинг муайян муддатлари белгиланади;

тўртинчидан, воситачи ўз фаолиятининг натижалари тўғрисида суд олдида ҳисоб беради.

Воситачилик воситачи томонидан ташкил қилинадиган ва у иштирок этадиган тарафлар олиб борадиган музокаралар кўринишида амалга оширилади. Воситачи бирон-бир ҳокимият ваколатига эга эмаслиги ва шунга мувофиқ, бирон-бир тартиб-қоида билан боғлиқ эмаслиги туфайли, музокаралар мутлақо суд мажлисларига ўхшамаган эркин шаклда амалга оширилади. Бунда воситачи тарафларга фақат низони тартибга солишнинг юридик оқибатларини тушунтирибгина қолмай, балки улар ўртасидаги низонинг иқтисодий ёки шахсий асосларини англаб етишига ҳам ёрдам беради, ўзининг касбий ва ҳаётий тажрибасидан фойдаланган ҳолда,

<sup>1</sup> Масалан, қаранг: Лунц Л. А., *Марышева Н.И.* Курс международного частного права. Том 3. – М., 1976. – С. 218–219; Арбитражный процесс /Под ред. В. В. Яркова. – М., 1998. – С. 405; *Лебедев С. Н.* Международный торговый арбитраж. – М., 1965. – С. 22–34.

<sup>2</sup> Cass. le civ., Dec. 20, 1993, Dalico.

барча тарафларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, низони бартараф этиш имкониятлари ва оқибатларини тушунтиради. Музокара сирларини сақлаш воситачининг асосий мажбуриятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Тарафларнинг келишув битимини тузиши ёхуд даъвогарнинг даъводан воз кечиши воситачиликнинг натижаси бўлиб ҳисобланади. Воситачи хизматига тарафлар келишуви асосида ҳақ тўланади.

Воситачилик тартиблари ҳақида баён қилинганлардан кўриниб турибдики, ундан фақат ҳуқуқий маданият ва диний бағрикенгликнинг юқори даражасига эришган жамиятдагина кенг фойдаланиш мумкин. Фикримизча, Ўзбекистон процессуал қонунчилигига бир неча ярашув тартибларини қўллашни тартибга солувчи нормаларни киритиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса тарафларга танлаш имкониятини берган бўлур эди. Чунки бу ўринда ҳали процесс тарафларининг тенгликка асосланган муносабатлари ривожланишига ҳеч бир кўмак бермайдиган ҳуқуқий вакуум мавжуд.

Жаҳон суд амалиётида маълум бўлган бошқа ярашув тартибларидан музокаралар, кичик процесслар, шунингдек низоларнинг судга қадар мажбурий тартибга солинишига риоя қилиш заруратини санаб ўтиш мумкин. *Музокаралар* – «томонлар ўртасида ўтказиладиган ва низоларни мураса асосида тартибга солиш»дан иборат<sup>1</sup>. *Кичик процесслар* – ноюрисдикциявий асослардаги процессуал шаклда низоларни тартибга солиш мақсадидаги ярашув ҳисобланган тартибдир. У суд мажлисларига ўхшаб кетадиган шаклда ўтказиладиган, раислик қилувчи тариқасида бирон-бир бетараф шахс иштирок этадиган томонлар вакилларининг музокараларидан иборат. Музокара ва кичик процесслар АҚШ учун кўпроқ хосдир. Уларнинг тавсифларидан бу ташқи жиҳатдан воситачиликка ўхшаб кетади. Асосан бошқа барча тартиблар, келишув битимига ёхуд иш бўйича судда иш юритишни даъвогарнинг даъводан воз кечиши орқали тугатилишига эришишга қаратилган

бўлади (Ўзбекистонда кенг тарқалган низоларни судга қадар тартибга солишни ярашув тартиблари сирасига киритиш эҳтимолдан йироқдир, чунки улар суднинг назорати остида бўлмай, даъво берилгунга қадар амалга оширилади).

Европа Кенгашига аъзо давлатлар томонидан халқаро ҳужжатлардан бирида бевосита тавсия қилинганидек, «томонлар ярашуви ёки низоларни дўстона тартибга солишни енгиллаштириш, ёки ўрни келганда рағбатлантириш чора-тадбирларини улар иш юритувига қабул қилингунга қадар ёки муҳокама жараёнида қабул қилиш лозим»<sup>2</sup>. Бу ҳимоянинг юрисдикцион шакллари билан бирга, ўз ихтиёрига кўра мустақил равишда, давлат органлари билан «мувозий» тарзда амал қиладиган шакллар ёрдамида юридик низоларни ҳал этадиган ва тартибга соладиган ҳуқуқий муносабат субъектларининг ҳуқуқларини эътироф этишга олиб келди.

Шундай қилиб, бугунги кунда чет эл мамлакатларидаги фуқаролик процесси иштирокчилари суд процесси доирасида ҳам, суд органларига мурожаат қилинмаган ҳолларда ҳам бир-бирлари билан музокаралар олиб бориш жараёнида низоларни тартибга солиш имкониятларига кўпроқ мурожаат қилишмоқда.

Келишув битими тарафлар ўртасидаги низони дўстона тартибга солишнинг ижобий натижаси сифатида тобора кўпроқ қўлланилмоқда, низоларни бартараф этишнинг нисбатан кўп қўлланиладиган қулай ва амалий натижа берадиган воситасига айланмоқда. Шу сабабли, ҳозирги кунда аксарият мамлакатларда ярашув (келишув) тартибларига эътибор қаратилмоқда, уларни самарали амалга оширишни таъминловчи тартиблар ва органлар тўғрисидаги қонунчилик фаол ривожланмоқда. Шу муносабат билан, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва фуқаролик судлов ишларини юритишда ярашув тартиблари институтини қўллаш амалиётида хориж тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

<sup>1</sup> Арбитражный процесс: Учебник /Отв. ред. проф. В. В. Ярков. 2-е изд., перераб. и доп. – М., 2004.

<sup>2</sup> Рекомендация Комитета министров Совета Европы от 14 мая 1991 года № R (81) 7 «Комитет министров - государствам-членам относительно путей облегчения доступа к правосудию» // Российская юстиция. – 1997. – № 6. – С. 4.

## ПРЕСТУПНОСТЬ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ И ЕЁ ПРОФИЛАКТИКА: КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЙ И СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЙ АСПЕКТЫ

Преступность несовершеннолетних как негативное социальное явление имеет свою криминологическую специфику, связанную с возрастными и социально-психологическими особенностями лиц подросткового и юношеского возраста, что позволяет рассматривать её в качестве самостоятельного объекта междисциплинарного криминологического и социально-психологического изучения. Необходимость выделения данных аспектов преступности несовершеннолетних обуславливается, во-первых тем, что они тесно взаимосвязаны между собой; во-вторых, возрастными и социально-психологическими особенностями подростков как субъектов, совершивших преступления.

В криминологии понятие преступности несовершеннолетних принято связывать с возрастом субъекта преступления. Несовершеннолетние преступники – это лица в возрасте от четырнадцати до семнадцати лет включительно. Они отличаются от лиц старшего возраста характеристиками социально-психологических особенностей личности и преступного поведения. Основания выделения преступности несовершеннолетних как специфического предмета исследования можно разделить на две группы:

а) общеправовые – наличие в Уголовном, Уголовно-процессуальном, Уголовно-исполнительном кодексах глав, содержащих определение преступности несовершеннолетних, особенности их привлечения к уголовной ответственности, расследования уголовных дел, назначения и исполнения наказания для данной категории лиц;

б) криминологические – раскрывающие специфику самих преступлений (виды, формы, мотивы); особенности личности (возраст, вменяемость, криминогенные качества); при-

чины преступности и определяющие меры её профилактики.

В уголовном законодательстве Республики Узбекистан определено, что обязательным условием привлечения лица к уголовной ответственности является достижение им определенного возраста. Лицо является субъектом преступления и может быть привлечено к уголовной ответственности, если оно в момент совершения преступления достигло 16 лет. Таково общее правило. В тоже время за ряд тяжких преступлений, например, убийство, грабеж, изнасилование, закон устанавливает уголовную ответственность с 14 лет.

Анализ возрастных характеристик преступности несовершеннолетних, как правило, проводится с выделением младшей (14–15 лет) и старшей (16–17 лет) групп. По многим криминологическим критериям эти группы заметно отличаются друг от друга. Криминальная активность в первой или подростковой группе чаще бывает ниже, чем в старшей группе юношеского возраста. По признаку возраста участников групповых преступлений статистика выделяет две категории преступлений: 1) совершенные в группе только несовершеннолетними; 2) совершенные с участием взрослых.

По признаку пола преступность несовершеннолетних – это в большей мере преступность лиц мужского пола, на долю девочек приходится значительно меньшее количество совершенных преступлений.

Имеются различия преступности несовершеннолетних, характеризующихся по роду их занятий. Большой удельный вес составляет преступность не работающих и не учащихся подростков, меньший – учащихся, студентов и работающих лиц.

\* Магистрант Ташкентского государственного юридического института.

---

Особенности преступности несовершеннолетних во многом определяются их социально-психологическими особенностями. Возраст 14–17 лет является сложным и даже кризисным периодом в формировании личности и представляет собой промежуточную социализацию между детством и взрослостью. Подростки в этом возрасте особо уязвимы со стороны внешних воздействий, негативного влияния сверстников и, что особенно важно, взрослых лиц. Повышенная криминальная активность несовершеннолетних также закономерно связана с особенностями возраста. Подростки и юноши обладают высокой энергетикой, стремлением открыть или сделать что-то новое, ранее неизвестное, самоутвердиться в инновационной деятельности. Подобный поиск приводит и к творческим достижениям, и к негативным формам отклоняющегося или девиантного поведения (наркомания, проституция, правонарушения, преступность).

Традиционно выделяются следующие особенности преступности несовершеннолетних:

- многие преступления носят спонтанный, импульсивный характер, свойственный детскому «озорству»;

- повышенная латентность;

- для несовершеннолетних в большей степени, нежели для взрослых, характерны мотивы самоутверждения, лжетоварищества, псевдоромантизма;

- большинство преступлений несовершеннолетних совершается в группе;

- высокий уровень «внутрисемейных» и «бытовых» преступлений (потерпевшими являются члены семьи несовершеннолетнего и лица, принадлежащие к его бытовой среде).

Вместе с тем данные криминологических исследований свидетельствуют, что в последние годы преступность несовершеннолетних во многом утратила черты детского

поведения, озорства, спонтанности. Значительно вырос уровень жестокости, подростки вовлекаются в ранее несвойственные им сферы «взрослой» преступности<sup>1</sup>.

Особенностью преступности несовершеннолетних в последнее время стало их участие в преступлениях с использованием высоких технологий в киберпреступлениях. Тревожной является вовлечение несовершеннолетних в преступный оборот наркотиков.

Произошли изменения и в мотивационной структуре преступности несовершеннолетних. Так, если раньше лишь 25-30% краж совершались только из корыстных мотивов, в остальных случаях преобладали мотивы лжетоварищества, самоутверждения и т. п., то в настоящее время корыстная мотивация превалирует.

Для семейного положения несовершеннолетних преступников характерна неполная семья, как правило, без отца, и даже в случае наличия обоих родителей имеет место общее неблагополучие (родители-алкоголики, правонарушители, судимые). Как правило, подобные семьи не только не выполняют традиционную для семьи сдерживающую роль, но и оказывают криминогенное воздействие на формирующуюся личность подростка.

Среди несовершеннолетних преступников характерный показатель вторичная судимость. Привлекаемые к уголовной ответственности несовершеннолетние ранее уже совершали преступления. Большинство несовершеннолетних преступников привлекались к административной ответственности. Высокий реальный уровень повторного совершения преступлений после применения к несовершеннолетним мер воспитательного воздействия заменяющих уголовное наказание.

Для несовершеннолетних преступников характерны существенные *искажения нравственного и правового сознания*, что во многом вызвано незрелостью личности подростка, ее социальной дезадаптацией<sup>2</sup>. Наблюдается

---

<sup>1</sup> См.: Криминология / Проф. З. С. Зарипов тахрири остида. – Т., 2006. – Б.226–239; Криминология / Под ред. В. Н. Кудрявцева, В. Е. Эминова. – М., 2007; Домова А. И. Социально-психологические аспекты преступности несовершеннолетних. – М., 2000.

<sup>2</sup> См.: Абдуллаева Ш. А., Рўзиева Г. Я. Девиант хулкли ёшлар билан профилактик тадбирлар олиб бориш йўллари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2011. – №3. – Б.70–73; Израилова Н. Девиантный ребенок как предмет исследования: комплексная оценка // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2011. – №3. – С. 74–78.

---

преобладание эгоистической психологии, равнодушия к нуждам других людей и общества. Естественное для подростка стремление к самоутверждению реализуется посредством насилия, причинения страданий слабым и беззащитным. Искажено само понимание дозволенного и недозволенного, формируется правовой негативизм, враждебность к обществу и его институтам.

В формировании криминогенных личностных особенностей несовершеннолетних главную роль играют следующие обстоятельства.

Исследования психологов, социологов, педагогов, правоведов показывают, что типичным для родителей несовершеннолетних преступников является низкая культура, эгоистичные потребительские установки, что определяет **неправильную воспитательную позицию в отношении детей**. Часто в таких семьях остаются безнадзорными и уходят дети на улицу из-за проблем в семье: систематические конфликтные ситуации, дефекты в структуре общения, неблагополучная эмоциональная атмосфера и т.д.

**Отрицательные влияния в ближайшем окружении.** Исследования показывают, что для большинства подростков влияние сверстников и взрослых лиц в бытовом, учебном, трудовом окружении во многом вытесняет влияние родственников. Включаясь в формальные и неформальные группы и дорожа своим положением в группе, подростки впитывают установленные стандарты поведения и ценности. Огромное значение имеет феномен подражания, который во многом определяет поведение несовершеннолетних. В этих условиях велик риск криминального заражения. Для подростков типично совершение преступления по мотивам лжетоварищества, солидарности с группой, желая повысить свой авторитет в группе.

**Подстрекательство со стороны взрослых преступников.** По данным исследований, имеет место не менее чем в 30% случаев совершения несовершеннолетними преступлений. К этому следует добавить значи-

тельную латентность такого подстрекательства, часто носящего косвенный характер (пропаганда преступного образа жизни, криминальных обычаев, культуры)<sup>1</sup>.

Изучению проблемы преступности несовершеннолетних посвящены криминологические и междисциплинарные исследования большого числа авторов как стран СНГ (К.Е.Игошева, Г.М.Миньковского, Л.И.Беляевой, Ю.М.Антояна, С.Я.Лебедева и др.), так и Узбекистана (З.С.Зарипова, М.Х.Рустамбаева, К.Р.Абдурасуловой, Г.Абдумаджидова, Б.Д.Ахрарова, Ш.Абдуллаевой, Р.Зуфарова, А. Закировой, Ф.Тохирова, У. Халикулов) и др.

На основе обобщения имеющихся статистических и аналитических результатов этих исследований, можно достоверно:

– *охарактеризовать* причины, структуру и динамику преступности несовершеннолетних;

– *описать* социально-психологические и личностные особенности несовершеннолетних в связи с видами совершенных ими преступлений или правонарушений;

– *выявлять* социальные условия и негативные криминогенные факторы как причины, под действием которых деформируется личность подростка-правонарушителя.

Результаты исследований узбекских авторов (И.Исmoilов, Б.Исmoilов, Д.Миразов, А.Алламуратов, А.Кулахмедов, А.Базаров и др.) могут послужить основанием для совершенствования законодательства по делам о преступлениях несовершеннолетних, последующей разработки нормативных актов, научно-методических рекомендаций, предусматривая принятие конкретных профилактических мер по предотвращению и предупреждению преступности несовершеннолетних с учетом их возрастных, социально-психологических и личностных особенностей. На наш взгляд, большое значение в этом плане имеет комплексная разработка нормативного содержания правомочных, правоприменительных и социально-правовых функций государства, общества и его социальных институтов в отношении несовершеннолетних правонарушителей с ориентацией на гуманные формы

---

<sup>1</sup> См.: Мирзаянов К. Влияние криминальной субкультуры на преступное поведение подростков и ее профилактика // Жиноятчиликининг олдини олишдаги долзарб муаммолар. – Т., 2003. – С.191.

---

и меры наказания, в частности, используя международный опыт ювенальной юстиции и восстановительного правосудия.

Преступность несовершеннолетних занимает особое место среди актуальных проблем современной криминологии и судебной практики, что обуславливает специфику политики профилактики преступного поведения среди данной категории лиц. С одной стороны, её целью является защита прав и интересов несовершеннолетних, а с другой, защита общества от правонарушений и преступных посягательств несовершеннолетних.

По данным многих исследований и судебной практики лица, совершающие противоправные действия в раннем возрасте, позже, как правило, значительно труднее поддаются исправлению и в итоге составляют основной резерв для взрослой и рецидивной преступности. Поэтому наиболее раннее выявление и своевременное принятие необходимых профилактических мер к подросткам, совершающим первые, не представляющие большой общественной опасности правонарушения, в значительной степени позволяют не допустить формирования у этих лиц стойкой направленности на совершение в дальнейшем каких-либо преступлений<sup>1</sup>.

Вышеизложенное обуславливает необходимость всестороннего изучения и проведения специального исследования преступности несовершеннолетних как относительно самостоятельного социального явления с целью разработки эффективных профилактических мер по ее предупреждению.

На наш взгляд, решение проблемы преступности несовершеннолетних как особой социальной группы, имеющей свои криминогенные и социально-психологические особенности, должно осуществляться на основе следующих принципиальных положений (подходов):

– уважение и защита прав, интересов несовершеннолетних, совершивших преступления (по причине социальной незрелости, низкого уровня правосознания, негативных криминогенных и социально-психологических особенностей личности);

– выделение несовершеннолетних в качестве самостоятельной группы социальной и правовой защиты, нуждающейся в социально-психологической реабилитации, последующей адаптации и реинтеграции в общество;

– рассмотрение несовершеннолетнего в большей мере как объекта профилактики, реабилитации и перевоспитания, чем как объекта судебных санкций, уголовного наказания, карательных мер;

– разработка и внесение в действующее уголовное законодательство изменений или дополнений, определяющих понятия: «преступность, преступление несовершеннолетних», «профилактика преступности несовершеннолетних», «социально-психологическая реабилитация несовершеннолетних»;

– организация подготовки специалистов, использующих социально-воспитательные и реабилитационные формы, методы работы с несовершеннолетними правонарушителями.

Большое значение имеет подход к совершенствованию действующего законодательства с учетом соблюдения *принципа повышенной юридической защиты прав несовершеннолетних*, что может (и должно) усилить профилактический потенциал уголовного права, правоприменительной практики органов прокуратуры и судов, рассматривающих дела о преступлениях несовершеннолетних. В связи с этим, необходима специализация следователей, прокуроров, судей по их работе с несовершеннолетними, а также обеспечение бесплатной юридической помощи подросткам, вступившим в конфликт с законом.

Перспективным подходом является решение проблемы преступности несовершеннолетних с учетом приоритетности социальной профилактики, что предполагает: диверсификацию мер обращения с несовершеннолетними в зависимости от характера и тяжести преступного деяния; разработку и обоснование содержания социально-психологической реабилитации подростков (в отличие от социально-педагогической реабилитации); использование альтернативных мер восстановительного правосудия, не связанных с лишением свободы несовершеннолетних.

---

<sup>1</sup> См.: Криминология / Проф. З. С. Зарипов тахрири остида. – Т., 2006. – Б.226–239.



Ш. У. Қосимов\*

## ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИП ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

Жиноий жазо тизимини либераллаштиришнинг асосий принципи, халқимизнинг инсонпарварликка асосланган азалий анъаналари ва ғояларига таянади. Ушбу принцип Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ўзбек халқининг урф-одатлари, қарашлари мажмуидан келиб чиққан ҳолда белгиланишини таъкидлаш зарур.

Мамлакатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов «Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи» номли маърузаларида «қолаверса, ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, уни шакллантириш жараёни ҳар бир мамлакатда ўзига хос тарзда кечади. Шу маънода биз ўзимизга хос ва ўзимизга мос давлат, жамият қурамиз, деб бежиз айтаётганимиз йўқ. Биз шарқона тарбия кўрганмиз, ўз одатларимиз, анъаналаримиз, ўз бетакрор инсоний табиатимиз мавжуд» деб таъкидлайдилар<sup>1</sup>.

Ўз ўрнида айтиш жоизки, жиноят қонунчилигини либераллаштириш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш, демократлаштириш, мамлакатимизнинг ҳуқуқий-демократик давлат қуриш ҳамда уни шакллантиришнинг йўналишлари ва принциплари билан монанд амалга оширилиши лозим.

Жиноят қонунчилигини, чунончи жазо институтини ислоҳ этишни ҳам ўзбек халқининг ўзига хос шарқона тарбия билан суғорилган одатлари, анъаналари ва инсоний табиатидан келиб чиққан ҳолда белгилаш мумкин.

Шу маънода Президент Ислоҳ Каримовнинг 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» деб номланган маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар ва вазифалар мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, одил судлов тизимини фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг чинакам кафолати бўлишини таъминлаш, уни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлди. Мазкур маърузада суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш юзасидан белгилаб берилган устувор йўналишлар ва вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 март қарори билан тасдиқланган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада эркинлаштиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш концепциясида мустаҳкамланди.

Маълумки, жиноят қонунчилигининг асосий вазифаларидан бири жиноятларнинг олдини олиш ҳисобланади ва бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислоҳ Каримов: «Оғир жазоларни, ... жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг тингловчиси.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т., 2000. – Б. 471.

шахсининг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ»<sup>1</sup> деб таъкидлайди.

Ушбу фикрлардан келиб чиққан ҳолда ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни таҳлил этиш натижасида, жиноят қонунчилигини либераллаштиришнинг қуйидаги асосий принципларини белгилаш мумкин:

**Биринчиси** – қонун устуворлиги принципи. Ислом Каримов таъкидлаганидек, «қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарт ҳисобланади»<sup>2</sup>. Шу боис таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, либераллаштириш жараёни қонун устуворлиги асосида амалга оширилмоқда.

**Иккинчиси** – қонунларни ислоҳ этишнинг ижтимоий адолат принципига асосланганлиги. Мамлакатимиз раҳбари ижтимоий адолат ва унинг жиноят учун жазо институтида кенг қўлланилаётганлигига, жиноят учун жазо тизимини либераллаштиришнинг асосий кўрсаткичи эканлигига ўз фикрини билдирар экан: «Ўзбекистонда умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланади. Ушбу жазо тури бизнинг мамлакатимизда хотин-қизларга, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга етмаган

шахсларга ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас», деб таъкидлайдилар<sup>3</sup>.

Ҳуқуқшунос олим М. Х. Рустамбаев тўғри таъкидлаганидек, либераллаштириш сўзи баъзи ҳолларда эркинлаштириш, енгиллаштириш, одиллаштириш, мўътадиллаштириш кабилар билан ҳам ифодаланади. Лекин бу сўзлар либераллаштиришнинг фақат муайян қирраларини, мазмунинигина беради, холос (масалан, ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш, жиноят қонунчилиги сиёсатини мўътадиллаштириш, жазо чораларини енгиллаштириш ва ҳ.к.). Яхлит мазмун касб этувчи сўз – либераллаштириш ҳисобланади<sup>4</sup>.

Либераллаштиришга И.Э. Хожаназаров янада аниқроқ тушунча бериб, «либераллаштириш – ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ҳуқуқий ислохотларнинг устувор йўналиши бўлиб, эркинлик, одиллик ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини намоён этган, имтиёз берувчи ва рағбатлантирувчи демократик қоидаларга асосланган миллий қонунчилик тизимини шакллантириш жараёни» эканлигини таъкидлайди<sup>5</sup>.

Шундан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, жиноий жазоларни либераллаштириш деганимизда, жиноят қонунчилиги жазо тизими, жазо тайинлаш қоидалари, жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш институтини ислоҳ этиш, ушбу нормаларда жиноят қонунчилиги принципларидан келиб чиққан ҳолда инсон ҳуқуқларини янада эркинлаштиришга оид нормаларни шакллантиришни тушуниш лозим. Либераллаштириш фақатгина маълум бир турдаги қонун жорий этиш сифатида эмас, балки у маълум жараён сифатида, яъни жиноятчиликка қарши кураш учун ижобий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчилик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т., 2002. – Б. 36.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б. 28.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Т., 2011. – Б. 61.

<sup>4</sup> Рустамбаев М. Ҳ. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши – давр талаби ва истиқболда такомиллаштириш муаммолари // Суд-ҳуқуқ ислохоти: назария ва амалиёт. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2001. – Б. 165.

<sup>5</sup> Хожаназаров И. Э. Либераллаштириш – Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислохотларнинг марказий йўналиши: Юрид. фан. номз... дис. автореф. – Т., 2009. – Б. 7.

таъсир кўрсатувчи, жиноят қонунчилиги вазифалирини амалга оширишга кўмаклашувчи ва жазонинг мақсадидан келиб чиқувчи жараён деб тушуниш мақсадга мувофиқдир. Чунончи, жиноий жазоларни либераллаштиришнинг мақсади, шахсларни жавобгарликка тортмаслик ёки енгил жазо тайинлаш эмас, балки жазонинг самарадорлигига эришиш, жиноят қонунининг вазифаларини ва принципларини тўлиқ амалга ошириш, жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб боришдир.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда амалга оширилаётган либераллаштириш жараёнида ижтимоий адолат принципига катта аҳамият берилади. Жумладан, вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусияти, аёлларга ва олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан жазо тайинлаш қоидаларининг жорий этилганлиги, мамлакатимизда ҳар йили чиқарилаётган амнистия актларининг мазмунини таҳлил этар эканмиз унда ижтимоий адолатнинг устуворлигини кузатишимиз мумкин.

**Учинчиси** – либераллаштиришнинг узлуксиз ва босқичма-босқич амалга оширилиши. Мамлакатимиз раҳбари «Биз ишлаб чиққан ва бугунги кунда ҳаётга татбиқ этаётган ушбу моделнинг маъно-мазмунини – давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодий мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишдан иборатдир»<sup>1</sup> деб таъкидлаб, кейинги масала сифатида «Бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича олдимизда турган кенг кўламли вазифалар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш масаласини кун тартибига қўяётганини биз ўзимизга албатта яхши тасаввур этамиз», деб либераллаштириш жараёнининг узвий давомини белгилаб бердилар<sup>2</sup>.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар йўналишида жиноий-ҳуқуқий соҳани такомиллаштириш фуқаролар ҳуқуқларини янада эркинлаштириш, жиноий жазо тайинлашнинг адолатлилик ҳамда инсонпарварлик принципларига асосланган комплекс тизимини яратишни долзарб муаммога айлантормоқда. Чунки, жиноий-ҳуқуқий соҳани либераллаштириш фақатгина умумий ва махсус рағбатлантирувчи нормаларни яратиш ёки уларни такомиллаштириш билан чекланиб қолмай, ушбу нормалар ўртасида тизимликни ўрнатиш ҳамда бошқа мавҳум ва мунозарали масалаларни бартараф этишни ҳам талаб этмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, жазо тайинлашга жиноятчиликка қарши курашишнинг ягона қуроли сифатида қараш бир томонлама ёндашув бўлиб, ҳеч қандай натижа бермаслиги аниқ. Жазонинг самарадорлиги шахсларнинг ҳуқуқий онгидан келиб чиққан ҳолда белги-ланар экан, ўз навбатида, жазога оид соҳани ҳам шахсларнинг ҳуқуқий онгидан келиб чиққан ҳолда доимий равишда такомиллаштириб бориш лозим. Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, «...жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди»<sup>3</sup>.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даври мобайнида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида амалга оширилган ислохотлар

<sup>1</sup> Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Т., 2011. – Б. 36.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б. 64.

<sup>3</sup> Ўша манба. – Б. 58.

---

таҳлили уларнинг қуйидаги устувор йўналишлари ҳақида фикр юритиш имконини беради:

*биринчидан*, мамлакатимизда суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш ва унинг инсон ҳуқуқлари, Конституция ва қонун устуворлигининг чинакам ҳимоячисига айлантириш, одил судлов тизимини демократлаштириш;

*иккинчидан*, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизминини яратиш, республикамиз қонунчилик ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқлаштириш;

*учинчидан*, жиноий жазоларни либераллаштириш;

*тўртинчидан*, аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини тубдан яхшилаш, унинг ҳуқуқий маданият даражасини ошириш, кенг ва самарали ҳуқуқий ахборот майдонини яратиш.

Шахсга оғир ёки энгил жазо тайинланиши жиноят қонунини принципларини амалга оширишда, жиноятчиликка қарши курашишда ҳал қилувчи, фавқулодда ҳодиса ҳисобланмайди. Жиноятчиликка қарши курашдаги энг самарали восита сифатида жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳамда жазо қўллаш таҳдидининг аниқлиги ҳисобланади, яъни биринчи галда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятининг шаклланганлиги, уларнинг қонунларга бўлган муносабати доирасида амалга оширилишир.

Жиноий-ҳуқуқий жазоларни либераллаштириш жиноят учун жавобгарликни, жиноятчилик динамикасини сунъий тушириш, фуқароларни жавобгарликка тортмаслик эмас,

---

аксинча, уни ҳар бир жиноий қилмиш учун жазонинг муқаррарлигидадир<sup>1</sup>.

Ҳуқуқшунос олимлар Ҳ.Т. Одилқориев ва И.Т. Тультеевлар таъкидлаганларидек, жиноий жазо барча ижтимоий касалликларга даво бўладиган восита эмас. Айрим ҳолларда у даволашдан кўра, ҳатто кўпроқ зарар келтиради. Зеро, у касалликни янада чуқурроқ яшириши, уни керагидан ортиқ хавфли шаклга айлантириши мумкин. Катта ижтимоий хавф туғдирмайдиган қилмиши учун узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган одамнинг жазони ўташ жойларидан дарғазаб, аламзада ва жамиятга нисбатан норози кайфиятда қайтиши табиий бир ҳолдир. Бундай шахсларни «қайта тарбияланди» деб бўлмайд<sup>2</sup>.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласига истиқлолимизнинг илк кунлариданоқ алоҳида эътибор берилган бошлади. Шу мақсадда, юридик таълим тизими жиддий ислоҳ қилинмоқда, юридик олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш анча кенгайтирилди, юристларнинг малакасини ошириш ўқув маркази ташкил этилди, юридик адабиётлар, дарслик ва қўлланмалар чиқариш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Ҳуқуқий тарғибот ишлари кенг йўлга қўйилди.

Шундай қилиб, жиноий жавобгарлик институтини либераллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилашда халқимизнинг эзгу қадриятлари, анъаналари, урф-одатлари ва тарбия усулларидан келиб чиқиб ёндашиш жиноят қонунидаги мавжуд нормаларни янада такомиллаштиришда муҳим роль ўйнайди.

---

<sup>1</sup> Абдурасулова К. Р. Либерализация уголовного законодательства – важнейший этап судебно-правовой реформы в Республике Узбекистан // Отмена смертной казни в Узбекистане: либерализация исполнения уголовных наказаний: Материалы международной конференции. – Т., 2008. – С. 52

<sup>2</sup> Одилқориев Ҳ. Т., Тультеев И. Т. Жиноий-ҳуқуқий сиёсатни либераллаштириш: зарурат ва омиллар // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2002. – №1. – Б. 70.

## ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУАММОЛАРИ

Маълумки, фирибгарлик мулкка қарши қаратилган жиноятлар ичида энг кўп тарқалгани бўлиб, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёхуд мулкка бўлган ҳуқуқини қўлга киритишдан иборатдир. Фирибгарликнинг нафақат содир этилиш усули, балки қонунда махсус белгиланган тажовуз қилиш предмети ҳам ўзига хос ҳисобланади. Ушбу жиноят учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида жинойий жавобгарлик белгиланган.

Жиноятчиларнинг ноқонуний бойлик орттириш усуллари орасида фирибгарлик алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳозирги кунда фирибгарлик хизмат кўрсатиш, хонадон ва уйларни алмаштириш ҳамда сотишда, савдо соҳасида, чет эл валюталарини айирбошлаш ва шунга ўхшаш муносабатларда кўпроқ содир этилмоқда.

Фирибгарликка оид ишлар бўйича ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2009 йил 24 июлда 8-сонли қарор қабул қилган. Ушбу қарорга асосан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Унга нисбатан ҳар қандай тажовуз қонун билан таъқиб этилади.

Фирибгарлик ўзганинг мулкани ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ҳақ тўламай эгаллашда ифодаланиб, бунда мулк эгаси ёки бошқа шахс ёхуд ваколатли ҳокимият органи

мулк ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради ёки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахс томонидан ноқонуний равишда олиб қўйилишига имкон беради.

Фирибгарликда ишлатиладиган ёлғон маълумотларга жабрланувчини янглиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг ваколоти, нияти (масалан, айбдор шахс ўзини мансабдор шахс ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими сифатида кўрсатиши) тааллуқли бўлиши мумкин. Фирибгарликда жабрланувчини янглиштиришга қаратилган қасддан содир этиладиган ҳаракатлар жумласига, масалан, битим ёки тўлов предметини сохталаштириш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар орқали алдов усуллари қўллаш ва бошқалар қиради.

Фирибгарликда ишончни суиистеъмол қилиш деганда, айбдор томонидан мулк эгаси ёки мулкни учинчи шахсларга бериб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли бўлган бошқа шахслар билан бўлган ишончли муносабатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш тушунилиши лозим. Ишончга турли ҳолатлар, масалан, айбдор шахснинг хизмат мавқеи ёки унинг жабрланувчи билан шахсий ёки қариндош-уруғчилик муносабатлари сабаб бўлиши мумкин. Фирибгарликда алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни айбдор мулкдорлиги ёки эгаллигига ихтиёрий равишда берадиган ақли расо шахсга нисбатан содир этилган бўлиши шарт. Айбдор томонидан, била туриб, ақли норасо шахсни ёки воқелик моҳиятини

\* Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси тингловчиси.

англаш қобилиятига эга бўлмаган (масалан, ўта ёшлиги, руҳий жиҳатдан норасолиги, алкоголь, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда таъсирида оғир даражада мастлиги туфайли) шахсни алдаш ва ундан мулкни олиш фирибгарлик тариқасида эмас, балки ўғрилиқ сифатида квалификация қилиниши лозим, чунки бундай ҳолларда шахс мулк унинг эгалигидан чиқиб кетаётганлигини англамайди.

Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик жинояти, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгалигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан бошлаб тугалланган деб топилади. Қонунга кўра, шахснинг банкдаги пул маблағлари унинг банкдаги ҳисоб варақасига келиб тушган (ўтказилган) пайтдан бошлаб реал тасарруф қилиш имкониятига эга бўлганлиги туфайли, жиноят бу маблағларни эгасининг ҳисоб варақасидан алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан олган шахснинг ёки бошқа шахснинг банкдаги ҳисоб варақасига ўтказилган пайтдан бошлаб тугалланган деб топиш лозим.

Агар шахс ўзганинг мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мазкур мулк ёки ҳуқуқ унга берилиши шартли билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаслик ниятида олган ёки эгаллаган бўлса, қилмиш айбдорда ўзганинг мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритишга нисбатан қасд фақат ўзганинг мулки ёки унга бўлган ҳуқуқ қўлга киритилгунга қадар пайдо бўлган ҳолдагина фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим. Ўзганинг мулкни талон-торож қилишга қаратилган қасд мавжудлиги тўғрисида, жумладан, айбдор томонидан сохта ҳужжат ёки кафолат хатларидан фойдаланиш, қарз мавжудлиги ёки мулк гаров остидалиги тўғрисидаги маълумотни яшириш, битимда тарафлардан бири сифатида иштирок этиши учун сохта корхона (ташкилот) тузилиши, кредит маблағларидан мақсадга зид фойдаланиш ёхуд уларни нақдлаштириш кабилар гувоҳлик бериши мумкин. Қайд этилган ҳолатлар суд шахснинг фирибгарлик содир этишда айбдорлиги тўғрисида олдиндан хулосага келиши учун ўз-ўзидан асос бўл-

майди, шу туфайли, шахснинг ўз мажбуриятларини била туриб бажариш нияти бўлмаганлиги ҳар бир муайян ҳолда ишнинг барча ҳолатларидан келиб чиқиб аниқланиши шарт.

Бу жиноят турининг латентлиги бўйича юқори эканлигини айтиб ўтишимиз лозим. Фирибгарликни «касб қилиб олган шахслар»га жабрланувчиларнинг виктимологик хусусиятлари, яъни улар ҳуқуқий маданиятининг етарли даражада шаклланмаганлиги, калтабинлиги, ишонувчанлиги, мол-давлатга ҳирс қўйиши, очкўзлиги, дўст орттиришда одам ажратмаслиги, бепарволиги, пала-партишлиги, эътиборсизлиги, эҳтиросга берилувчанлиги жуда қўл келади. Ушбу фаолиятдан жабрланганлар, аксарият ҳолларда, ўзларининг «чув» тушишлари учун шароит яратиб берадилар.

Фирибгарлик жиноятини содир этувчи шахслар маълум бир соҳавий билим ва маҳоратга, шахсий сифатларга эга ва шу билан бир қаторда, психологик кўникмалари яхши шаклланган бўлади. Шунинг учун улар ишонувчан ва психологик таъсир кўрсатиш мумкин бўлган жабрланувчиларни жамиятдан танлаб, ажратиб оладилар. Сўнг эса ўз қурбонларига айлантирадилар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги 4-сонли қарорининг 2-бандида «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддасига мувофиқ корхона, муассаса, ташкилотларнинг мулкни ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда талон-торож қилиш маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибини ташкил этади. Бундай ҳуқуқбузарлик такроран содир этилганда ҳам, агар талон-торож миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ошмаса, маъмурий жавобгарлик келиб чиқади. Бундай талон-торож неча марта содир этилганлиги аҳамият касб этмайди», деб таъкидланган.

Шунингдек, қарорда «корхона, муассаса, ташкилотларнинг мулкни ўзлаштириш,

растрата қилиш, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, фирибгарлик ва ўғрилик йўли билан талон-тарож қилиш учун жиноий жавобгарлик фақат талон-тарож суммаси Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 61-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган миқдордан ошган тақдирда келиб чиқади. Алоҳида квалификация белгилари мавжуд бўлганда ҳам бундан мустасно эмас. Қонунга мувофиқ ўғрилик ва фирибгарлик йўли билан фуқароларнинг мулкани талон-тарож қилганлик учун жиноий жавобгарлик талон-тарож суммасининг миқдоридан қатъи назар келиб чиқади. Бироқ талон-тарож миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробаридан ошмаган ҳар бир ҳолда суриштирув, тергов органлари ва судлар айбланувчининг (судланувчининг) шахсига оид маълумотларни ҳамда моддий зарарни қопланганлигини инобатга олган ҳолда жиноят ишини Жиноят кодексининг 65 ва 66-моддаларига асосан тугатилиш масаласини муҳокама этиши керак» деб кўрсатилган.

Лекин амалда ушбу қарор умуман қўлланилмайди. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролар хусусий мулк эгасига айланган. Лекин юқорида кўрсатилган Пленум қарорида «муассаса, ташкилот, корхона мулки» деб аниқ таъкидланган. Ҳозир бозор муносабатларида эса фирмалар, жамиятлар ҳамда хусусий тадбиркорлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Муассаса, корхона ва ташкилотлар ўз мулкидан қандай фойдаланса, хусусий тадбиркорлар ҳам шундай фойдаланадилар. Шу сабабли, фикримизча, юқорида кўрсатилган Пленум қарорининг 2-бандини «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 61-моддасига мувофиқ корхона, муассаса, ташкилотларнинг...» деган сўзларидан кейин «фирмалар, хусусий тадбиркорлик субъектлари...» деган жумла билан тўлдириш лозим.

Фирибгарлик бошқа иқтисодий жиноятлар каби, жабрланувчидан жиноий ҳаракатларнинг яширилганлиги, жиноий ҳаракатнинг бошқа оғирроқ турига ўтиб кетиши каби хавфли кўриниш ҳосил қилмайди. Аксинча, у жабрланувчининг гумон қилинувчига бўлган ишон-

чидан келиб чиқади. Аксарият ҳолларда жабрланувчи гумон қилинувчининг фараз қилинган жиноий ҳаракатлари амалга оширилишини хоҳлайди. Қисқача айтганда, у фирибгарнинг ўз жиноий ҳаракатини амалга ошириши учун шароит яратиб беради. Бу, биринчи навбатда, жабрланувчиларнинг ўз мулкий ҳолатини яхшилашга ҳаракат қилиши билан боғлиқдир. Ҳозир бу тоифа жиноятларнинг кўпайиб бораётганлиги сабабли, Жиноят кодекси 168-моддасининг 1-қисмига қуйидагича ўзгартиришлар киритиш таклиф этилади:

«фирибгарлик, яъни алдаш ёхуд ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки мулкига бўлган ҳуқуқини қўлга киритиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарликка тортилгандан сўнг содир этилган бўлса...»

Ўз навбатида, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни ҳам 611-модда, яъни «Фуқароларнинг мулкани фирибгарлик йўли билан оз миқдорда қўлга киритиш» деган маъно билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, Жиноят кодекси 168-моддасининг 4-қисмида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилмаслиги кўрсатилган. Ҳозир фирибгарлик жиноятлари орқасидан етказилган зарарнинг аксарият қисми қопланмаётганлиги сабабли, Жиноят кодексининг 168-моддасини «агар мазкур модданинг 1-қисмида кўрсатилган ҳаракатларни содир этган шахс етказилган моддий зарарнинг ўрнини қопласа, жиноий жавобгарликдан озод қилинади» деган жумла билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида изчил амалга оширилаётган кенг кўламдаги суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида қонунларимиз, етук ҳуқуқшунос олимлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамкорлигида мамлакатимиз аҳолиси, фуқаролар ва айтиқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларни ҳар томонлама билимли ва баркамол этиб тарбиялаш давр талабидир.

**Одилқориев Ҳ.Т. Конституция ва баркамол жамият орзуси: Монография. – Т., 2012. – 446 б.**

Конституция қабул қилинганидан буён ўтган давр жамият ҳаётида кенг қўламли ўзгаришларга олиб келди. Ўзбекистоннинг сиёсий тизим ва давлат бошқаруви қиёфаси тубдан ўзгарди. Буларнинг барчаси Конституциямизнинг жамият тараққиётига мос равишда илдам ривожланаётганлигини кўрсатади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон халқи хоҳиш-иродасининг олий ифодаси, давлатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий рамзи, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларининг ишончли кафолати бўлмиш Конституциямиз қабул қилинганининг йигирма йиллиги кенг нишонланаётган бир пайтда, профессор Ҳ. Т. Одилқориевнинг «Конституция ва баркамол жамият орзуси» монографияси ушбу байрамга муносиб тўхфа бўлди.

Монографияда Конституция Ўзбекистон мустақиллигининг улғу неъмат сифатида талқин этилади. Асарда, истиқлол тонгида конституциявий ислохотларнинг зарурлиги, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиши, бунда халқимизнинг кенг иштироки, конституциявий-ҳуқуқий қадриятларнинг қарор топиши масалалари ўз ифодасини топган. Асосий қомусимизнинг яратилишининг мукамал тарзда баён этилиши, муаллифнинг конституцияни яратиш бўйича тузилган ишчи гуруҳ таркибида ушбу фаолиятда бевосита иштирок этганлиги, мазкур жараёни чуқур ҳис этганлигини ифодалайди.

Конституциянинг Ўзбекистон ҳуқуқий тизимини белгиловчи асос сифатида намоён бўлиши, унинг юридик табиати ва хусусиятлари, моҳияти ва уни англаш масъулияти, устувор принциплари, ижтимоий вазифаси ва функциялари амалий лавҳа ва мисоллар орқали яққол ёритилганлиги асарнинг ҳаққоний ва қизиқарли бўлишини таъминлаган.

Муаллиф Конституцияни Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этиш пойдевори сифатида талқин этган. Ўзбекистонда демократик жамиятни шакллантиришнинг асосий йўналишлари, фуқаролик жамиятини қарор топтиришнинг замонавий Концепциясининг моҳияти ва мазмуни, фуқаролик жамияти ривожининг конституциявий замини, фуқаролик жамияти институтлари, уларнинг давлат органлари билан ижтимоий шериклиги, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг ўзаро муносабати масалалари чуқур таҳлил қилинганлиги китобхон учун айни муддаодир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси жамиятнинг мафкура ва маънавиятини белгиловчи, маънавий-маданий юксалиши, миллий истиқлол мафкурасининг пойдевори эканлиги, конституциянинг барча қоидалари, бутун ички салоҳияти юртимизда инсон манфаатларига хизмат қилувчи ҳуқуқий давлат ва баркамол фуқаролик жамияти барпо этишга йўналтирилганлиги, унда конституциявий давлат ва одил демократик жамиятнинг асосий тамойиллари, сифат белгилари ва ижтимоий адолат принциплари мужассамланганлиги илмий асосланган.

Монографияда ёритилган мавзулар, илгари сурилган ғоялар конституцияшунослик учун янги, долзарб дастурил амал бўлиб, илмий тадқиқотчилар, ўқитувчилар, талабалар ва тингловчилар учун зарур манба бўлиб хизмат қилади.

*И.Исмаилов, юридик фанлар доктори, профессор.*

*Н.П. Азизов, юридик фанлар номзоди, доцент*